

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**1-2-сон**  
**(61-62)**  
**2003 й.**  
**январь**

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами тўрт бўлимдан иборат:*

*тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлиснинг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*тўпламнинг тўртинчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Биринчи бўлим*

1. «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабрдаги 444–II-сон Қонуни
2. «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабрдаги 446–II-сон Қонуни

*Иккинчи бўлим*

3. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 15 январдаги ПФ–3194-сон Фармони
4. «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги ПФ–3202-сон Фармони

*Учинчи бўлим*

5. «Нотариат фаолиятини маблағ билан таъминлашни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 7 январдаги 4-сон қарори

6. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 8 январдаги 7-сон қарори
7. «Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 8 январдаги 8-сон қарори
8. «Автомототранспорт воситаларининг олди-сотди шартномаларини расмийлаштиришни тартибга солиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 январдаги 12-сон қарори
9. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 январдаги 14-сон қарори
10. «Оммавий тадбирларни ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 январдаги 15-сон қарори
11. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш ва айримларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 14 январдаги 17-сон қарори
12. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 16 январдаги 27-сон қарори
13. «Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни ҳисобга олиш, баҳолаш ва сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 январдаги 36-сон қарори
14. «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 январдаги 37-сон қарори
15. «Чилонзор буюм бозори» очик акциядорлик жамияти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 23 январдаги 40-сон қарори
16. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 53-сон қарори
17. «Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сон қарори

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

# **1 «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 23 сентябрда қабул қилинган «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 10, 252-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 56-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 2000 йил, № 7-8, 217-модда) ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқлансин (илова қилинмоқда).

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2002 йил 13 декабрь,  
444-II-сон

### **Ер ости бойликлари тўғрисида (янги таҳрири)**

#### **I. Умумий қоидалар**

##### **1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади ва асосий вазифалари**

Ушбу Қонуннинг мақсади ер ости бойликларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этишда юзага келадиган муносабатларни (кончилик муносабатларини) тартибга солишдан иборат.

Ушбу Қонуннинг асосий вазифалари минерал хом ашёга бўлган талабларни ҳамда бошқа эҳтиёжларни қондириш учун ер қаъридан оқилона, комплекс фойдаланилишини, ер қаъри, атроф муҳит муҳофаза қилинишини, ер қаъридан фойдаланилаётганда ишларнинг беҳатар олиб борилишини таъминлашдан, шунингдек ер қаъридан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилишдан, шахс, жамият ва давлатнинг манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

##### **2-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**алоҳида муҳофаза этиладиган геологик объектлар** — илмий ва ўқув полигонлари, геологик кўриқхоналар, табиат ёдгорликлари, форлар ҳамда илмий, тарихий, маданий, эстетик ва ўзга аҳамиятга молик бошқа ер ости бўшлиқлари;

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.*

**ер қаъри** — ер қобиғининг тупроқ қатламидан қуйида жойлашган, тупроқ қатлами бўлмаганда эса ер юзасидан ёки сув объектлари тубидан қуйида жойлашган, геологик жиҳатдан ўрганиш ва ўзлаштириш мумкин бўлган чуқурликкача ястанган қисми;

**ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш** — Ўзбекистон Республикаси ҳудудини минтақавий геологик жиҳатдан ўрганишни, фойдали қазилма конларини аниқлаш, чамалаш ва қидиришни, улардаги захираларнинг миқдори ва сифатини, уларнинг технологик хоссаларини ва иқтисодий аҳамиятини, шунингдек ер қаърининг бошқа хоссаларини белгилашни ўз ичига оладиган, ер қобиғи геологик тузилишининг ўзига хос хусусиятларини аниқлашга доир махсус тадқиқот ишлари мажмуи;

**кенг тарқалган фойдали қазилмалар** — табиий ҳолича ёки бир оз ишлов бериб ва тозалаб ишлатиладиган фойдали қазилмалар;

**кондициялар** — ер қаъридаги фойдали қазилмалар (нефть, газ ва газ конденсатидан ташқари) захираларини ҳисоблашга доир, фойдали қазилмаларнинг технологик хоссалари, конни ишлатишнинг кончилик-геологик ва бошқа шароитлари, минерал хом ашё ва уни қайта ишлаш маҳсулотларининг бозор конъюнктураси, энергия ресурсларининг нархлари ҳисобга олинган техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар билан асослантирилган талабларнинг мажмуи;

**минерал хом ашё** — қазиб чиқарилган ва бирламчи ишлов беришдан ўтказилган фойдали қазилмалар;

**саноат аҳамиятига молик ер ости сувлари** — таркибида эриган ҳолатдаги фойдали қазилмалар бўлган ер ости сувлари ва ер ости туз эритмалари;

**тажриба-саноат йўсинида кавлаб олиш** — ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш жараёнида фойдали қазилмаларни бойитиш ва қайта ишлаш технологияларини ишлаб чиқиш ёки такомиллаштириш, фойдали қазилма конларини саноат йўсинида ишлатишнинг, шунингдек техноген минерал ҳосилалардан фойдаланишнинг оқилона усуллари ва услубларини танлаш мақсадида фойдали қазилмаларни кавлаб олиш;

**техноген минерал ҳосилалар** — кончилик ва қайта ишлаш соҳасидаги ишлаб чиқаришларнинг фойдаланиш учун яроқли фойдали компонентлар бўлган чиқиндилари;

**фойдали компонент** — фойдали қазилманинг саноат йўсинида ишлатиш мақсадида қазиб олиш технологик жиҳатдан мумкин ва иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлган таркибий қисми;

**фойдали қазилма кони** — ер қаърининг миқдори ва сифати жиҳатидан ишга солиш объекти бўлиши мумкин бўлган фойдали қазилмалари бор участкаси;

**фойдали қазилмалар** — ер қаъридаги келиб чиқиши ноорганик ва органик бўлган қаттиқ, суюқ ёки газ ҳолидаги табиий минерал ҳосилалар, шу жумладан саноат аҳамиятига молик ер ости сувлари, шўр кўлларнинг туз эритмалари ва рапалари;

**фойдали қазилмаларни кавлаб олиш** — фойдали қазилмаларни ер қаъридан юзага чиқариб олиш билан боғлиқ ишлар мажмуи.

### **3-модда. Ер ости бойликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Ер ости бойликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Қорақалпоғистон Республикасида ер ости бойликларидан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатлар Қорақалпоғистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Ер қаъридан фойдаланилаётганда юзага келадиган, ердан, сувдан (саноат аҳамиятига молик ер ости сувлари бундан мустасно), ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан, атмосфера ҳавосидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатлар тегишли қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг ер ости бойликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**4-модда. Ер ости бойликларига эгалик қилиш**

Ер ости бойликлари Ўзбекистон Республикасининг мулки бўлиб, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.

**5-модда. Ер ости бойликлари давлат фонди**

Ер қаърининг фойдаланилаётган ва фойдаланилмаётган участкалари, шунингдек техноген минерал ҳосилалар ер ости бойликлари давлат фондини ташкил этади.

**6-модда. Кавлаб олинган фойдали қазилмаларга, техноген минерал ҳосилаларга бўлган мулк ҳуқуқи**

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кавлаб олинган фойдали қазилмалар давлат мулки, юридик ва жисмоний шахсларнинг мулки бўлиши мумкин.

Фойдали қазилмаларни кавлаб олиш ва минерал хом ашёни қайта ишлаш жараёнида юзага келган техноген минерал ҳосилаларга бўлган мулк ҳуқуқи ер қаъридан фойдаланувчида ер қаъри участкасидан фойдаланиш муддатига сақланиб қолади.

**II. Кончилик муносабатларининг давлат томонидан тартибга солиниши**

**7-модда. Кончилик муносабатлари соҳасидаги давлат бошқаруви**

Кончилик муносабатлари соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек махсус ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси, Саноатда ва кончиликда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги кончилик муносабатлари соҳасидаги махсус ваколатли давлат органлари ҳисобланади.

**8-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг кончилик муносабатлари соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатларига қуйидагилар киради:

ер ости бойликлари давлат фондини тасарруф этиш;

минерал хом ашё базасини ривожлантириш ва такрор ҳосил қилиш, ер қаърини муҳофаза этиш давлат дастурларини тасдиқлаш ҳамда уларнинг амалга оширилишини назорат қилиш;

ер қаъри участкаларини фойдаланишга бериш ва ер қаъри мониторингини амалга ошириш тартибини белгилаш;

фойдаланишга берилган ер қаъри участкаларининг давлат ҳисоби юритилишини ва ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқлари давлат рўйхатидан ўтказилишини ташкил қилиш;

фойдали қазилмалар захираларини тасдиқлаш ҳамда фойдали қазилмалар захиралари давлат баланси, фойдали қазилма конлари, фойдали қазилма белгилари ва техноген минерал ҳосилалар давлат кадастри юритилиши тартибини белгилаш;

кенг тарқалган фойдали қазилмалар рўйхатини тасдиқлаш;

ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш, ундан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини ташкил қилиш;  
қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

**9-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг кончилик муносабатлари соҳасидаги ваколатлари**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатларига қўйидагилар киради: тегишли ҳудудда минерал хом ашё базасини ривожлантириш ва такрор ҳосил қилиш, ер қаърини муҳофаза қилиш давлат дастурлари ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишида иштирок этиш ҳамда уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш;

кенг тарқалган фойдали қазилмалар кавлаб олинаётганда ер қаъридан фойдаланиш шартларини келишиб олиш;

ер қаъридан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

**10-модда. Ер қаъридан фойдаланишни чеклаш**

Агар аҳоли пунктлари, шаҳар атрофи минтақалари, саноат, транспорт ва алоқа объектлари ҳудудларида ер қаъридан фойдаланиш аҳоли ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдириш, атроф муҳитга зарар етказиши эҳтимоли бўлса, бундай фойдаланиш чекланиши мумкин.

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда ер қаъридан фойдаланиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

**11-модда. Фойдаланишга берилган ер қаъри участкаларининг давлат ҳисобини юритиш. Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш**

Геологик жиҳатдан ўрганиш, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш учун, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини қуриш ва улардан фойдаланиш, алоҳида муҳофаза этиладиган геологик объектларни барпо этиш учун, шунингдек нодир тош хом ашёси намуналарини, палеонтологик қолдиқларни ва бошқа геологик коллекциябоп материалларни тўплаш учун фойдаланишга берилган ер қаъри участкаларининг давлат ҳисоби юритилиши лозим.

Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказмасдан туриб амалга оширишга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Фойдаланишга берилган ер қаъри участкаларининг давлат ҳисобини юритиш ҳамда ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**12-модда. Ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш ишларининг давлат ҳисобини юритиш**

Ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш ишларининг давлат ҳисоби юритилиши лозим.

Ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш ишларининг давлат ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси томонидан амалга оширилади.

**13-модда. Фойдали қазилма конларининг ва фойдали қазилма конлари аниқланиши эҳтимоли бўлган истиқболли ер қаъри участкаларининг давлат реестри**

Фойдали қазилма конларининг ва фойдали қазилма конлари аниқланиши эҳтимоли бўлган истиқболли ер қаъри участкаларининг давлат реестри (бундан буён матнда давлат реестри деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг минерал хом ашё базасини ўзлаштириш ва янада ривожлантириш истиқболларини аниқлаш мақсадида юритилади.

Давлат реестри саноат йўсинида ўзлаштиришга тайёрланган ҳар бир кон бўйича конни геологик-иктисодий баҳолаш натижалари ва уни ишлатиш шароитлари ҳақидаги, чиқариб олинаётган минерал хом ашё миқдори ва сифати ҳамда унинг бозор конъюнктураси ҳисобга олинган ҳолдаги қиймати ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган бўлиши зарур.

Давлат реестри фойдали қазилма кони аниқланиши эҳтимоли бўлган истиқболли ҳар бир ер қаъри участкаси бўйича фойдали қазилмаларнинг чамаланаётган ресурслари (захиралари), уларнинг тахминий сифати, потенциал конни ишлатишнинг эҳтимол тутилган усуллари ҳақидаги маълумотларни, шунингдек ер қаъри участкасини келгусида геологик жиҳатдан ўрганишга доир тавсияларни ўз ичига олган бўлиши керак.

Давлат реестридаги маълумотлар очиқ ким ошди савдолари шартларини тайёрлашда, шунингдек ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини тўғридан-тўғри музокаралар асосида беришда ҳисобга олиниши лозим.

Давлат реестрини юритиш тартиби ва уни юритувчи ваколатли давлат органи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**14-модда. Фойдали қазилма конлари, фойдали қазилма белгилари ва техноген минерал ҳосилалар давлат кадастри**

Фойдали қазилма конлари, фойдали қазилма белгилари ва техноген минерал ҳосилалар давлат кадастри ҳар бир кон бўйича асосий фойдали қазилма ва у билан бирга жойлашган фойдали қазилмалар ҳамда қўшилиб чиқадиган фойдали компонентлар захираларининг миқдор ва сифатини, конни ишга солишнинг кончилик-геологик, кончилик-техник, технологик, гидрогеологик ва бошқа шартларини ҳамда коннинг геологик-иктисодий баҳоланишини тавсифловчи маълумотларни, шунингдек ҳар бир фойдали қазилма белгисига оид маълумотларни ўз ичига олган бўлиши лозим.

Фойдали қазилма конлари, фойдали қазилма белгилари ва техноген минерал ҳосилалар давлат кадастри техноген минерал ҳосилалар бўйича ҳар бир тўплаб қўйилаётган объектдаги техноген минерал ҳосилаларнинг типи ёки турини, миқдор ва сифат кўрсаткичини ҳамда уларни сақлашнинг кончилик-техник шартларини тавсифловчи маълумотларни ўз ичига олган бўлиши лозим.

Фойдали қазилма конлари, фойдали қазилма белгилари ва техноген минерал ҳосилалар давлат кадастри Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси томонидан юритилади.

**15-модда. Фойдали қазилмалар захиралари давлат баланси**

Фойдали қазилмалар захиралари давлат баланси саноат аҳамиятига молик конлар бўйича ҳар бир турдаги фойдали қазилма захираларининг миқдори, сифати ва ўрганиб чиқилганлик даражаси тўғрисидаги, уларнинг қандай жойлашганлиги, саноат йўсинида қай даражада ўзлаштирилганлиги, қанча қазиб олинаётганлиги, қанча нобуд бўлаётганлиги ҳақидаги ҳамда саноатнинг қидириб топилган фойдали қазилмалар

захиралари билан нечоғли таъминланганлиги тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган бўлиши шарт.

Фойдали қазилмалар захиралари давлат баланси Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси томонидан юритилади.

**16-модда. Фойдали қазилмалар захираларини тасдиқлаш ва геологик материалларнинг давлат экспертизаси**

Фойдали қазилма конларининг захиралари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланганидан кейингина конлар саноат йўсинида ўзлаштиришга топширилиши мумкин.

Фойдали қазилмалар захираларини тасдиқлаш фойдали қазилма конининг саноат аҳамиятини белгиловчи қидирув кондициялари асосида конни геологик жиҳатдан ўрганишнинг барча босқичида амалга оширилиши мумкин.

Геологик материалларнинг давлат экспертизаси ушбу Қонун 29-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолларда, шунингдек фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини қуриш ва (ёки) улардан фойдаланиш учун ҳамда чиқиндиларни сақлаш, қўмиб ташлаш учун фойдаланишга бериладиган ер қаъри участкалари бўйича ўтказилади.

Фойдали қазилмаларнинг қидирув кондицияларини, захираларини тасдиқлаш ва геологик материалларнинг давлат экспертизасини ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси ҳузуридаги Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссияси томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси ҳузуридаги Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссияси тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

**17-модда. Фойдали қазилмалар захираларини ҳисобдан чиқариш**

Кавлаб олинган фойдали қазилмалар, шунингдек саноат учун аҳамиятини йўқотган фойдали қазилмалар захиралари, кавлаб олиш жараёнида йўқотилган, кейинчалик ўтказилган геология-қидирув ишларида ёки конни ишга солишда мавжудлиги тасдиқланмаган фойдали қазилмалар захираларини фойдали қазилмалар захиралари давлат балансига тегишли ўзгартишлар киритган ҳолда ер қаъридан фойдаланувчининг балансидан чиқариш керак.

Саноат учун аҳамиятини йўқотган ёки кейинчалик ўтказилган геология-қидирув ишларида ёхуд конни ишга солишда мавжудлиги тасдиқланмаган фойдали қазилмалар захираларини ер қаъридан фойдаланувчининг балансидан чиқариш Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси ҳузуридаги Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссияси томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Кавлаб олинган ва кавлаб олиш жараёнида йўқотилган фойдали қазилмаларни ер қаъридан фойдаланувчининг балансидан чиқариш ер қаъридан фойдаланувчи томонидан Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлигининг розилиги билан амалга оширилади.

**18-модда. Ер қаъри мониторинги**

Ер қаъри мониторинги ер қаъри ҳолатини ундаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, уларни баҳолаш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва оқибатларини барта-раф этиш учун ўтказиладиган қузатувлар тизимидан иборат.

Ер қаъри мониторингини амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.



### III. Ер қаъридан фойдаланиш

#### 19-модда. Ер қаъридан фойдаланиш турлари

Ер қаъри қуйидаги мақсадлар учун берилади:

геологик жиҳатдан ўрганиш;

фойдали қазилмаларни кавлаб олиш;

техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш;

фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини, шу жумладан нефть, газ, газ конденсати (бундан буён матнда углеводородлар деб юритилади), бошқа моддалар ва материалларни ер остида сақлаш иншоотларини қуриш ҳамда улардан фойдаланиш, чиқиндиларни сақлаш ва қўмиб ташлаш;

алоҳида муҳофаза этиладиган геологик объектларни барпо қилиш;

нодир тош хом ашёси намуналарини, палеонтологик қолдиқларни ва бошқа геологик коллекциябоп материалларни тўплаш.

#### 20-модда. Ер қаъридан фойдаланувчилар

Юридик ва жисмоний шахслар ер қаъридан фойдаланувчи бўлиши мумкин.

#### 21-модда. Ер қаъридан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш

Ер қаъридан фойдаланиш пулликдир, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

#### 22-модда. Ер қаъридан фойдаланиш муддатлари

Ер қаъри муддатли (муваққат) ва муддатсиз фойдаланишга берилиши мумкин.

Ер қаъридан фойдаланиш муддатлари ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ҳисобланади.

#### 23-модда. Ер қаъри участкаларидан муддатли фойдаланиш

Ер қаъри участкалари муддатли фойдаланишга:

геологик жиҳатдан ўрганиш учун — беш йилгача муддатга;

фойдали қазилмаларни кавлаб олиш ва техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш учун — фойдали қазилма кинини ёки техноген минерал ҳосилаларни ишга солишнинг техник-иқтисодий асосларда белгиланган муддатига;

нодир тош хом ашёси намуналарини, палеонтологик қолдиқларни ва бошқа геологик коллекциябоп материалларни тўплаш учун — икки йилгача муддатга берилди.

Ер қаъридан фойдаланувчи лицензияда белгиланган шартларни бажарган тақдирда ҳамда ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш, шунингдек фойдали қазилма кинини ишлатиш, техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш ёхуд фойдали қазилмаларни кавлаб олувчи корхоналарни ва фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини тугатиш ёки консервация қилиш ишларини амалга ошириш зарурати бўлган тақдирда, ер қаъридан фойдаланиш муддати ер қаъридан фойдаланувчининг ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни (бундан буён матнда лицензия деб юритилади) берган органга ер қаъридан фойдаланиш муддати тугашидан камида олти ой олдин юборган аризасига биноан узайтирилиши мумкин.

#### 24-модда. Ер қаъридан муддатсиз фойдаланиш

Ер қаъри участкалари муддатсиз фойдаланишга фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини қуриш ва улардан фойдаланиш

учун, шунингдек алоҳида муҳофаза этиладиган геологик объектларни барпо қилиш учун берилиши мумкин.

**25-модда. Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан геологик жиҳатдан ўрганиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи юзага келишининг асослари**

Ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганишнинг белгиланган тартибда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан геологик жиҳатдан ўрганиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи юзага келишининг асоси ҳисобланади.

Ер қаърини Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан геологик жиҳатдан ўрганиш ишларини бошлаш учун:

ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқининг давлат рўйхатидан ўтказилиши;

давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосаси;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ер участкаси бериш тўғрисидаги қарори ёки ер участкасидан муддатли фойдаланиш шартномаси асос бўлади.

Ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганишга доир, давлат экологик экспертизаси ўтказилишини талаб қилмайдиган ишларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланади.

**26-модда. Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи лицензия**

Тадбиркорлик таваккалчилиги шартлари асосида геологик жиҳатдан ўрганиш учун, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш, техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш ва фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадлар учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи юзага келишининг асоси лицензия ҳисобланади.

Лицензия тегишли давлат органининг ер қаъридан фойдаланиш билан боғлиқ ишларни олиб бориш учун ер участкаси берилишини кафолатловчи қарори мавжуд бўлганда берилади.

Лицензия ўз эгасининг муайян чегарадаги ер қаъри участкасидан белгиланган муддат мобайнида фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқлайди ҳамда ер қаъри участкаларидан фойдаланиш шартларини белгилайди.

Ер қаъридан фойдаланишнинг бир йўла бир неча турига лицензиялар берилишига йўл қўйилади.

Лицензия:

лицензия эгаси ҳақидаги маълумотларни;

ер қаъридан фойдаланиш билан боғлиқ ишлардан мўлжалланган мақсадни;

фойдаланишга берилаётган ер қаъри участкасининг дастлабки талаб кўрсаткичларини;

ер қаъридан фойдаланиш муддатлари ва ишларни бошлаш муддатларини;

ер қаъри участкасидан фойдаланиш шартларини ўз ичига олган бўлиши лозим.

Ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш ишларини молиялаштирган юридик ва жисмоний шахслар ўзлари қидириб топган кондан фойдали қазилмаларни кавлаб олиш учун лицензия олишда мутлақ ҳуқуққа эга.

**27-модда. Лицензияларни бериш**

Лицензия юридик ёки жисмоний шахсга лицензия беришга ваколатли орган томонидан берилади.

Лицензияларни бериш очик ким ошди савдолари ёки юридик ва жисмоний шахсларнинг лицензия беришга ваколатли органлар билан тўғридан-тўғри музокаралари натижалари асосида ўттиз кун ичида амалга оширилади.

Агар ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи юридик шахсларнинг юридик шахс мақомига эга бўлмаган бирлашмасига бериладиган бўлса, лицензия бундай бирлашманинг иштирокчиларидан бирига берилиб, унда мазкур иштирокчи шу бирлашма номидан иш юритаётганлиги, шунингдек бирлашманинг бошқа барча иштирокчилари кўрсатилади.

Геологик жиҳатдан ўрганиш, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш, техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини қуриш ва улардан фойдаланиш, алоҳида муҳофаза этиладиган геологик объектларни барпо этиш ҳамда нодир тош хом ашёси намуналарини, палеонтологик қолдиқларни ва бошқа геологик коллекциябоп материалларни тўплаш учун лицензиялар Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси томонидан берилади, ушбу модданинг бешинчи ва олтинчи қисмларида кўрсатилган лицензиялар бундан мустасно.

Углеводород конларини аниқлаш ва қидириш ҳамда углеводородларни кавлаб олиш мақсадида геологик жиҳатдан ўрганиш, углеводородларни сақлаш учун ер ости иншоотларини қуриш ва улардан фойдаланиш учун лицензияларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ваколат берилган орган беради.

Чиқиндиларни сақлаш ва қўмиб ташлаш мақсадида ер ости иншоотларини қуриш ва улардан фойдаланиш учун лицензиялар Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан тўғридан-тўғри музокаралар натижалари асосида берилади.

#### **28-модда. Кон ажратмаси**

Лицензияга мувофиқ ер қаъри фойдали қазилмаларни кавлаб олиш, техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотлари қуриш ва улардан фойдаланиш, алоҳида муҳофаза этиладиган геологик объектлар барпо этиш учун майдони ва чуқурлиги чекланган участкалар кўринишида (бундан буён матнда кон ажратмаси деб юритилади) фойдаланишга берилади.

Кон ажратмаси чегараларида хўжалик фаолияти ва бошқа фаолият ер қаъри кимга берилган бўлса, фақат ўша фойдаланувчининг розилиги билан амалга оширилиши мумкин.

Кон ажратмалари Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги томонидан берилади.

Фойдали қазилмаларни тажриба-саноат йўсинида кавлаб олиш учун лицензияга мувофиқ бериладиган ер қаъри участкаларидан фойдаланишда кон ажратмаси талаб қилинмайди, углеводородларни тажриба-саноат йўсинида кавлаб олиш бундан мустасно.

Кон ажратмаларини бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

#### **29-модда. Ер қаъри участкасидан фойдаланиш шартларини ўзгартириш**

Ишлатилаётган конда фойдали қазилмаларнинг ёки қўшилиб чиқадиган фойдали компонентларнинг янги турлари борлиги ҳақида, шунингдек фойдали қазилмаларнинг янги хоссалари ёки хусусиятлари ҳақида лицензия берилган пайтда маълум бўлмаган маълумотлар аниқланган тақдирда, лицензия берган орган геологик материалларни давлат экспертизасига юбориш ҳамда унинг натижалари асосида Ўзбекистон Респуб-

ликаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси ҳузуридаги Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссиясига фойдали қазилмаларнинг захираларини қайтадан тасдиқлаш юзасидан таклиф киритиш ҳуқуқига эга.

Лицензияни берган орган ер қаъри участкасидан фойдаланиш шартларига Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси ҳузуридаги Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссияси қарори асосида ўзгартишлар киритиши мумкин.

**30-модда. Ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқидан ўзга шахснинг фойдасига воз кечиш**

Фойдали қазилмаларни кавлаб олиш, техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш учун лицензиянинг эгаси лицензияни берган орган билан келишувга биноан ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқидан (тўла ёки қисман) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа шахс фойдасига, агар бу шахс лицензияда белгиланган шартларни бажариш мажбуриятини ўз зиммасига оладиган бўлса, воз кечиши мумкин.

**31-модда. Ер қаъридан хўжалик ва рўзғор эҳтиёжлари учун фойдаланиш**

Ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар ўзларига берилган ер участкалари доирасида ўз хўжалик ва рўзғор эҳтиёжлари учун портлатиш ишларини қўлламаган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда захиралари фойдали қазилмалар захиралари давлат баланси ҳисобига олинмаган кенг тарқалган фойдали қазилмаларни кавлаб олишни ҳамда ер ости иншоотларини қуришни лицензия олмасдан амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар томонидан қонун ҳужжатлари бузилган тақдирда кенг тарқалган фойдали қазилмаларни кавлаб олиш ва ер ости иншоотларини қуриш белгиланган тартибда тақиқланиши мумкин.

**32-модда. Ер қаъридан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари**

Ер қаъридан фойдаланувчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз фаолияти натижаларидан, шу жумладан ер қаъри тўғрисида олинган геологик ва бошқа ахборотдан, шунингдек кавлаб олинган фойдали қазилмалар ёки уларнинг лицензия шартларига кўра тасарруфларида бўладиган улушидан фойдаланиш;

агар лицензияда бошқача қоида белгиланган бўлмаса, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш ҳамда минерал хом ашёни қайта ишлаш жараёнида олинган техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш;

ер қаъри участкаларидан фойдаланиш билан боғлиқ ишларни олиб бориш технологияси юзасидан қарор қабул қилиш;

техник лойиҳалар ва кончилик ишларини ривожлантириш режаларига, шунингдек углеводород конларини ишлатиш ва ободонлаштириш лойиҳаларига белгиланган тартибда ўзгартиш киритиш;

фойдали қазилма конларини ишлатиш жараёнида фойдаланув кондицияларини қўллаш;

лицензияга мувофиқ берилган кон ажратмаси доирасида қўшимча рухсатнома-сиз ер қаъри геологик жиҳатдан ўрганилишини амалга ошириш;

кон ажратмаси ва белгиланган тартибда ажратилган ер участкалари доирасида ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳа объектларини барпо этиш, шунингдек умум фойдаланишдаги объектлар ва коммуникациялардан шартнома асосида фойдаланиш;

ер қаъри участкасидан фойдаланиш билан боғлиқ ишларнинг айрим турларини ёки мажмуини бажарувчиларни шартнома асосида жалб этиш;

минерал хом ашёга ва уни қайта ишлаш маҳсулотларига бўлган конъюнктура ўзгарганлиги муносабати билан фойдали қазилмаларни кавлаб олиш иқтисодий жиҳатдан мақсадга номувофиқ бўлганда, шунингдек лицензия берилгандан анча фарқ қилувчи ҳолатлар юзага келганда ер қаъри участкасидан фойдаланиш шартларини қайта кўриб чиқиш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат этиш.

Ер қаъридан фойдаланувчилар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

### **33-модда. Ер қаъридан фойдаланувчиларнинг мажбуриятлари**

Ер қаъридан фойдаланувчилар:

ер қаъри участкаси қайси мақсадда берилган бўлса, ундан шу мақсадда фойдаланиши;

ер қаъридан фойдаланиш ва минерал хом ашёни қайта ишлаш билан боғлиқ ишларни олиб бориш технологияси нормалари ва қоидаларига риоя этиши;

кончилик ишларини ривожлантиришнинг техник лойиҳалари ва режаларидаги, шунингдек углеводород конларини ишлатиш ва ободонлаштириш лойиҳаларидаги талабларга риоя этиши;

фойдали қазилма конларини ишлатиш, ер қаъридан фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш жараёнида геологик, маркшейдерлик ва бошқа ҳужжатларни юритиши ҳамда уларнинг сақланишини таъминлаши;

чиқариб олинмаган ва ер қаърида қолдирилмаган асосий фойдали қазилма ва у билан бирга жойлашган фойдали қазилмалар ҳамда қўшилиб чиқадиган компонентлар захиралари, шунингдек минерал хом ашёни ва техноген минерал ҳосилаларни қайта ишлаш маҳсулотлари миқдори ва сифати ҳисобини юритиши;

кавлаб олинаётганда қўшилиб чиқадиган, лекин вақтинча фойдаланилмаётган фойдали қазилмалар ва фойдали компонентларни сақлаши;

фойдали қазилмаларни кавлаб олиш ва минерал хом ашёни қайта ишлаш чоғида нобудгарчилик нормативларига риоя этилишини таъминлаши;

конларнинг фойдали қазилмаларга бой участкалари танлаб ишлатилишига йўл қўймаслиги;

асосий фойдали қазилма ва у билан бирга жойлашган фойдали қазилмалар ҳамда қўшилиб чиқадиган фойдали компонентлар захираларининг ҳолати ва ўзгариши тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек фойдали қазилма конлари, фойдали қазилмалар белгилари ва техноген минерал ҳосилалар давлат кадастрини юритиш учун маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасига тақдим этиши;

кавлаб олинган фойдали қазилмалар ҳажмлари тўғрисидаги маълумотларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдим этиши;

ер қаъри участкаларидан фойдаланиш билан боғлиқ ишлар таъсири доирасидаги ишловчилар (ходимлар) ва аҳолининг хавфсизлигини таъминлаши;

ер қаъридан фойдаланиш билан боғлиқ ишлар бехатар олиб борилишини, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш чоралари кўрилишини, фалокатларни бартараф этиш режалари ишлаб чиқилишини таъминлаши;

фойдали қазилмаларни кавлаб олувчи корхоналарни ва фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини тугатиш ва консервация қилишнинг белгиланган тартибига риоя этиши;

тўқинди уюмларининг ёнбағирларини ва очиқ конларнинг ён чеккаларини режа-

лаш ёки поғоналаш ишлари, шунингдек эрозияга қарши тадбирлар ўтказилишини таъминлаши;

атроф муҳитни муҳофаза қилишга, шунингдек ер қаъридан фойдаланишда ишдан чиққан ер участкаларини ва бошқа табиий объектларни кейинчалик фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтиришга қаратилган тадбирларни амалга ошириши шарт.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ ер қаъридан фойдаланувчилар зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

**34-модда. Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини чеклаш, тўхтатиб туриш ва тугатиш асослари**

Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи қуйидаги ҳолларда чекланиши, тўхтатиб турилиши ёки муддатидан илгари тугатилиши мумкин:

ер қаъри участкаларидан фойдаланиш билан боғлиқ ишлар таъсири доирасидаги аҳоли ҳаётига ёки соғлиғига, атроф муҳитга таҳдид юзага келганда;

агар ер қаъридан фойдаланувчи бир йил мобайнида ер қаъри участкасидан фойдаланишга киришмаган бўлса;

ер қаъридан фойдаланганлик учун тўловлар мунтазам равишда тўланмаган тақдирда;

ер қаъридан фойдаланувчи лицензиянинг асосий шартларини бузган тақдирда; ушбу Қонуннинг 36, 37, 39 ва 40-моддаларида назарда тутилган қоидалар бажарилмаган тақдирда.

Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи қуйидаги ҳолларда тугатилади:

ер қаъри участкасидан фойдаланишнинг белгиланган муддати тугаганда;

ер қаъридан фойдаланувчи ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқидан воз кечганда;

фойдаланишига ер қаъри участкаси берилган юридик шахс тугатилган ёки яқка тадбиркорнинг фаолияти тугатилган тақдирда.

Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини чеклаш, тўхтатиб туриш ва тугатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**IV. Ер қаъридан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш**

**35-модда. Ер қаъридан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишнинг асосий талаблари**

Ер қаъридан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишнинг асосий талаблари қуйидагилардан иборат:

ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш тўла-тўқис бўлишини ва ундан комплекс фойдаланилишини таъминлаш;

фойдали қазилмаларнинг ўзбошимчалик билан кавлаб олинисига ва улар жойлашган майдонларда иморат қурилишига йўл қўймаслик;

фойдали қазилмалар захираларининг давлат ҳисоби юритилишини амалга ошириш;

фойдали қазилмалар захираларини тасдиқлаш ва геологик материалларнинг давлат экспертизасини ўтказиш;

ер қаъридан асосий фойдали қазилма ва у билан бирга жойлашган фойдали қазилмалар ҳамда қўшилиб чиқадиган фойдали компонентларнинг иқтисодий жиҳатдан рентабелли захиралари мумкин қадар тўлиқ чиқариб олинисини таъминлаш;

фойдали қазилма конларини сув босишдан, сув чиқиб кетиб тўлиб қолишдан,

ёнғиндан ҳамда фойдали қазилмалар сифатини ва конларнинг саноат кўламидаги аҳамиятини пасайтирувчи ёки уларни ишга солишни мураккаблаштирувчи бошқа омиллардан муҳофаза қилиш;

ер қаърида консервация қилиб қўйиладиган фойдали қазилмалар захираларининг, ер қаъридан фойдаланиш билан боғлиқ ишларни олиб боришда кон қазишмалари, қудуқлар ва ер ости иншоотларининг сақланишини таъминлаш;

углеводородлар ва уларни қайта ишлаш асосида ҳосил қилинган маҳсулотларни, бошқа моддалар ва материалларни ер остида сақлашда, чиқиндиларни сақлаш ва кўмишда, оқова сувларни чиқариб ташлашда ер қаъри ифлосланишининг олдини олиш;

фойдали қазилмаларни кавлаб олувчи корхоналарни ва фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини тугатиш ва консервация қилишни белгиланган тартибда ўтказиш.

### **36-модда. Ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганишга доир асосий талаблар**

Ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганишга доир асосий талаблар қуйидагилардан иборат:

ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганишнинг, қидириб топилаётган фойдали қазилма конларини, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини қуриш ва улардан фойдаланиш учун, шу жумладан чиқиндиларни сақлаш ва кўмиш учун фойдаланишга бериладиган ер қаъри участкаларини ишга солишдаги кончилик-техник, гидрогеологик, геологик-иқтисодий ва бошқа шароитларнинг тўла-тўқис бўлиши;

асосий фойдали қазилма ва у билан бирга жойлашган фойдали қазилмалар ҳамда қўшилиб чиқадиган компонентлар захираларининг миқдори ва сифатини аниқлаш;

кон устида ётган ҳамда сиғдирувчи жинслардан ишлаб чиқаришда ва ерларни қайта тиклашда фойдаланиш учун ана шу жинсларнинг хоссаларини тадқиқ этиш, шунингдек фойдали қазилмаларни радиация-гигиена жиҳатидан баҳолаш;

ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш ишларини фойдали қазилмалар асосиз нобуд бўлишини ва сифати пасайишини истисно этувчи усул ва услубларда олиб бориш;

ер қаъридан чиқариб олинаётган тоғ жинслари ва фойдали қазилмаларни уларнинг атроф муҳитга зарарли таъсирини истисно этадиган тарзда жойлаштириш учун участкаларни танлаш;

фойдали қазилма конларини ишга солишида ва бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин бўлган, қидирув ишлари олиб борилган кон қазишмаларининг ва бурғиланган қудуқларнинг сақланишини таъминлаш, шунингдек фойдаланилмайдиган кон қазишмаларини ва қудуқларни белгиланган тартибда йўқ қилиш;

ер қаърини келгусида ўрганишда, фойдали қазилма конларини ишга солишда, шунингдек ер қаъридан фойдали қазилмалар кавлаб олиши билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда фойдаланишда қўлланилиши мумкин бўлган геологик, маркшейдерлик ва бошқа ҳужжатлар, тоғ жинслари ва рудаларнинг намуналари, керн, фойдали қазилма намуна нусхалари сақланишини таъминлаш.

### **37-модда. Фойдали қазилма конларини ишлатишга ва минерал хом ашёни қайта ишлашга доир асосий талаблар**

Фойдали қазилма конларини ишлатиш ва минерал хом ашёни қайта ишлаш белгиланган тартибда тасдиқланган кончилик ишларини ривожлантириш техник лойиҳалари ва режаларига, углеводород конларини ишга солиш ва ободонлаштириш лойи-

ҳаларига, ер қаъридан техникавий фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

Фойдали қазилма конларини ишлатиш жараёнида қидирув кондициялари қўлланилади. Конларни ишлатишнинг кончилик-геологик ва бошқа шароитлари, минерал хом ашё ва уни қайта ишлаш маҳсулотларининг бозор конъюнктураси ҳамда энергия ресурсларининг нархлари ўзгарганда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда тасдиқланадиган фойдаланув кондициялари қўлланилади.

Фойдали қазилма конларини ишлатишда қуйидагилар таъминланиши керак:

фойдали қазилмаларни кавлаб олишнинг оқилона, экологик хавфсиз технологиялари қўлланилиши;

ишга солинаётган фойдали қазилма конлари ва уларга туташган фойдали қазилма конлари ҳамда ер қаъри бошқа участкаларининг кончилик ишлари олиб бориш натижасида бузилишига йўл қўйилмаслиги, ер қаърида консервация қилиб қўйиладиган фойдали қазилма захираларининг сақланиши;

конларнинг поғоналари ва ён чеккалари мустаҳкамлиги, тоғ жинсларининг силжиш жараёнлари, ер юзаси, бинолар, иншоотларнинг чўкиши (оғиши) махсус асбоблар билан кузатиб турилиши.

Минерал хом ашёни қайта ишлашда қуйидагилар таъминланиши керак:

фойдали компонентлар оқилона, комплекс чиқариб олинишини таъминлайдиган қайта ишлаш технологик схемаларига риоя этилиши;

қайта ишлашнинг турли босқичларида фойдали компонентлар тақсимоти ва уларни минерал хом ашёдан ажратиб олиш даражаси ҳисобга олиниши ва назорат қилиб борилиши;

минерал хом ашёнинг технологик хоссалари ва таркиби ўрганилиши, уни қайта ишлаш технологиясини такомиллаштириш мақсадида тажриба-технология синовлари ўтказилиши;

қайта ишлаш асосида ҳосил қилинган маҳсулотлар ва чиқиндилардан, шунингдек оқова сувлардан мумкин қадар тўлиқ фойдаланилиши;

вақтинча фойдаланилмаётган маҳсулотлар ва таркибида фойдали компонентлари бўлган ишлаб чиқариш чиқиндилари жойлаштирилиши, ҳисобга олиниши ва сақланиши.

### **38-модда. Қимматбаҳо металллар майда туб конларини ишлатишнинг алоҳида шартлари**

Қимматбаҳо металлларнинг майда туб конларини қидиришни уларни ер ости усулида ишлатиш билан қўшиб олиб боришга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда йўл қўйилади.

### **39-модда. Фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларни қуриш ва улардан фойдаланиш учун ер қаъридан фойдаланишдаги асосий талаблар**

Фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини қуриш ва улардан фойдаланиш учун ер қаъридан фойдаланиш белгиланган тартибда тасдиқланган техник лойиҳаларга мувофиқ амалга оширилади.

Фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларидан фойдаланишда чиқиндилар ва оқова сувлар зарарсизлантирилиши ёки белгиланган чегара доирасидан четга чиқмаслиги таъминланиши, шунингдек уларнинг кон қазишмаларига, ер юзасига, атмосфера ҳавосига ва сув объектларига кириб боришининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар кўрилиши керак.



**40-модда. Ер қаъридан фойдаланиш билан боғлиқ ишлар бехатар олиб борилишини таъминлашнинг асосий талаблари**

Ер қаъридан фойдаланиш билан боғлиқ ишлар бехатар олиб борилишини таъминлашнинг асосий талаблари қуйидагилардан иборат:

ишларни бажаришни махсус тайёргарлиги ва малакаси бўлган шахсларга, кончилик ишларига раҳбарлик қилишни эса — тегишли махсус маълумоти бўлган шахсларга ижозат этиш;

кончилик, бурғилаш ишларида ва бошқа ишларда банд бўлган шахсларни махсус кийим-бош, шахсий ва умумий ҳимоя воситалари билан таъминлаш;

хавфсизлик қоидалари талабларига, санитария нормалари ва қоидаларига ҳамда экологик нормативларга мос келадиган машиналар, асбоб-ускуна ва материалларни қўллаш;

портловчи моддалар ва портлатиш воситаларидан фойдаланиш, шунингдек уларнинг ҳисобини юритиш, уларни сақлаш ва сарфлаш қоидаларига риоя этиш;

ишларнинг бир маромдаги технологик тизимини таъминлаш ва хавфли вазиятларни прогноз қилиш учун зарур бўлган геологик, маркшейдерлик ишлари, бошқа ишлар ҳамда кузатишлар мажмуини ўтказиш, аварияларни бартараф этишнинг техникавий ҳужжатлари ва режаларини ишларни бехатар олиб бориш зоналари чегараларини аниқлаштирувчи маълумотлар билан ўз вақтида тўлдириб бориш;

кон хавосининг ҳолатини, унинг таркибидаги кислород, зарарли ва портлаш хавфи бўлган газлар ҳамда чанглар миқдорини мунтазам назорат қилиб бориш.

Агар ер қаъридан фойдаланиш билан боғлиқ ишларнинг ҳолати одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф соладиган бўлса, бундай ишларни олиб бориш тақиқланади.

Ер қаъридан фойдаланиш билан боғлиқ ишларни бехатар олиб бориш учун шароитларни таъминлаш масъулияти шу ишларни бевосита амалга оширувчи ташкилотларнинг раҳбарлари зиммасида бўлади.

**41-модда. Кончиликдаги қутқарув қисмлари ҳамда очик нефть ва газ фаввораларининг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш хизматлари**

Ер ости кончилик ишларини олиб бораётган ер қаъридан фойдаланувчиларга кончиликдаги қутқарув қисмлари, углеводород конларини аниқлаш, қидириш ва ишлатишда бурғилаш ишларини олиб бораётган ер қаъридан фойдаланувчиларга эса — очик, нефть ва газ фаввораларининг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш хизматлари томонидан хизмат кўрсатилиши керак.

Кончиликдаги қутқарув қисмлари тўғрисидаги, шунингдек очик нефть ва газ фаввораларининг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш хизматлари тўғрисидаги низомлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

**42-модда. Фойдали қазилмалар жойлашган майдонларда иморат қуриш шартлари**

Аҳоли пунктлари, саноат объектлари ва бошқа объектларни жойлаштириш учун участкалар танлашда бўлғуси иморат қуриладиган участканинг ер қаърида фойдали қазилмалар йўқлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасининг ҳулосаси керак.

Алоҳида ҳолларда саноат қўламида ўзлаштиришга топширилмаган фойдали қазилма конлари (кенг тарқалган фойдали қазилмаларнинг конлари бундан мустасно) жойлашган майдонларда иморат қуришга, шунингдек бундай конлар жойлашган ерларда фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини жойлаштиришга, кончилик муносабатлари соҳасидаги махсус ваколатли давлат орган-

лари билан келишувга мувофиқ, ер қаъридан фойдали қазилмаларни чиқариб олиш имкониятлари таъминланиши ҳисобга олинган ҳолда, йўл қўйилади.

**43-модда. Илмий, тарихий, маданий, эстетик ва бошқа аҳамиятга молик ер қаъри участкаларини муҳофаза қилиш**

Илмий, тарихий, маданий, эстетик ва бошқа аҳамиятга молик ноёб табиий ёки сунъий геологик жинслар, минералогик ҳосилалар, палеонтологик, археологик объектлар ҳамда ер қаъри участкалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда алоҳида муҳофаза этиладиган геологик объектлар деб эълон қилиниши мумкин.

Ер қаъридан фойдаланилаётганда ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган объектлар топилиб қолса, ер қаъридан фойдаланувчилар ер қаърининг тегишли участкасидаги ишларни тўхтатиб туришлари ҳамда бу ҳақда лицензия берган органни ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларини хабардор қилишлари шарт.

**44-модда. Фойдали қазилмаларни кавлаб олувчи корхоналарни ҳамда фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини тугатиш ва консервация қилиш**

Фойдали қазилмаларни кавлаб олувчи корхоналар ҳамда фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотлари қуйидаги ҳолларда тугатилиши ёки консервация қилиниши лозим:

ер қаъридан фойдаланиш муддати тугаганда;

ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи тугатилганда;

фойдали қазилмаларнинг иқтисодий жиҳатдан рентабелли захиралари тўлиқ ишлатиб бўлинганда;

кон қазишмаларини, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини сув босиши ёки уларнинг вайрон бўлиши хавфи пайдо бўлиб, бунинг олдини олишнинг техникавий жиҳатдан иложи бўлмаганда ёки бундай қилиш иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламаганда;

фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларидан фойдаланишга эҳтиёж қолмаганда.

Фойдали қазилмаларни кавлаб олувчи корхоналарни ҳамда фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини тугатиш ёки консервация қилиш белгиланган тартибда тасдиқланган техник (технологик) лойиҳага мувофиқ амалга оширилади.

Фойдали қазилмаларни кавлаб олувчи корхона ёки унинг бир қисмини, шунингдек фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини тугатишда ва консервация қилишда кон қазишмалари ва қудуқлар аҳолининг ҳаёти ва соғлиғи, атроф муҳит хавфсизлигини таъминловчи ҳолатга келтирилиши керак. Фойдали қазилмаларни кавлаб олувчи корхона ёки унинг бир қисми консервация қилинган тақдирда эса, бутун консервация вақтида коннинг, кон қазишмаларининг ва қудуқларнинг сақланиши ҳам таъминланмоғи лозим.

Фойдали қазилмаларни кавлаб олувчи корхоналар ҳамда фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотлари тугатилган ёки консервация қилинган тақдирда, ер қаъридан фойдаланувчилар геологик, маркшейдерлик ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларни ишлар якунланган пайтдаги ҳолатга қўра тўлдиришлари ҳамда уларни сақлаш учун белгиланган тартибда топширишлари шарт.

Фойдали қазилмаларни кавлаб олувчи корхоналарни ҳамда фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини тугатиш ёки консервация қилиш Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат

қилиш агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан келишилган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Фойдали қазилмаларни кавлаб олувчи корхоналарни ҳамда фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини тугатиш ёки консервация қилиш жараёни охирига етказилгунигача қадар ер қаъридан фойдаланиш бўйича мажбурият ва жавобгарлик қонун ҳужжатларига мувофиқ ер қаъридан фойдаланувчининг зиммасида бўлади.

#### **45-модда. Ер қаъри тўғрисидаги геологик ва бошқа ахборот**

Ер қаъридан фойдаланувчиларнинг ўз маблағлари ҳисобига олинган ер қаъри тўғрисидаги геологик ва бошқа ахборот ер қаъридан фойдаланувчиларнинг мулки ҳисобланади. Ер қаъри тўғрисидаги геологик ва бошқа ахборот мулкдори ундан фойдаланиш тартиби ва шартларини белгилайди. Ер қаъри тўғрисидаги геологик ва бошқа ахборотга бўлган мулк ҳуқуқи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда муҳофаза қилинади.

Давлат бюджети маблағлари, шунингдек ер қаъридан фойдаланувчиларнинг ўз маблағлари ҳисобига олинган ер қаъри тўғрисидаги геологик ва бошқа ахборот Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасига ҳисобга олиш, сақлаш ҳамда бир тизимга солиш учун белгиланган шаклда мажбурий тартибда ва бепул топширилади. Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси тушаётган ахборотнинг махфийлигини таъминлаши шарт.

Давлат бюджети маблағлари ҳисобига олинган ер қаъри тўғрисидаги геологик ва бошқа ахборотни реализация қилиш тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

#### **46-модда. Фойдали қазилма конларини аниқлаганлик учун тақдирлаш**

Илгари маълум бўлмаган, саноат аҳамиятига эга бўлган фойдали қазилма конини топган, қидириб аниқлаган, шунингдек илгари маълум бўлган конда унинг саноат аҳамиятини анча оширадиган фойдали қазилмаларнинг қўшимча захиралари ёки янги фойдали қазилмалар ва қўшилиб чиқадиган фойдали компонентлар борлигини аниқлаган шахслар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда пул мукофоти билан тақдирланиш ҳуқуқига эга.

#### **47-модда. Ер қаъридан фойдаланувчилар ҳуқуқларининг кафолати**

Ер қаъридан фойдаланувчиларнинг фаолиятига давлат органлари аралашувига йўл қўйилмайди.

Ер қаъридан фойдаланувчиларнинг бузилган ҳуқуқлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда тикланиши керак. Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи асоссиз чекланиши, тўхтатиб турилиши ёки тугатилиши оқибатида ер қаъридан фойдаланувчилар кўрган зарар, шу жумладан бой берилган фойда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланиши керак.

#### **48-модда. Етказилган зарарнинг қопланиши**

Ер қаъридан фойдаланувчига бошқа шахслар томонидан етказилган зарар қонун ҳужжатларига мувофиқ қопланиши керак.

Конларнинг фойдали қазилмаларга бой участкалари танлаб ишлатилганлигида, шунингдек кон ишдан чиқишига ёки ер қаъри участкасидан келгусида фойдаланиш

имкониятини қисман ёки тўла истисно этадиган шароит яратилишига олиб келган бошқа ҳаракатларда (ҳаракатсизликда) айбдор ер қаъридан фойдаланувчининг фаолияти натижасида давлатга етказилган зарар қонун ҳужжатларига мувофиқ ер қаъридан фойдаланувчининг маблағлари ҳисобидан қопланиши керак.

#### **V. Яқунловчи қоидалар**

**49-модда. Ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш, ундан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи органлар**

Ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш, ундан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек қончилик муносабатлари соҳасидаги махсус ваколатли давлат органлари томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

**50-модда. Ер қаъридан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан ишлаб чиқариш назорати**

Ер қаъридан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан ишлаб чиқариш назорати ер қаъридан фойдаланувчиларнинг геологик, маркшейдерлик ёки техник хизматлари томонидан амалга оширилади.

Геологик ва маркшейдерлик хизматлари тўғрисидаги намунавий низомлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

**51-модда. Низоларни ҳал қилиш**

Қончилик муносабатлари соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**52-модда. Ер ости бойликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Ер ости бойликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

#### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ**

## **2 «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майда қабул қилинган «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенга-

шининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 5, 140-модда) ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқлансин (илова қилинмоқда).

### Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,  
2002 йил 13 декабрь,  
446-II-сон

## Фуқароларнинг муурожаатлари тўғрисида (янги таҳрири)

### I. Умумий қоидалар

#### 1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонун фуқароларнинг давлат органларига, муассасаларига (бундан буён матнда давлат органлари деб юритилади) муурожаатлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солади.

#### 2-модда. Фуқароларнинг муурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Фуқароларнинг муурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

#### 3-модда. Фуқароларнинг муурожаат этиш ҳуқуқи

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлат органларига аризалар, таклифлар ва шикоятлар билан муурожаат этиш ҳуқуқига эга.

Фуқароларнинг муурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланишлари бошқа шахсларнинг, жамият ва давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги керак.

Хорижий давлатларнинг фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси давлат органларига ушбу Қонунга мувофиқ муурожаат этиш ҳуқуқига эга.

Фуқаролар томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига муурожаат этиш соҳасидаги муносабатлар ушбу Қонунда белгиланган тарзда тартибга солинади.

Фуқароларнинг муурожаатлари, агар қонунларда уларни кўриб чиқишнинг бошқача тартиби белгиланган бўлса, ушбу Қонунга мувофиқ кўриб чиқилади.

#### 4-модда. Фуқароларнинг муурожаатлари шакллари

Фуқароларнинг муурожаатлари оғзаки ёки ёзма шаклда киритилади. Фуқароларнинг оғзаки ва ёзма муурожаатлари бир хил аҳамиятга эга.

Фуқароларнинг муурожаатлари яқка тартибда ёки жамоа томонидан берилиши мумкин.

#### 5-модда. Фуқароларнинг муурожаатлари турлари

Фуқароларнинг муурожаатлари ариза, таклиф ёки шикоят кўринишида бўлиши мумкин.

Ариза фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимоси баён этилган муурожаатидир.

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.*

Таклиф фуқароларнинг давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларини ўз ичига олган мурожаатидир.

Шикоят фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тиклаш тўғрисидаги талаби баён этилган мурожаатидир.

**6-модда. Фуқароларнинг мурожаатларига қўйиладиган талаблар**

Мурожаатларда фуқаронинг фамилияси (исми, отасининг исми), яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган, ариза, таклиф ёки шикоятнинг моҳияти баён этилган бўлиши керак.

Ёзма мурожаатларда мурожаат этувчининг имзоси бўлиши лозим. Мурожаатга шахсий имзо қўйиш имкони бўлмаган тақдирда, бу мурожаатлар уни ёзиб берган шахснинг имзоси билан тасдиқланиб, унинг фамилияси, исми, отасининг исми ҳам ёзиб қўйилади.

Фуқаронинг фамилияси (исми, отасининг исми), яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёки у ҳақда сохта маълумотлар кўрсатилган, шунингдек имзо қўйилмаган ёзма мурожаатлар аноним деб ҳисобланади ва кўриб чиқилмайди.

**7-модда. Фуқароларнинг мурожаатлари ва оммавий ахборот воситалари**

Фуқароларнинг давлат органларига газеталар, журналлар, телевидение, радио ва бошқа оммавий ахборот воситалари таҳририятлари орқали келиб тушган мурожаатлари ушбу Қонунда назарда тутилган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилади.

Фуқароларнинг оммавий ахборот воситаларига йўллаган мурожаатларидан оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жамоат фикрини ўрганиш ва ақс эттириш учун фойдаланилиши мумкин.

**8-модда. Фуқароларни қабул қилиш**

Давлат органларида фуқароларни қабул қилиш ташкил этилади. Фуқароларни қабул қилиш раҳбар ёки бошқа мансабдор шахс томонидан амалга оширилади. Бунинг учун давлат органларида алоҳида бўлинмалар тузилиши мумкин, фуқароларни қабул қилиш учун масъул мансабдор шахслар белгилаб қўйилади.

Қабул белгиланган кун ва соатларда, фуқаролар учун қулай вақтда ўтказилади. Қабул жадвали фуқаролар эътиборига етказилади.

Фуқаро оғзаки мурожаат этаётганда ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжат кўрсатиши керак.

Фуқарони қабул қилиш, агар унинг бир неча бор қилган мурожаати асосиз, қонунга хилоф хусусиятда бўлса ёки унинг мурожаати бўйича қарор қабул қилиб бўлинган бўлса, рад этилиши мумкин.

Давлат органларида фуқароларни қабул қилиш тартиби мазкур органлар раҳбарлари томонидан белгиланади.

**9-модда. Фуқароларнинг мурожаатлари бўйича иш юритиш**

Давлат органларида фуқароларнинг мурожаатлари бўйича иш юритиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олиб борилади.

**II. Фуқароларнинг мурожаат этиш ҳуқуқлари кафолатлари**

**10-модда. Фуқаролар мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланаётганда ихтиёрийлик**

Фуқароларнинг мурожаат этиш ҳуқуқи ихтиёрийлик асосида амалга оширилади.

Ҳеч ким бирон бир мурожаатни ҳимоя этишга ёки унга қарши қаратилган ҳаракатларда иштирок этишга мажбур қилиниши мумкин эмас.

**11-модда. Фуқаролар мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланаётганда камситишга йўл қўйилмаслиги**

Фуқаролар мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланаётганда уларни жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, этнокоди, шахсий ва ижтимоий маънавияга қараб камситиш тақиқланади.

**12-модда. Фуқароларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқишнинг мажбурийлиги**

Фуқароларнинг мурожаатлари албатта қабул қилиниши ва кўриб чиқиши керак, ушбу Қонун 6-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Фуқаро унинг мурожаатини қабул қилиш ва кўриб чиқиш асоссиз равишда рад этилганлиги устидан бўйсунув тартибда юқори турувчи органга ёки бевосита судга шикоят беришга ҳақли.

**13-модда. Фуқароларнинг мурожаатлари муносабати билан аён бўлиб қолган маълумотларнинг ошкор этилишига йўл қўйилмаслиги**

Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда фуқароларнинг шахсий ҳаётига доир маълумотлар уларнинг розилигисиз, шунингдек давлат сири ёхуд қонун билан қўриқладиган бошқа сир ҳисобланган маълумотлар ва, агар фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини камситадиган бўлса, бошқа ахборотлар давлат органлари ходимлари томонидан ошкор этилишига йўл қўйилмайди.

Мурожаатга тааллуқли бўлмаган, фуқаронинг шахсига доир маълумотларни суриштириб билишга йўл қўйилмайди.

Фуқаронинг илтимосига биноан унинг шахсига доир бирон бир маълумот ошкор этилмаслиги керак.

**14-модда. Фуқароларнинг мурожаат этиши муносабати билан уларнинг хавфсизлиги кафолатлари**

Фуқароларни ҳамда уларнинг оила аъзоларини ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш ёки ҳимоя қилиш мақсадида давлат органлари мурожаат этганликлари учун таъқиб қилиш ман этилади.

**III. Фуқароларнинг аризалар, таклифлар ва шикоятлар бериш тартиби ҳамда уларни кўриб чиқиш**

**15-модда. Аризалар, таклифлар ва шикоятларни бериш тартиби**

Фуқароларнинг ариза, таклиф ва шикоятлари уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш ваколат доирасига кирадиган давлат органига бевосита ёки бўйсунув тартибда юқори турувчи органга берилди.

Фуқаро ариза, таклиф ва шикоятни шахсан беришга, шунингдек бу борадаги ваколатни ўз вакилига беришга ёки мурожаатини алоқа воситалари орқали юборишга ҳақли. Вояга етмаганлар ҳамда муомалага лаёқатсиз шахслар манфаатларини кўзлаб ариза, таклиф ва шикоят уларнинг вакиллари томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда берилиши мумкин.

Ариза, таклиф ва шикоятга улар юзасидан илгари қабул қилинган, фуқародаги мавжуд қарорлар (ёки уларнинг нусхалари), шунингдек ариза, таклиф ва шикоятни кўриб чиқиш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатлар илова қилиниши мумкин.

**16-модда. Аризалар, таклифлар ва шикоятларни бериш муддатлари**

Фуқароларнинг ариза, таклиф ва шикоятлар бериши учун муддат белгиланмайди. Айрим ҳолларда муайян давлат органининг ариза, таклиф ва шикоятни кўриб чиқиш имкониятига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ўз вақтида рўёбга чиқариш, уларнинг қонуний манфаатлари химоя этилишини таъминлаш заруратига боғлиқ бўлса, шунингдек қонунларда назарда тутилган бошқа асосларга кўра, бундай давлат органларига ариза, таклиф ва шикоятларни бериш муддати белгиланиши мумкин.

Бўйсунув тартибда юқори турувчи органга ариза ёки шикоят фуқарога унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузувчи ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) содир этилганлиги ёки қарорлар қабул қилинганлиги маълум бўлиб қолган пайтдан эътиборан узоғи билан бир йил ичида берилиши мумкин. Узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган муддат ариза ёки шикоятни кўриб чиқувчи давлат органи томонидан тикланади.

**17-модда. Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш**

Фуқароларнинг давлат органига келиб тушган мурожаатлари ана шу органининг ўзи ёки зиммасига мурожаатларни кўриб чиқиш вазифаси юклатилган мансабдор шахс томонидан кўриб чиқилади.

Фуқароларнинг мурожаатлари, агар улар қўйилган масалаларни ҳал этиш ваколат доирасига кирмайдиган давлат органига юборилган бўлса, узоғи билан беш кунлик муддат ичида тегишли органларга жўнатилади ва бу ҳақда фуқарога хабар қилинади. Мурожаатларни кўриб чиқиши учун бошқа давлат органларига асоссиз равишда бериш ёки қарори ёхуд ҳаракати устидан шикоят қилинаётган давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг ўзига жўнатиш ман этилади. Агар фуқароларнинг мурожаатларида уларни тегишли органларга жўнатиш учун зарур маълумотлар бўлмаса, бу мурожаатлар худди шу муддат мобайнида асослантирилган тушунтириш билан фуқаронинг ўзига қайтарилади.

Фуқароларнинг мурожаатларини ҳар тарафлама муфассал ва холисона кўриб чиқиш учун қўшимча ахборотлар, маълумотномалар ва материалларга зарурат пайдо бўлса, мазкур мурожаатни кўриб чиқаётган давлат органининг мансабдор шахси қўшимча ахборот тўплаши мумкин.

Фуқароларнинг мурожаатини кўриб чиқаётган давлат органи зарур ҳолларда мурожаат жойининг ўзида кўриб чиқилишини таъминлаши керак.

Алоҳида ҳолларда, мурожаат этган шахснинг ўзи ёки бошқа шахс йўқлигида мурожаатни кўриб чиқишнинг имкони бўлмаса, улар давлат органининг мансабдор шахси томонидан қақирилиши мумкин.

Фуқароларнинг мурожаатлари бўйича қабул қилинган қарорларни давлат органининг раҳбари ёки бошқа ваколатли мансабдор шахси имзолайди.

Агар ариза, таклиф ёки шикоятда баён қилинган масалалар ҳал этилаётганда хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини текшириш зарурати юзага келса, бу иш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

**18-модда. Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш муддатлари**

Фуқароларнинг таклифлари тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддат ичида кўриб чиқилади, қўшимча ўрганишни талаб этадиган таклифлар бундан мус-



тасно ва бу ҳақда таклиф киритган шахсга ўн кунлик муддат ичида маълум қилинади.

Ариза ёки шикоятлар масалани моҳиятан ҳал этиши шарт бўлган давлат органига тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддат ичида, қўшимча ўрганишни ва текширишни талаб этмайдиган ариза ёки шикоятлар эса ўн беш кундан кечиктирмай кўриб чиқилади.

Ариза ёки шикоятни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материаллар талаб қилиб олиш ёки бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, ариза ёки шикоятни кўриб чиқиш муддати тегишли давлат органи раҳбари томонидан истисно тариқасида узоғи билан бир ойга узайтирилиши мумкин ва бу ҳақда ариза ёки шикоят берган шахсга маълум қилинади.

#### **IV. Мурожаатларни кўриб чиқишда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва давлат органларининг мажбуриятлари**

##### **19-модда. Мурожаатларни кўриб чиқишда фуқароларнинг шахсан иштирок этиш ҳуқуқи**

Мурожаат давлат органлари томонидан кўриб чиқиладиганда фуқаро мурожаатнинг кўриб чиқилиши жараёни ҳақида ахборот олиш, важларини шахсан баён этиш ва изоҳлар бериш, мурожаатни текшириш материаллари ҳамда кўриб чиқиш натижалари билан танишиш, қўшимча материаллар тақдим этиш ёки уларни бошқа органлардан сўраб олиш тўғрисида илтимос қилиш, адвокат ёки ўз вакили хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Мурожаатни кўриб чиқаётган давлат органларининг мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини таъминлашлари шарт.

##### **20-модда. Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда қабул қилинадиган чора-тадбирлар**

Давлат органлари фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда қонунга ҳилоф ҳаракатларнинг (ҳаракатсизликнинг) дарҳол олдини олишга доир чора-тадбирлар кўришлари, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишига олиб келаётган сабаблар ва шароитларни аниқлашлари, мурожаат қилганликлари муносабати билан фуқаролар таъқиб қилинишининг белгиланган тартибда олдини олишлари шарт.

##### **21-модда. Фуқаронинг мурожаатини кўриб чиққан давлат органининг мажбуриятлари**

Фуқаронинг мурожаатини кўриб чиққан давлат органи унга мурожаатни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида ва қабул қилинган қарорнинг моҳияти ҳақида ёзма шаклда хабар қилиши шарт.

Ариза ёки шикоят юзасидан қарор қабул қилган давлат органининг мансабдор шахси, агар фуқаро қарорга рози бўлмаса, унга қабул қилинган қарор устидан шикоят бериш тартибини тушунтириши шарт.

Фуқаронинг мурожаатини кўриб чиққан давлат органи, унинг мансабдор шахси мурожаатни кўриб чиқиш натижалари юзасидан қабул қилинган қарор ижросини назорат қилиши, агар фуқарога унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилиши натижасида зарар ёки маънавий зиён етказилган бўлса, қонунда

белгиланган тартибда зарарнинг ўрнини қоплаш ёки маънавий зиённи компенсация қилишга доир чора-тадбирлар кўриши ҳам шарт.

**22-модда. Фуқароларнинг мурожаатлари билан олиб бориладиган иш таҳлили**

Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқаётган давлат органлари фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, шунингдек жамият ва давлат манфаатлари бузилишини юзага келтирувчи сабабларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида аризалар, таклифлар ва шикоятларни белгиланган тартибда умумлаштирадилар ҳамда таҳлил этиб борадилар.

**V. Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

**23-модда. Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан назорат**

Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан назоратни давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ўз ваколатлари доирасида таъминлайдилар.

**24-модда. Мансабдор шахсларнинг фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлиги**

Фуқароларнинг мурожаатларини қабул қилишни ва кўриб чиқишни асоссиз равишда рад этиш, уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, қонунга зид қарор қабул қилиш, фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини ҳамда шикоят муносабати билан қабул қилинган қарор бажарилишини таъминламаганлик, фуқарога унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини беришни асоссиз равишда рад этиш ёки фуқароларнинг шахсий ҳаётига доир маълумотларни уларнинг розилигисиз ошкор этиш, фуқарони мурожаат қилганлиги учун таъкиб қилиш, шунингдек фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бошқача тарзда бузиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

**25-модда. Фуқаронинг ариза ёки шикоятини кўриб чиқишда қонун талабларининг бузилиши оқибатида фуқарога етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш**

Фуқаронинг аризаси ёки шикояти қаноатлантирилган тақдирда ана шу мурожаат бўйича қонунга хилоф қарор қабул қилган давлат органи ариза ёки шикоят бериш ва уни кўриб чиқиш муносабати билан фуқарога етказилган зарарнинг ўрнини, тегишли давлат органининг талаби билан ариза ёки шикоятни кўриб чиқиш учун жойларга бориш муносабати билан сарф қилинган харажатларни қоплайди ҳамда ана шу вақт ичида йўқотилган иш ҳақини тўлайди. Фуқарога етказилган маънавий зиён ҳам суд тартибида компенсация қилиниши мумкин.

Фуқаронинг аризаси ёки шикоятини кўриб чиқишда қонун талаблари бузилганлиги муносабати билан унга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш мақсадида давлат органи томонидан тўланган маблағлар айбдор мансабдор шахсдан регресс тартибида ундириб олиниши мумкин.

**26-модда. Фуқаронинг ғайриқонуний хусусиятдаги ариза, таклиф ёки шикоят берганлик учун жавобгарлиги**

Фуқаронинг тухмат ва ҳақоратдан иборат ариза, таклиф ёки шикоят берганлиги қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

**27-модда. Фуқароларнинг била туриб сохта маълумотлар баён этилган мурожаатларини текширишга сарф қилинган харажатларни қоплаш**

Била туриб сохта маълумотлар баён этилган мурожаатларни текшириш муносабати билан давлат органи томонидан сарф қилинган харажатлар фуқародан суднинг қарорига биноан ундириб олинishi мумкин.

**28-модда. Низоларни ҳал этиш**

Фуқароларнинг мурожаатлари муносабати билан зарарнинг ўрнини қоплаш ва маънавий зиённи компенсация қилиш тўғрисидаги низолар суд тартибида кўриб чиқилади.

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

## **3 Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қуйидаги фармонларига ўзгартиришлар киритилсин:

1. «Экспорт-импорт операциялари бўйича валюта назоратини таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 20 апрелдаги ПФ-837-сон Фармонида:

2-бандидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» деб ўзгартирилсин;

илованинг 3-бандидаги «(ишлар, хизматлар)» сўзлари олиб ташлансин, «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида» сўзлари эса «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида» деб ўзгартирилсин;

илованинг 4-бандидаги ва 13-бандининг иккинчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида» ва «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг» сўзлари тегишли равишда «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида» ва «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигининг» деб ўзгартирилсин.

2. «Ўзбекистон шартномалар ва савдо бўйича давлат-акционерлик уюшмаси «Ўзшартномасавдо»ни тугатиш ҳамда Ўзбекистон улгуржи ва биржа савдоси бўйича республика акционерлик уюшмаси «Ўзулгуржибиржасавдо»ни таъсис этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 28 февралдаги ПФ-772-сон Фармонида:

4-бандидаги «Истикболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси» сўзлари «Иқтисодиёт вазирлиги» деб ўзгартирилсин;

5-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг» ва «Ўзистикболстат» сўзлари тегишли равишда «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигининг» ва «Иқтисодиёт вазирлиги» деб ўзгартирилсин.

3. «Экспорт-импорт операцияларини тартибга келтириш борасидаги қўшимча чоратадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 11 апрелдаги ПФ-1096-сон Фармонида:

4-бандидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида» ва «Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланадиган тартибда Бош божхона бошқармасида ҳисобга олиниши» сўзлари тегишли равишда «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида» ва «Давлат божхона қўмитаси томонидан белгиланадиган тартибда ҳисобга олиниши» деб ўзгартирилсин;

6-бандидаги «Давлат солиқ қўмитасининг, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг» сўзлари «Давлат божхона қўмитасининг, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигининг» деб ўзгартирилсин.

4. «Ўзбекистон Республикаси миллий валютасининг ички эркин алмаштирилишини янада кенгайтириш чоратадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 27 июндаги ПФ-1193-сон Фармонида:

2-бандининг учинчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг марказлаштирилган экспорт рўйхатига киритилган» сўзлари «экспорт прогнозига киритилган» деб ўзгартирилсин;

8-бандининг учинчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» деб ўзгартирилсин.

5. «Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги ПФ-1871-сон Фармонида 1-илова сарлавҳасидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» деб ўзгартирилсин.

6. «Хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 февралдаги ПФ-1924-сон Фармонида:

2, 3 ва 6-бандларидаги «Инвестиция дастурлари» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар» деб ўзгартирилсин;

5-бандининг иккинчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида» деб ўзгартирилсин.

7. «Импорт операцияларини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 18 февралдаги ПФ-1930-сон Фармони 1 ва 3-бандларидаги, 3-бандининг учинчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги», «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида», «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги» сўзлари тегишли равишда «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги», «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида», «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» деб ўзгартирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 15 январь,  
ПФ-3194-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## **4 Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Хусусий секторни жадал ривожлантиришни рағбатлантириш, мамлакат иқтисодиётида унинг роли ва аҳамиятини тубдан ошириш, хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқариш тизимини такомиллаштириш мақсадида:

1. Хусусий тадбиркорликни кенг қўламда ривожлантириш, хусусий мулкчиликка асосланган, шу жумладан давлат мулкни хусусийлаштириш натижасида, корхоналарни ташкил қилиш ва шу асосда иқтисодиёт таркибида хусусий секторнинг улушини сезиларли даражада ошириш мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ис-

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й.*

лохотлар ва бозор ўзгартиришларининг ғоят муҳим устувор йўналишлари деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда «Хусусий корхона тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг муҳокамасига тақдим этсин, унда хусусий корхоналарни ташкил қилиш ҳамда унинг фаолияти тартиби, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида хусусий мулкчиликнинг устувор даражада ўсишини рағбатлантиришга қаратилган имтиёз ва преференциялар тизими кўзда тутилсин.

2. Акциядорлик жамиятларининг устав жамғармасидаги давлат улуши 25 фоиз ва ундан кам миқдорда бўлиши мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблансин ҳамда уни асосан хусусий мулк сифатида сотиш амалга оширилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси:

2003—2004 йилларда устав жамғармасидаги давлат улуши 25 фоиз ва ундан камроқ бўлган хусусийлаштирилган корхоналар акцияларининг давлат пакетларини фонд бозорида босқичма-босқич сотсин;

икки ҳафта муддатда мазкур Фармоннинг қоидаларини ҳисобга олган ҳолда 2003—2005 йилларга мўлжалланган мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш Дастури лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

3. Қуйидагилар белгилансин:

2003 йилнинг 1 февралидан бошлаб очиқ акциядорлик жамиятлари устав жамғармасининг энг кам миқдори жамият рўйхатга олинган кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг курси бўйича 50000 АҚШ долларига эквивалент суммани ташкил этади;

очиқ акциядорлик жамиятлари 2004 йилнинг 1 январига қадар ўзларининг устав жамғармаларини юқорида кўрсатилган миқдордан кам бўлмаган суммага етказишлари шарт, акс ҳолда улар белгиланган тартибда бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклларга, асосан хусусий корхоналарга айлантирилади;

масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамият қатнашчиларининг сони 50 та юридик ва жисмоний шахслардан ошиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 23 декабрдаги Ф-1680-сон Фармойиши билан тузилган хусусийлаштирилган корхоналарни бошқаришни такомиллаштириш масалалари бўйича махсус комиссия (Р. Азимов) Ўзбекистон Республикасининг Давлат мулки қўмитаси ҳамда Адлия вазирлиги билан биргаликда устав жамғармасини белгиланган миқдорда шакллантира олмаган акциядорлик жамиятларини қайта ташкил этиш борасида мазкур бандда кўрсатилган муддат ўтганидан сўнг зарур ҳолларда Вазирлар Маҳкамасига ушбу муддатни узайтириш мувофиқлиги тўғрисида таклифлар киритсин.

4. Жисмоний шахсларнинг хусусийлаштириш жараёнида иштирокини янада рағбатлантириш мақсадида жисмоний шахсларнинг хусусийлаштирилган корхоналар негизда барпо этилган хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг акциялари (улушлари) бўйича дивидендлар ҳолида олган даромадлари беш йил муддатга солиқдан озод қилинсин.

5. Кузатувчи кенгаш қарорини давлатга тегишли акциялар пакетининг ишончли бошқарувчиси ёки давлатнинг ишончли вакили розилигисиз қабул қилиш мумкин бўлмайдиган;

давлатнинг ишончли вакили акциядорлар умумий йиғилиши қарорининг ижросини тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга бўлган;

акцияларнинг давлат пакетларини хўжалик бирлашмаларининг устав жамғармасига ишончли бошқариш ҳуқуқи билан топширишга йўл қўйиладиган тартиб бекор қилинсин.

6. Белгилаб қўйилсинки, тегишли тармоқларда ягона техникавий сиёсатни амалга ошириш уюшмалар, компаниялар, корпорациялар ва концернларнинг энг муҳим вазифаси ҳисобланади ҳамда улар ўз таркибига кирувчи корхоналарнинг тезкор фаолиятига аралашиб ҳуқуқига эга эмаслар.

7. Хусусийлаштирилган корхоналарни бошқаришни такомиллаштириш масалалари бўйича махсус комиссия Вазирлар Маҳкамасининг Комплекслари билан бирга 2003 йилнинг биринчи ярмида устав жамғармалари тегишли тармоқлар корхоналарининг давлат активлари ҳисобига тузилган хўжалик бирлашмаларининг фаолиятини чуқур ўргансин.

Ўтказилган таҳлил натижалари бўйича қўйидагиларни кўзда тутувчи таклифлар Вазирлар Маҳкамасига киритилсин:

уюшмалар, холдинглар, компаниялар, корпорациялар, концернлар ва бошқа хўжалик бирлашмаларининг ўз таркибига кирувчи корхоналарнинг тезкор фаолиятига асоссиз аралашувига йўл қўймаслик чора-тадбирлари тизимини ишлаб чиқиб, амалга оширишни таъминлаш;

корхоналарни хом ашё ва товар-моддий ресурслар билан таъминлашнинг бозор механизмларини тўла миқёсда жорий этиш, уларнинг уюшмалар, компаниялар, корпорациялар, концернлар ва бошқа хўжалик бирлашмалари орқали таксимланишига йўл қўймаслик;

2003—2004 йилларда акциялар (улушлар, пайлар)нинг давлат пакетларини танлов асосида профессионал бошқарув компанияларнинг ишончли бошқарувига босқичма-босқич топшириш.

8. Акциядорлик жамиятлари ижрочи органларининг, аввало директорлар корпусининг акциядорлар олдидаги масъулиятини ошириш ҳамда улар фаолиятининг самарадорлигини кўтариш мақсадида шундай тартиб ўрнатилсинки, бунда:

директорни (бошқарув раисини) тайинлаш тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилишида, асосан танлов йўли билан қабул қилинади;

директор (бошқарув раиси) билан ишга ёллаш шартномаси бир йил муддатга тузилади ва ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилиши, айрим ҳолларда эса кузатувчи кенгаш томонидан ана шу муддатни узайтириш ёки тўхтатиш мумкинлиги тўғрисида қарор қабул қилиб турилади;

ижрочи орган томонидан келгуси йилга ишлаб чиқиладиган корхона бизнес-режаси акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан ёки унинг топшириғи бўйича кузатувчи кенгаш томонидан тасдиқланиши лозим. Ишлаб чиқаришни ўстириш, фойда олишни кўпайтириш ва дивидендларни тўлаш ана шу бизнес-режаниннг энг муҳим кўрсаткичлари бўлиши керак;

директор (акциядорлик жамиятининг ижрочи органи) йиллик бизнес-режа қандай бажарилаётгани тўғрисида ҳар чоракда кузатувчи кенгаш олдида ҳисобот беради. Кузатувчи кенгаш йиллик бизнес-режа қўпол равишда бузилган ёки унинг тасдиқланган параметрларини бажариш барбод этилган ҳолларда директор (бошқарув раиси) билан ишга ёллаш шартномасини муддатидан илгари тўхтатиш ҳуқуқига эга;

ижрочи директорларни ва кузатувчи кенгаш раисларини моддий рағбатлантириш акциядорлик жамияти фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади.

9. Белгилансинки, кузатувчи кенгашлар аъзоларининг фаолиятини уларнинг мазкур акциядорлик жамиятларидаги ёлланма меҳнат фаолияти билан қўшиб олиб борилишига йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда ушбу Фармон талабларини ҳисобга олган ҳолда Акциядорлик жамиятининг кузатувчи кенгаши тўғрисидаги Намунавий низомни қайта кўриб чиқсин.

10. Акциядорлик жамиятлари учун рахбар кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Олий бизнес мактаби таркибида Корпоратив бошқарув маркази ташкил қилинсин ҳамда унинг зиммасига кузатув кенгашларининг аъзолари ва директорлар корпуси учун корпоратив бошқарув, молиявий ҳисобот, самарали менежмент бўйича ўқув курсларини ташкил этиш вазифалари юклансин.

11. «Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш ва республиканинг фонд бозорида хорижий инвесторлар иштирокини кенгайтириш борасидаги қўшимча чоратадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 31 мартдаги ПФ-1740-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда ушбу Фармонни ижро этиш юзасидан қарор қабул қилсин.

14. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Т. Султонов зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 24 январь,  
ПФ-3202-сон



## УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **5 Нотариат фаолиятини маблағ билан таъминлашни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

Нотариат фаолиятини маблағ билан таъминлашни такомиллаштириш ва нотариусларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш ҳамда хусусий ва давлат нотариуслари фаолият кўрсатиши учун тенг шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Нотариал ҳаракатлар содир этилганлиги учун нотариал идоралар томонидан ундириладиган давлат божининг 15 фоизи миқдоридagi ажратма тўғридан-тўғри бюджетдан маблағ билан таъминлаш ўрнига давлат нотариал идоралари фаолиятини маблағ билан таъминлаш манбаи этиб белгилансин.

Бунда нотариал ҳаракатлар содир этилганлиги учун ундириладиган давлат божлари миқдори куйидаги тартибда:

70 фоизи — маҳаллий бюджетларга;

15 фоизи — Адлия муассасалари ва судларни ривожлантириш жамғармасини шакллантиришга;

15 фоизи — маблағларни Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларининг махсус ҳисоб рақамларига тўплаш йўли билан давлат нотариал идоралари фаолиятини маблағ билан таъминлашга тақсимланади.

2. Адлия вазирлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда давлат нотариал идоралари фаолиятини маблағ билан таъминлаш тартибини икки ҳафта муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, унда ходимларни содир этилаётган нотариал ҳаракатлар ҳажмига ва ундириладиган давлат божлари миқдorigа қараб моддий рағбатлантириш ва давлат нотариал идораларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашни назарда тутсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (А. Полвон-зода):

хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар фаолиятини шартнома асосида ахборот билан таъминлашни ва уларнинг давлат нотариал идоралари билан ўзаро алоқасини такомиллаштириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрсин;

хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларни ўқитиш ва уларга методик ёрдам бериш, улар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш ишларини кучайтирсин;

жойларда давлат нотариал идоралари ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар нотариал ҳаракатларни содир этиш учун зарур бўлган ҳуқуқий ҳужжатлардан ва бошқа ахборотдан фойдаланадиган маълумотларнинг электрон ахборот базалари барпо этилишини таъминласин;

давлат нотариал идораларининг сонини, уларнинг штатдаги ходимлари сонини мақбуллаштиради, тежалган маблағлар нотариусларни моддий рағбатлантиришга йўналтирилсин;

қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А. Азизов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Азимов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 7 январь,  
4-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **6 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**

Ички валюта бозорини янада эркинлаштириш, истеъмол товарларини импорт қилувчи корхоналар ва ташкилотларнинг сўмдаги маблағларини конвертация қилиш механизмини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Марказий банк, Молия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда идоравий норматив ҳужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштирсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.М. Муллажонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 8 январь,  
7-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 8 январдаги 7-сон қарорига  
ИЛОВА

## **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Биржадан ташқари валюта бозори фаолиятини

ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 10 июлдаги 294-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 7-сон, 38-модда) 2-иловада:

2-банднинг «в» кичик банди қўйидаги тахрирда баён қилинсин:

«в) хорижий валютани истеъмол товарлари, асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, хом ашё, материаллар ва хизматлар импорти учун харид қилиш»;

31-банднинг «в» кичик банди чиқариб ташлансин;

33-банд қўйидаги тахрирда баён қилинсин:

«33. Истеъмол товарларини импорт қилишда ваколатли банкка қўшимча равишда қўйидагилар такдим этилади:

а) товарларни чакана сотувчи корхоналар учун:

нақд савдо тушуми инкассация қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

б) улгуржи савдо корхоналари учун:

импорт товарлар сотишдан тушган нақд пуллар чакана савдо ташкилотларига тушганлиги тўғрисида ваколатли банклар томонидан тасдиқланган маълумотлар».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2002 йил 28 июндаги 235-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 6-сон, 35-модда) 2-банди «резидентларига» сўздан кейин «ва норезидентларига» сўзлари билан тўлдирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ва баъзиларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2002 йил 10 октябрдаги 354-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 10-сон, 58-модда) илованинг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг баъзи қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар» деб номланган бўлими 7-бандининг учинчи ва тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **7 Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида**

«Давлат статистикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигини қайта ташкил этиш тўғрисида» 2002 йил 24 декабрдаги ПФ–3183-сон Фармонини бажариш юзасидан, шунингдек республика статистика органлари фаолиятини ташкилий таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тизими тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси марказий аппаратининг ташкилий тузилмаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси марказий аппарати штатдаги ходимларининг чекланган сони 128 нафар (хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари) этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасида раиснинг бир нафар биринчи ўринбосари, раиснинг уч нафар ўринбосари ҳамда етти кишидан иборат Ҳайъат бўлишига рухсат этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси раиси вазир мақомига, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари — тегишли равишда вазирнинг биринчи ўринбосарига ва ўринбосарларига тенглаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси раисига штатдаги ходимларнинг белгиланган сони ва статистика ишларини амалга оширишга ажратиладиган маблағлар доирасида Қўмита тузилмасига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

### 3. Қуйидагилар:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар статистика бошқармаларининг, туман (шаҳар) статистика бўлимларининг намунавий тузилмаси 3\*, 3а\*, ва 3б-иловаларга\* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг махсус жамғармаси тўғрисидаги низом 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳузурида давлат статистикасини ривожлантириш, унинг фаолият кўрсатиши ва уни мувофиқлаштириш муаммолари бўйича коллегиял маслаҳат органи — Статистика кенгаши ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси икки ҳафта муддатда Статистика кенгаши тўғрисидаги низомни белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритсин.

### 5. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг раиси ва Статистика кенгашининг шахсий таркиби республика Ҳукуматининг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади;

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги, туманлар ва шаҳарлардаги статистика органлари ва унга бўйсунувчи ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг ягона тизимини ташкил этади;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар статистика бошқармалари бошлиқлари тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси раиси томонидан лавозимга тайинланади;

туман ва шаҳар статистика бўлимлари бошлиқлари туман ва шаҳар ҳокимларининг тақдимномасига кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар статистика бошқармалари бошлиқлари томонидан лавозимга тайинланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасига давлат статистика ҳисоботи шакллари ва уларни тўлдириш бўйича йўриқномаларни тасдиқлаш юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, мулкчилик шаклларида қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан давлат статистикаси тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларига риоя қилиниши, статистика ахбороти ўз вақтида тақдим этилиши, унинг тўлиқлиги ва ишончлилиги устидан қатъий назорат ўрнатсин.

---

\* 3, 3а, 3б иловалар берилмайди.

Қонун бузилишлари аниқланган ҳолларда айбдор шахсларни жиноий жавобгарликка жавобгарликка тортиш тўғрисида таклифлар киритилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси бир ой муддатда минтақавий статистика бошқармалари ҳамда туман (шаҳар) статистика бўлимлари ва бошқа ўзига қарашли ташкилотлар тўғрисидаги намунавий низомларни белгиланган тартибда тасдиқласин.

8. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тизими фаолияти статистика ишларини амалга ошириш учун ажратиладиган давлат бюджети маблағлари, шунингдек хўжалик ҳисобидаги фаолияти маблағлари ҳисобига маблағ билан таъминланади.

9. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси: Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигининг статистикага оид ваколатлари бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги Статистика давлат департаментининг ваколатлари, мажбуриятлари ва мулкӣ ҳуқуқлари бўйича ҳуқуқӣ ворис ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорларининг вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, мулкчилик шаклларида қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ходимларини аттестациядан ўтказиш бўйича 6-иловага\* мувофиқ таркибда комиссия ташкил этилсин.

Аттестация комиссияси бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси марказий аппарати ходимларини ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар статистика бошқармалари раҳбарларини аттестациядан ўтказсин.

Республика вилоятларида шундай аттестация комиссиялари ташкил этилсин, уларнинг таркибига Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги раҳбарлари, вилоят ҳокимларининг иқтисодиёт ва кадрлар масалалари бўйича ўринбосарлари, ҳудудий Статистика бошқармалари бошлиқлари киритилсин. Ҳудудий комиссиялар икки ой муддатда вилоят статистика бошқармалари, туман ва шаҳар статистика бўлимлари ходимларини аттестациядан ўтказсин.

Аттестация комиссияси раиси (Р.С. Азимов) ўтказилган аттестация натижалари тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига ахборот берсин.

11. Халқаро статистика стандартларига мувофиқ кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳузурида Бозор муносабатлари ўқув-консалтинг маркази базасида Кадрларни қайта тайёрлаш ва статистика тадқиқотлари маркази ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси 2003—2005 йилларда давлат статистика органлари тизими ходимларининг малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш дастурини икки ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

Кадрларни қайта тайёрлаш ва статистика тадқиқотлари маркази давлат статистикаси ҳудудий органлари, биринчи навбатда, туман ва шаҳар статистика бўлимлари раҳбарларининг уч йилда камида бир марта касб даражаси ва малакаси оширилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг буюртмаларига мувофиқ давлат статистика органлари учун мутахассислар тайёрланишини таъминласин.

---

\* 6-илова берилмайди.

13. Давлат статистика ҳисоботини тақдим этиш тартибини бузганлиги, статистика маълумотларини яширганлиги ва бузиб кўрсатганлиги учун мансабдор шахсларга солинадиган жарималардан шакллантириладиган Махсус жамғармани юритиш Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасига берилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси раисига, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар статистика бошқармалари бошлиқларига давлат статистика органлари тизими ходимларининг юқори малакаси учун уларга ойлик лавозим маоши миқдоридан ортиқ бўлмаган миқдорда устама белгилаш ҳуқуқи берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг махсус жамғармаси маблағлари давлат статистика органлари тизими ходимларининг юқори малакаси учун тўланадиган устамалар манбаи этиб белгилансин.

15. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

хар йили давлат бюджетини шакллантиришда статистика ишларини амалга ошириш, давлат статистика органларининг таъминоти ва моддий-техника базасини мустақкамлаш учун зарур маблағларни назарда тутсин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасига бешта енгил автомобиль харажатлари учун лимит ажратсин.

16. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Тошкент шаҳар, Буюк ипак йўли кўчасидаги 63-уйга;

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг Кадрларни қайта тайёрлаш ва статистика тадқиқотлари маркази Тошкент шаҳар, Буюк ипак йўли кўчасидаги 42а-уйга жойлаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигининг Статистика давлат департаменти ва унга қарашли ташкилотлар эгаллаб турган хизмат бинолари Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва унга қарашли ташкилотлар ихтиёрида қолдирилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари бир нусхадан мажбурий тартибда юбориладиган ташкилотлар рўйхатига киритилсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.


19. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 8 январь,  
8-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 8 январдаги 8-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика  
қўмитаси тизимининг  
ТУЗИЛМАСИ**



## Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси марказий апаратининг ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ



Ходимларнинг умумий сони (хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари) — 128 киши



Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 8 январдаги 8-сон қарорига  
4-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика  
қўмитаси тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг мақоми, асосий вазифалари, функциялари, ваколатларини ва фаолиятининг ташкилий асосларини белгилайди.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигини қайта ташкил этиш тўғрисида» 2002 йил 24 декабрдаги ПФ–3183-сон Фармониغا мувофиқ ташкил этилган.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси статистика соҳасида ривожланишнинг миллий ва минтақавий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда илмий методологияга, халқаро стандартлар ва қоидаларга асосланган яхлит илғор статистика ахбороти тизимини яратишга ва унинг фаолият кўрсатишига йўналтирилган ягона сиёсатни амалга оширувчи, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектлар, фуқаролар ва ташкилотларнинг расмий статистика ахборотларига бўлган эҳтиёжини қондирувчи давлат ҳокимияти ижро этувчи органи ҳисобланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ўз фаолиятида:

Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигининг статистикага оид ваколатлари бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги Статистика давлат департаментининг ваколатлари, мажбуриятлари ва мулкӣ ҳуқуқлари бўйича ҳуқуқӣ ворис ҳисобланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси статистика ишларининг:

ишончлилик, холислик, беғаразлик;

долзарблик, қиёсийлик ва барқарорлик;

қулайлик, очиқ-ойдинлик ва ошқоралик;

статистика ахборотини йиғиш, қайта ишлаш ва умумлаштириш тартибига ҳар қандай аралашини истисно этиш принциплари асосида ташкил этилишини таъминлайди.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Олий Мажлис қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, мазкур Низомга ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги, туманлар, шаҳарлардаги статистика органлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасига қарашли ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг ягона тизимини ташкил этади.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг ўз ваколатлари

доирасида қабул қилинган қарорларининг вазирликлар, идоралар, ижро этувчи ҳокимият маҳаллий органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

Давлат статистика органлари фаолиятига давлат органлари ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг аралашishiга йўл қўйилмайди.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ўз фаолиятини республика ва маҳаллий ҳокимият органлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва ташкилотлари билан ўзаро боғлиқ равишда амалга оширади.

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси мустақил юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга, мустақил балансга, ўз ҳисоб рақамларига, шу жумладан хорижий валютадаги ҳисоб рақамларига эга бўлади.

## II. Асосий вазифалари

11. Қўйидагилар Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг асосий вазифалари ҳисобланади:

статистика соҳасида ягона сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, статистикани ташкил этишнинг замонавий халқаро статистика стандартларига жавоб берадиган самарали тизимини таъминлаш;

илмий асосланган, бозор иқтисодиёти асосий принципларига жавоб берадиган ягона статистика методологиясини ҳамда миллий ҳисоб рақамларини тузишни таъминловчи ва халқаро статистика стандартларига мувофиқ бўлган кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

жамиётнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида рўй бераётган жараёнларни ҳар томонлама характерловчи статистика ва ҳисобот кўрсаткичларининг тезкорлигини, ишончлилигини, холислигини ва изчиллигини таъминлаш;

статистик ахборотнинг қулайлигини, аниқлигини ва ошқоралигини кенгайтириш ишларини амалга ошириш;

статистика ишларини ташкил этишнинг статистика ахборотини йиғиш, қайта ишлаш ва умумлаштириш тартибига ҳар қандай аралашини истисно қилувчи тизимини яратиш;

ижтимоий-иқтисодий ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисидаги статистика ахборотларини йиғиш, қайта ишлаш, тўплаш, сақлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш ва эълон қилишни амалга ошириш;

СНС халқаро методологиясига мувофиқ бўлган миллий ҳисоблар тизимини ишлаб чиқиш, халқаро статистика стандартлари ва қоидаларини ҳисобга олган ҳолда миллий ҳисобларни тузишни ахборотлар билан таъминлаш тизимини шакллантириш;

статистика ишлари давлат буюртмасини тайёрлаш ва унинг бажарилишини таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари эҳтиёжлари, фойдаланувчиларнинг статистика ахборотларига талабини ўрганиш асосида Давлат статистика ишлари дастурларини ишлаб чиқиш ва уларнинг бажарилишини ташкил этиш;

йўналишлар бўйича статистика ахборотларининг таққосланувчанлигини, мамлакатлараро таққосланувчанлигини таъминловчи, ўзаро боғлиқ бўлган иқтисодий-статистик таснифлар тизимини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва юритиш;

вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг статистика соҳасидаги ягона сиёсатни амалга ошириш бўйича фаолиятининг мувофиқлаштирилишини таъминлаш;

республикани, минтақаларни ва тармоқларни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш дастурларининг, ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича Олий Мажлис қарор-

ларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларининг, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларининг бажарилишининг статистика кузатувларини амалга ошириш;

давлат органларини ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини, юридик шахсларни, давлат муассасаларини ва халқаро ташкилотларни ҳамда жамоатчиликни статистика ахбороти билан белгиланган тартибда таъминлаш;

долзарб ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича методик базанинг ишлаб чиқишини амалга ошириш, тематик ёзишмаларни, ценз тадқиқотларини ва мониторингни ташкил этиш ва амалга ошириш;

статистика органларини замонавийлаштириш ҳамда статистика ахборотини тезкорлик билан узатишни ва қайта ишлашни таъминловчи замонавий компьютерлар ҳамда ахборот-коммуникация тизимлари ва технологиялари билан қайта жиҳозлаш, статистика бўйича ягона ахборот тизимини янада ривожлантириш, унинг республикадаги бошқа ахборот тизимлари билан ўзаро мувофиқлиги ва боғлиқлигини таъминлаш;

статистика ишларини ташкил этиш учун зарур бўлган иқтисодий-статистик классификаторлар тизимини ҳамда Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат реестрини юритиш;

статистика ахборот ресурсларининг хавфсизлигини таъминлаш ва ахборот-ҳисоблаш тизимини руҳсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилиш;

барча даражалардаги статистика органлари кадрлари малакасини изчил асосда оширишни ва уларни қайта тайёрлашни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасининг устувор йўналишлар бўйича давлат статистикаси соҳасидаги халқаро мажбуриятларини бажариш ва халқаро ҳамкорлигини ривожлантириш;

хўжалик шартномалари асосида корхоналар ва ташкилотларга дастурлар ишлаб чиқиш бўйича хизматлар ҳамда ахборот-ҳисоблаш хизматлари кўрсатишга доир статистик ва бошқа ишларни бажариш, ноширлик фаолиятини амалга ошириш.

### III. Асосий функциялари

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

давлат статистика принципларига риоя этилишини ва халқаро стандартлар ва қоидаларга мувофиқ бўлган статистик методологиянинг ягоналигини таъминлайди;

статистика кузатувлари ва статистик ҳисоб-китоблар методологиясини такомиллаштириш бўйича методологик тадқиқотлар ўтказиши;

давлат статистикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини, уларнинг илмий-методологик, ташкилий-техник, кадрлар ва молиявий таъминотини белгилайди;

статистика ишларининг кўп йиллик ва йиллик дастурларини ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда республика Ҳукуматига тасдиқлаш учун киритади ҳамда уларнинг бажарилишини ташкил қилади;

статистика кузатувлари дастурларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, уларнинг самарали амалга оширилишини, статистика ахборотларини қайта ишлаш, тўплаш, сақлаш ва тарқатишни таъминлайди;

давлат статистика ҳисоботи шакллари ва уларни тўлдиришга доир йўриқнома-ларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлайди ҳамда идоравий статистика ҳисоботи шакллари келишиб олади;

энг муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммолар бўйича мониторингни ташкил қилади ва амалга оширади;

мамлакатда ва минтақаларда рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларни комплекс таҳлил қилиш учун статистика кўрсаткичларининг ахборот тизимини шакллантиради;

иқтисодий ислохотларнинг боришини, институционал ўзгаришларни, бозор муносабатлари ва бозор инфратузилмасининг вужудга келишини, нархлар динамикасини ва инфляция даражасини, давлат, корхоналар ва иқтисодиёт тармоқларининг молиявий аҳволини, меҳнат бозорлари, инвестиция ва истеъмол товарлари ва хизматлари конъюнктурасини, демографик жараёнларни, меҳнат ресурслари динамикаси ва таркибини, меҳнатга ҳақ тўлаш ва унинг шартларини, ижтимоий гуруҳлар ва даромаддорлик гуруҳлари бўйича аҳоли турмушининг моддий таъминланганлиги даражасини, ижтимоий соҳа, ҳуқуқий тартибот ва экологиянинг аҳволини, иқтисодиёт секторлари ва тармоқлари фаолият кўрсатиши динамикасини, давлатнинг ташқи иқтисодий фаолияти, савдо ва тўлов балансини статистика кузатувларини ва тадқиқ қилишни амалга оширади;

мамлакатдаги энг муҳим иқтисодий ва ижтимоий жараёнлар ва ҳодисаларнинг дастлабки статистик таҳлилин амалга оширади;

бозор муносабатларида иқтисодиётни ва ижтимоий соҳани баравар тавсифлаш ҳамда мувофиқ ахборот тизимлари ва дастурий ресурсларни яратиш учун ягона асосни таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасига бириктирилган умумдавлат ва тизим ичидаги классификаторларни ишлаб чиқади ва уларнинг юритилишини таъминлайди;

фойдаланувчиларга умумдавлат классификаторлари ва уларга киритиладиган ўзгаришлар тўғрисидаги ахборотни белгиланган тартибда тақдим этади;

республикадаги барча хўжалик юритувчи субъектларни тўлиқ ҳисобга олишни ва идентификациялашни ҳамда ахборот ресурсларининг мослигини таъминловчи асосий методологик инструмент сифатида Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрини янада ривожлантиришни таъминлайди;

статистика кузатувларини танлов бўйича ташкил этишнинг асоси сифатида статистика кузатувлари субъектларининг асосий мажмуини такомиллаштиради;

статистик фаолият, шу жумладан давлат ахборот тизимлари ва ресурсларини яратиш ҳамда юритиш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади, келишиб олади ва белгиланган тартибда республика Ҳукумати ва тегишли органларга киритади;

респондентларни статистика кузатувларини ўтказиш учун зарур бўлган статистика ҳисоботи шакллари бланкалари, уларни тўлдириш бўйича йўриқномалар билан республика бюджетидан ушбу мақсадларга ажратиладиган маблағлар доирасида таъминлайди;

статистика кузатувлари ва расмий статистика ахбороти масалалари бўйича ахборот-тушунтириш ишларини амалга оширади;

миллий қонун ҳужжатларига ва мавжуд халқаро стандартларга ва тавсияномаларга мувофиқ статистика маълумотларининг махфийлигини таъминлайди;

маълумотларни тайёрлаш методларини, тартибини ва сифатини такомиллаштириш негизида барча фойдаланувчиларга очиқ статистика ахборотини тарқатади ва уларни фойдаланиш учун тенг шароитлар билан таъминлайди;

методология ва статистика масалалари бўйича халқаро қоидаларга мувофиқ бўлган ва миллий шароитларга мослаштирилган тадқиқот ишларини ташкил қилади ва амалга оширади;

ижро этувчи ҳокимиятнинг бошқа органлари билан биргаликда Ўзбекистон Рес-

публикасининг халқаро ташкилотларда аъзолигидан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажаради, жамиятнинг эҳтиёжларига мувофиқ статистика соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади, илғор хорижий тажрибани ўрганади, умумлаштиради ва тарқатади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа функцияларни ҳам бажаради.

#### IV. Ҳуқуқ ва мажбуриятлари

13. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасига ўзига юкланган функцияларни бажариши учун қуйидаги ҳуқуқлар берилади:

статистика бўйича ягона сиёсатни ўтказиш соҳасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришни ва функционал тартибга солишни амалга ошириш;

давлат статистика кузатувлари шаклларини, уларни тўлдириш ҳамда тақдим этиш тартибини тасдиқлаш ва идоравий статистика кузатувлари шаклларини келишиб олиш;

молия, божхона, солиқ органларидан, банк муассасаларидан, бошқа идоралар ва хизматлардан, юридик шахслардан ва уларнинг ваколатхоналари ва филиалларидан, жисмоний шахслардан, шу жумладан якка тартибдаги тадбиркорлардан идоравий ҳисобга олиш маълумотларини ва давлат статистика ишларини амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа маълумотларни (уларни ишлаб чиқишнинг ҳар қандай босқичида), шунингдек уларга илова қилинадиган тушунтиришларни талаб қилиш ва олиш ҳамда улардан давлат статистика ҳисоботларида статистика мақсадларида фойдаланиш;

юридик шахсларни ва якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органлардан, фаолиятнинг айрим турларини лицензияловчи органлардан, ижро этувчи ҳокимиятнинг бошқа органларидан, шунингдек бюджетдан ташқари давлат жамғармаларидан таъсис ҳужжатлари нусхаларини ҳамда Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрини юритиш учун зарур бўлган юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар тўғрисидаги маълумотларни олиш;

давлат органлари, юридик шахслар, уларнинг ваколатхоналари ва филиаллари, статистика маълумотлари тақдим этувчи якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган норматив ҳужжатларни белгиланган тартибда қабул қилиш;

давлат статистика кузатувлари методологияси ва уларни ташкил этиш, шунингдек расмий статистика ахбороти билан боғлиқ масалалар бўйича ахборот-тушунтириш ишларини амалга ошириш;

статистика ахборотлари ва статистика маълумотларининг нотўғри фойдаланилиши ва талқин қилиниши ҳолларини тушунтириш;

амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат статистикаси соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг барча юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан бажарилиши устидан назоратни амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириш;

олинаётган статистика маълумотларининг тўлиқлиги, ишончилиги ва холислигини экспертизадан ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги муассасалар ва ташкилотларда статистика маълумотларининг ишончилиги ва тўлиқлигини белгиланган тартибда текшириш. Бузилишлар аниқланган тақдирда уларни бартараф этиш тўғрисида кўрсатмалар бериш ва статистика маълумотларига тегишли тузатишлар киритиш;

статистика маълумотларини тақдим этиш тартиби бузилишига йўл қўйган ҳамда яширин ва ноқонуний ишлаб чиқаришни, пул маблағларининг банкдан ташқари ай-

ланишини яширишга ва корхоналар фаолиятини холисона баҳолашнинг бузилишига сабаб бўладиган, унинг муассислари ва акциядорлари манфаатларига зарар келтирадиган нотўғри статистика маълумотларини қасдан тақдим этган шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жарима жазолари қўллаш; нотўғри статистика ҳисоботини нотўлиқ ва қасдан нотўғри тақдим этган ҳолда қўпол қонун бузилишига йўл қўйган шахсларни қонунчиликка мувофиқ маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиш юзасидан белгиланган тартибда таклифлар киритиш;

давлат статистика ҳисоботини тақдим этиш тартиби бузилганлиги учун мансабдор шахслардан ундириладиган жарималар ҳисобига Махсус жамғармани шакллантириш ҳамда ундан белгиланган қоидага мувофиқ фойдаланиш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тасарруфидаги ташкилотларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда таклифлар тайёрлаш ва киритиш, шунингдек ушбу корхоналар ва ташкилотлар тўғрисидаги низомларни (уставларни) тасдиқлаш;

хўжалик шартномалари бўйича, тижорат асосида статистик, таҳлилий, ахборот-ҳисоблаш, ноширлик ва соҳа мавзуси бўйича бошқа ишларни амалга ошириш;

бошқа давлатларнинг статистика идоралари ва халқаро статистика ва бошқа ташкилотлар билан статистика фаолияти масалалари бўйича ҳамкорлик қилиш тўғрисида белгиланган тартибда битимлар тузиш;

статистика соҳасидаги илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишларини белгилаш, уларни ишлаб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси илмий муассасаларини, республика ва хорижий мамлакатларнинг бошқа ташкилотларини, шунингдек олимлар ва мутахассисларни белгиланган тартибда жалб этиш;

халқаро статистика ва иқтисодиёт ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш, статистика масалалари бўйича семинарлар ва кенгашлар, шу жумладан халқаро семинар ва кенгашлар ўтказиш ҳамда уларнинг ишида қатнашиш.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эгадир.

14. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси статистика соҳасидаги ягона сиёсатнинг самарали амалга оширилиши учун жавоб беради.

15. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ходимлари «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларини бузганлик учун, шунингдек статистика маълумотларини яширганлик ва бузиб қўрсатганлик учун, ёхуд мазкур қонун бузилишларига қўмаклашганлик учун қонунга мувофиқ маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилади.

## **V. Фаолиятини ташкил этиш**

16. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасига раис раҳбарлик қилади. Раис республика Ҳукуматининг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

Раис лавозимга ўзининг касб ва техник малакаси асосида уч йил муддатга тайинланади ҳамда у ўзининг касбга номувофиқлиги сабабли белгиланган муддатдан олдин лавозимдан озод этилиши мумкин.

Раиснинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинладиган ва лавозимдан озод қилинадиган тўрт нафар ўринбосари, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосари бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси раиси мақомига кўра вазирга, раиснинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари — тегишли равишда вазирнинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарларига тенглаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси раиси Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасига юкланган вазифаларнинг бажарилиши ва унинг функцияларининг амалга оширилиши учун шахсан жавоб беради.

17. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси раиси:

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятига раҳбарлик қилади;

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;

давлат статистика органлари ходимларига нисбатан малака талабларини белгилайди ва уларнинг меҳнатини рағбатлантириш тизимини шакллантиради, юқори малака учун устамалар белгилайди;

зарурат бўлганда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тузилмасига штатдаги ходимларнинг тасдиқланган сони ва статистика ишларини амалга ошириш учун ажратиладиган маблағлар доирасида ўзгартиришлар киритади;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар статистика бошқармалари раҳбарларини тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари тақдимномасига кўра белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади;

дастурлар бўйича бажариладиган статистика ишлари ҳажмларига мувофиқ молиявий ва моддий-техника ресурсларини тақсимлайди;

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси барча органлари ва бўлинмалари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

статистика органларининг моддий-техника базасини яхшилаш, уларни замонавийлаштириш ҳамда замонавий компьютерлар ва ахборот-коммуникация тизимлари ва технологиялари билан қайта жиҳозлаш чора-тадбирларини кўради;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ҳамда халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ бошқа давлатлар иқтисодиёт идоралари билан статистика методологиясини ва амалиётини такомиллаштириш масалалари бўйича шартномалар тузади, ўзига юкланган вазифалар доирасида халқаро ва хорижий статистика ташкилотлари билан ҳамкорликни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари доирасида ўзига юкланган вазифаларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш учун амалдаги қонун ҳужжатлари доирасида бошқа барча зарур чора-тадбирларни кўради.

18. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасида 7 кишидан иборат Ҳайъат тузилади. Ҳайъат таркиби белгиланган тартибда тасдиқланади.

Ҳайъат давлат статистикасини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини, шунингдек давлат статистикасини органлари фаолиятининг бошқа масалаларини кўриб чиқади.

Ҳайъат қарорлари протоколлар билан расмийлаштирилади ва Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси раисининг буйруқлари билан амалга оширилади.

19. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳузурида давлат ҳокимияти органлари, ишбилармон доиралар, илмий жамоатчилик, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан иборат таркибда давлат статистикасини ривожлантириш, фаолиятини амалга ошириш ва мувофиқлаштириш, шунингдек статистика методологиясини такомиллаштириш ва фойдаланувчиларнинг расмий ста-

тистика ахборотига бўлган эҳтиёжини ҳисобга олиш муаммолари бўйича коллегиял маслаҳат органи ҳисобланадиган Статистика кенгаши ташкил этилади.

Статистика кенгаши фаолиятининг ташкилий-техник таъминоти Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан амалга оширилади.

Статистика кенгашининг шахсий таркиби республика Ҳукумати тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

20. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳузурида юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган Кадрларни қайта тайёрлаш ва статистика тадқиқотлари маркази ташкил этилади.

## VI. Мол-мулки ва хўжалик фаолияти

21. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг мол-мулкани асосий воситалар ва айланма маблағлар, шунингдек қиймати унинг мустақил балансида акс этириладиган бошқа бойликлар ташкил этади.

22. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасини маблағ билан таъминлаш ва унинг моддий-техника таъминоти Давлат статистика ишлари дастурига мувофиқ Давлат бюджети маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

Давлат статистика ишлари дастурига киритилмаган қўшимча статистика ишларига ҳақ тўлаш буюртмачилар маблағлари ҳисобига молиялаштирилади.

Фойда (даромад), амортизация ажратмалари, шунингдек бошқа тушумлар Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг молиявий ресурсларини шакллантириш манбалари ҳисобланади.

23. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ўз фаолиятини ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Статистика ишларини бажариш давлат буюртмасига, шунингдек маҳсулотлар, ишлар ва хизматлардан фойдаланувчилар билан тузилган шартномаларга мувофиқ ташкил қилади.

24. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ўз ишлари натижаларининг тезкор ва бухгалтерия ҳисобини амалга оширади, статистика ҳисоботини юритади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 8 январдаги 8-сон қарорига  
5-ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг махсус жамғармаси тўғрисида НИЗОМ

### I. Асосий қоидалар

1. Ушбу Низом «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлигини қайта ташкил этиш тўғрисида» 2002 йил 24 декабрдаги ПФ-3183-сон Фармонида мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Низом Махсус жамғарманинг мақсади ва вазифаларини белгилайди, унинг шакллантирилиши ва фойдаланилиши тартибини назарда тутади.

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.*



## II. Махсус жамғарманинг мақсади ва вазифалари

3. Қуйидагилар:

давлат статистика органларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;  
давлат статистика органлари мутахассислари малакасини ошириш;  
давлат статистика органлари мутахассисларининг статистика маълумотларининг тезкорлиги, ишончлилиги, тўлиқлиги ва сифатини таъминлашдан моддий манфаатдорлигини ошириш воситасида статистика ҳисоботининг ишончлилиги ва тўлиқлигини таъминлашга қўмаклашиш Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси махсус жамғармасининг асосий мақсади ҳисобланади.

## III. Махсус жамғармани шакллантириш тартиби

4. Махсус жамғарма иқтисодий санкциялардан ҳамда давлат статистика ҳисоботини тақдим этиш тартибини бузганлик, статистика маълумотларини яширганлик ва бузиб кўрсатганлик учун мансабдор шахсларга солинадиган жарималардан тушадиган маблағлардан шакллантирилади.

5. Жарималардан олинган маблағларнинг:

15 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси жамғармасига;

15 фоизи — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Статистика бошқармалари жамғармаларига йўналтирилади;

70 фоизи — жарима санкциясини белгиллаган давлат статистика органига йўналтирилади.

6. Махсус жамғармага тушган маблағлар давлат статистика органларининг махсус ҳисоб рақамларида жамланади.

7. Маблағларнинг Махсус жамғармаларга тўлиқ, тўғри ва ўз вақтида ўтказилиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан амалга оширилади.

Маблағларни Махсус жамғармага ўтказиш тартиби бузилганлиги ва ўз вақтида ўтказилмаганлиги учун мансабдор шахслар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

## IV. Махсус жамғармадан фойдаланиш

8. Махсус жамғармадан:

давлат статистика органларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш;

давлат статистика органлари кадрлари малакасини ошириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;

давлат статистика органлари мутахассисларини моддий рағбатлантириш;

вакиллик харажатлари учун фойдаланилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси раиси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар статистика бошқармалари бошлиқлари, туман (шаҳар) статистика бўлимлари бошлиқлари тегишли равишда Махсус жамғарма маблағларини тасарруф этадилар.

10. Махсус жамғарма маблағларидан мақсадли ва қонуний фойдаланилиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси раиси зиммасига юкланади.

11. Махсус жамғарманинг жорий йилда фойдаланилмаган маблағлари кейинги йилга ўтади ва олиб қўйилмайди.

#### **V. Махсус жамғарманинг ҳисоб ва ҳисобот тартиби**

12. Махсус жамғарманинг молиявий ресурслари алоҳида жорий ҳисоб рақамида ҳисобга олиб борилади.

Махсус жамғарма харажатлари бўйича жорий ҳисоб Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқ ордер-дафтар тизими бўйича юритилади.

Минтақавий давлат статистикаси органлари чоракдан кейинги ойнинг 15-кунигача Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасига, ҳисоб ва ҳисоботни юритишнинг тўғрилигини назорат қилиш учун Махсус жамғарманинг шакллантирилиши ва фойдаланилиши тўғрисида чорак ҳисоботлари тақдим этишади.

Махсус жамғарманинг молиялаштирилиши ва фойдаланилиши тўғрисидаги ҳисобот ортиб боровчи якун бўйича тузилади.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **8 Автомототранспорт воситаларининг олди-сотди шартномаларини расмийлаштиришни тартибга солиш тўғрисида**

Юридик ва жисмоний шахслар томонидан автоматотранспорт воситаларининг олди-сотди шартномалари расмийлаштирилишини тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Белгилаб қўйилсинки:

автомототранспорт воситаларининг олди-сотди шартномаларини расмийлаштириш фақат нотариуслар, шунингдек савдо ҳуқуқига тегишли рухсатномага эга бўлган ихтисослаштирилган савдо корхоналари (автомототранспорт ишлаб чиқарувчи корхоналар, уларнинг вакиллари ҳамда воситачи (дистрибьютор) ташкилотлар) томонидан амалга оширилади;

автомототранспорт воситалари Давлат мулки қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти ҳудудий бўлимлари суд ижрочилари туман (шаҳар) бўлинмаларининг суд ижрочилари томонидан ким ошди савдолари орқали белгиланган тартибда сотилиши мумкин;

автомототранспорт воситаларининг олди-сотди шартномаларини нотариал тасдиқлаганлик учун бож ва тўловларнинг тўлиқ тушиши устидан назорат солиқ органлари томонидан амалга оширилади.

2. Автомототранспорт воситаларининг олди-сотди шартномаларини биржалар томонидан расмийлаштирилиши, шунингдек уларни биржалар орқали сотиш тақиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси бир ой муддатда биржа

фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.А. Азизов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

### **Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 13 январь,  
12-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 13 январдаги 12-сон қарорига  
ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Автомобилтранспорт воситаларини харид қилиш-сотиш, алмаштириш ва ҳада этиш битимларини расмийлаштириш тартиби тўғрисида» 1991 йил 16 сентябрдаги 233-сон қароридан (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1991 й., 9-сон, 30-модда, 1994 й., 9-сон, 46-модда, 1997 й., 4-сон, 14-модда):

а) тўртинчи хатбошидаги «Давлат автомобиль назорати» ва «ДАН бошқармасининг» сўзлари «Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати» ва «ЙХХ бош бошқармасининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) бешинчи хатбошида «уларнинг вакилларидан, воситачи (дистрибьютор) ташкилотлардан, шунингдек, чакана савдо тармоқларидан, республика, вилоят, туманлараро, таъминот-савдо базаларидан ва ким ошди савдоларидан сотиб олинган автомобил-транспортни рўйхатга олиш давлат нотариал идорасида харид қилиш-сотиш шартномасини тасдиқламасдан Давлат автомобиль назорати органларида амалга оширилади» сўзлари «уларнинг вакилларидан, воситачи (дистрибьютор) ташкилотлардан, шунингдек, ким ошди савдоларидан сотиб олинган автомобил-транспортни рўйхатга олиш давлат нотариал идорасида харид қилиш-сотиш шартномасини тасдиқламасдан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларида амалга оширилади» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 28 сентябрдаги 489-сон қарори билан тасдиқланган Давлат автомобил-транспорт воситаларини жисмоний ва давлат тасарруфида бўлмаган юридий шахсларга сотиш тартибида:

а) 5-банднинг иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

б) 11-банднинг биринчи хатбошидан «танловлар ва биржа савдолари» сўзлари чиқариб ташлансин;

в) 14-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«14. Давлат мулки қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармаси томонидан берилган далолатнома ким ошди савдоси орқали сотилган автомобил-транспорт воситалари-

нинг Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларида расмийлаштириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ким ошди савдоларида сотилган давлат автомобилотранспорт воситаларининг олди-сотди битишуви нотариал расмийлаштирилмайди»;

г) 19-банддан «танлов ва биржа савдолари» сўзлари чиқариб ташлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Автомобилотранспорт воситаларини харид қилиш-сотиш, алмаштириш ва ҳада этиш битимларини расмийлаштириш тартиби тўғрисида» 1991 йил 16 сентябрдаги 233-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» 1994 йил 29 сентябрдаги 491-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 9-сон, 46-модда, 1997 й., 4-сон, 14-модда):

а) тўртинчи хатбошида «Давлат автомобиль назорати» ва «ДАН бошқармасининг» сўзлари «Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати» ва «ЙХХ бош бошқармасининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) бешинчи хатбошида «уларнинг вакилларидан, воситачи (дистрибьютор) ташкилотлардан, шунингдек, чакана савдо тармоқларидан, республика, вилоят, туманлараро, таъминот-савдо базаларидан ва ким ошди савдоларидан сотиб олинган автомобилотранспортни рўйхатга олиш давлат нотариал идорасида харид қилиш-сотиш шартномасини тасдиқламасдан Давлат автомобиль назорати органларида амалга оширилади» сўзлари «уларнинг вакилларидан, воситачи (дистрибьютор) ташкилотлардан, шунингдек, ким ошди савдоларидан сотиб олинган автомобилотранспортни рўйхатга олиш давлат нотариал идорасида харид қилиш-сотиш шартномасини тасдиқламасдан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларида амалга оширилади» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Автомобилотранспорт воситаларини сотиб олиш, улардан фойдаланиш ва уларни бошқа шахсларга беришни тартибга солиш тўғрисида» 2001 йил 28 августдаги 354-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 8-сон, 5-модда) 1-бандининг иккинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларида рўйхатдан ўтказилиши керак бўлган автомобилотранспорт воситаларининг олди-сотди шартномаларини расмийлаштириш фақат нотариуслар, шунингдек савдо қилиш ҳуқуқига тегишли рухсатномага эга бўлган ихтисослаштирилган савдо корхоналари (автомобилотранспорт ишлаб чиқарувчи корхоналар, уларнинг вакиллари ҳамда воситачи (дистрибьютор) ташкилотлар томонидан амалга оширилади. Автомобилотранспорт воситалари Давлат мулки қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорлари ижроси, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг ҳудудий бўлимлари суд ижрочиларининг туман (шаҳар) бўлинмалари суд ижрочилари томонидан белгиланган тартибда ким ошди савдолари орқали сотилиши мумкин».

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

**9** Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Стандартлаштириш, метрология ҳамда маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 3 октябрдаги 342-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. СУЛТОНОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 13 январь,  
14-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2002 йил 13 январдаги 14-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида стандартлаш ишларини ташкил этиш тўғрисида» 1992 йил 2 мартдаги 93-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1992 й., 3-сон, 4-модда):

кўрсатиб ўтилган қарор билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат стандартлаш тизимининг Асосий принципларининг 2-банди иккинчи, олтинчи ва еттинчи хатбошида ҳамда 5-бандининг иккинчи хатбошида «Ўзбекистон давлат стандартлаш, метрология ва сертификациялаш маркази», «Ўзбекистон давлат стандартлаш, метрология ва сертификациялаш марказида», «Ўзбекистон давлат стандартлаш, метрология ва сертификациялаш маркази томонидан» сўзлари «тегишли равишда «Ўзбекистон стандартлаш, метрология ва сертификациялаш агентлиги», «Ўзбекистон стандартлаш, метрология ва сертификациялаш агентлигида», «Ўзбекистон стандартлаш, метрология ва сертификациялаш агентлиги томонидан» сўзлари билан алмаштирилсин; 3-5 ва 11-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳридаги аҳолига автомобиль ёнилғисини нақд пулга сотувчи айрим автомобиль ёнилғиси қўйиш шахобчаларини эксперимент тариқасида хусусийлаштириш тўғрисида» 1994 йил 9 июндаги 290-сон қарорининг 12-бандида «Давлат солиқ қўмитаси (Гатаулин), Ички ишлар вазирлиги (Алматов), Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси (Ҳабибуллаев), «Ўздавстандарт» маркази (Асриянц)» сўзлари «Давлат солиқ қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, «Ўзстандарт» агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Сертификатлаштирили-

ши шарт бўлган маҳсулотлар рўйхатини, сертификатлаштиришни ўтказиш, хавфсизлигини тасдиқлаш талаб этиладиган товарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига келтириш ва уларни унинг ташқарисига чиқариш тартибини тасдиқлаш ҳақида» 1994 йил 12 августдаги 409-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 8-сон, 38-модда) 4-бандида ҳамда қарорга 2-илованинг 3, 5, 8, 14 ва 17-бандларида «Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш минтақавий марказларига», «Ўздавстандарт» маркази томонидан», «Ўздавстандарт» маркази», «Ўздавстандарт» марказининг сўзлари тегишли равишда «Ўзстандарт» агентлигининг ҳудудий органларига», «Ўзстандарт» агентлиги томонидан», «Ўзстандарт» агентлиги» ва «Ўзстандарт» агентлиги»нинг сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 1994 йил 12 августдаги 410-сон қарорида:

а) 1-бандда:

«б» кичик банднинг биринчи ва учинчи хатбошида «Ўздавстандарт» марказига» ва «Ўздавстандарт» маркази томонидан» сўзлари тегишли равишда «Ўзстандарт» агентлигига» ва «Ўзстандарт» агентлиги томонидан» сўзлари билан алмаштирилсин;

«г» кичик банднинг биринчи хатбошида «Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитасига» ва «Ўздавстандарт» маркази томонидан» сўзлари тегишли равишда «Фан ва технологиялар марказига» ва «Ўзстандарт» агентлиги томонидан» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) Ўзбекистон Республикасида стандартлар ва ўлчов воситалари устидан давлат назорати тўғрисидаги низомда (қарорга илова);

1-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошида, 2-банднинг ўнинчи, ўн тўртинчи ва ўн олтинчи хатбошларида «Ўздавстандарт» маркази», «Ўздавстандарт» марказининг», «Ўзстандарт» маркази томонидан» сўзлари тегишли равишда «Ўзстандарт» агентлиги», «Ўзстандарт» агентлигининг» ва «Ўзстандарт» агентлиги томонидан» сўзлари билан алмаштирилсин;

2-банднинг ўн биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзстандарт» агентлиги», «Давархитектқурилиш» қўмитаси, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва шаҳарлардаги ҳудудий органлари раҳбарлари лавозимларига кўра айни бир вақтда тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида стандартлар ва ўлчов воситалари устидан назорат қилиш бўйича бош давлат инспекторлари, уларнинг ўринбосарлари эса — тегишли ҳудудий бош инспекторларнинг ўринбосарлари ҳисобланади»;

4-банднинг еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«маҳсулотни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқаришга тайёрлаш, уни тайёрлаш, сотиш (етказиб бериш, сотиш), фойдаланиш, сақлаш, транспортда ташиш ва фойдали тарзда ишлатиш босқичларида стандартлар мажбурий талабларининг аниқланган бузилишларини бартараф этиш тўғрисида кўрсатмалар бериш».

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республиканинг аҳолига автомобиль бензинини нақд пулга сотувчи айрим автомобиль ёнилғиси қуйиш шахобчаларини хусусийлаштириш тўғрисида» 1995 йил 10 июндаги 215-сон қарорининг 8-бандида «Давлат солиқ қўмитаси (Гатаулин), Ички ишлар вазирлиги (Алматов), Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси (Ҳабибуллаев), «Ўздавстандарт» маркази (Асриянц)» сўзлари «Давлат солиқ қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, «Ўзстандарт» агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аҳолига нақд пулга авто-

мобиль ёнилғиси сотувчи республика автомобиль ёнилғиси қуйиш шаҳобчаларини хусусийлаштириш тўғрисида 1996 йил 20 мартдаги 107-сон қарорининг 6-бандида «Давлат солиқ қўмитаси (Гатаулин), Ички ишлар вазирлиги (Алматов), Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси (Ҳабибуллаев), «Ўздавстандарт» маркази (Асриянц)», «Ўзбекнефтгаз» корпорацияси (Зайнутдинов)» сўзлари «Давлат солиқ қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, «Ўзстандарт» агентлиги», «Ўзбекнефтгаз» миллий-холдинг компанияси» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Алкоголли маҳсулот ишлаб чиқаришга давлат монополиясини жорий этиш тўғрисида»ги Фармони бажаришга оид чора-тадбирлар ҳақида» 1997 йил 14 августдаги 398-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 8-сон, 28-модда)нинг 4-бандидаги «Ўздавстандарт» маркази» сўзлари «Ўзстандарт» агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тизими фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 1997 йил 19 сентябрдаги 446-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 9-сон, 32-модда)нинг 8-бандидаги «Молия вазирлиги ҳузуридаги Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, «Ўздавстандарт» маркази» сўзлари тегишли равишда «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, «Ўзстандарт» агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Контрактларни мустақил экспертиза қилиш ва импорт қилинадиган товарларни жўнатишдан олдин назоратдан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида» 1997 йил 3 декабрдаги 534-сон қарори 2-бандининг иккинчи хатбошидаги ҳамда қарорга 1-илованинг 2-бандидаги «Ўздавстандарт» марказида» сўзлари «Ўзстандарт» агентлигида» сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 2 июлдаги 275-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 7-сон, 23-модда) билан тасдиқланган Спирт ва алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқариш, идишларга қуйиш, сақлаш ва улгуржи сотишни ҳисобга олиш ҳамда назорат қилишга оид низомнинг 5, 9 ва 21-бандларидаги «Ўздавстандарт» марказида» ва «Ўздавстандарт» маркази томонидан» сўзлари «Ўзстандарт» агентлигида» ва «Ўзстандарт» агентлиги томонидан» сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 январдаги 2-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 1-сон, 2-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида корхоналарга, шу жумладан хорижий сармоя иштирокидаги корхоналарга озиқ-овқат спирти ва алкоголли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳуқуқини берувчи махсус рухсатномалар (лицензиялар) бериш Тартибининг 9-бандидаги ҳамда Тартибга 1-илованинг 5, 6 ва 7-бандларидаги «Ўздавстандарт» маркази» «Ўзстандарт» агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Уй-жой фондини сув ва газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлаш, уларни Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқаришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 1 июндаги 280-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 6-сон, 30-модда)нинг 7 ва 8-бандларидаги «Ўздавстандарт» маркази билан» ва «Ўздавстандарт» марказига» сўзлари тегишли равишда «Ўзстандарт» агентлиги билан» ва «Ўзстандарт» агентлигида» сўзлари билан алмаштирилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «ЎзКамминзМотор» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасини ташкил этиш тўғрисида» 1999 йил 3 сен-

тябрдаги 413-сон қарорининг 9-бандидаги «Ўздавстандарт» маркази» сўзлари «Ўзстандарт» агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарларга штрихли кодлашни жорий этиш тўғрисида» 1999 йил 21 сентябрдаги 438-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 9-сон, 56-модда) 3-бандининг биринчи хатбошидаги ҳамда қарорга илованинг 1 ва 3-бандларидаги «Ўздавстандарт» марказига» ва «Ўздавстандарт» маркази», «Ўздавстандарт» марказига» сўзлари тегишли равишда «Ўзстандарт» агентлигига» ва «Ўзстандарт» агентлиги», «Ўзстандарт» агентлигига» сўзлари билан алмаштирилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Спирт, алкоғолли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотишни давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 23 сентябрдаги 444-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 9-сон, 58-модда) 7-бандининг иккинчи хатбошидаги «Ўздавстандарт» марказининг» сўзлари «Ўзстандарт» агентлигининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Алкоғолли маҳсулотлар сифати бўйича давлат инспекцияси фаолияти масалалари тўғрисида» 2000 йил 17 январдаги 13-сон қарорида:

1 ва 2-бандлардаги «Ўзбекистон давлат стандартлаш, метрология ва сертификация маркази» сўзлари «Ўзбекистон стандартлаш, метрология ва сертификация агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

қарорга 1-иловада:

илованинг номидаги, 1, 3 ва 6-бандлардаги, 9-банднинг тўртинчи хатбошидаги, 11-банднинг олтинчи ва ўнинчи хатбошидаги «Ўзбекистон давлат стандартлаш, метрология ва сертификация маркази», «Ўздавстандарт» марказига» ва «Ўздавстандарт» маркази» сўзлари тегишли равишда «Ўзбекистон стандартлаш, метрология ва сертификация агентлиги», «Ўзстандарт» агентлигига» ва «Ўзстандарт агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

9-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мусодара қилинган спирт ва алкоғолли маҳсулотлар сифати тўғрисида хулосалар беришади».

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Экологик хавфли маҳсулотлар ва чиқиндиларни Ўзбекистон Республикасига олиб киришни ва уларни унинг ҳудудидан олиб чиқишни тартибга солиш тўғрисида» 2000 йил 19 апрелдаги 151-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 4-сон, 21-модда)нинг 4-бандидаги ҳамда қарорга 2-илованинг 4-бандидаги, 9-бандининг учинчи хатбошидаги, 11-бандидаги «Ўздавстандарт» маркази» ва «Ўздавстандарт» маркази томонидан» сўзлари тегишли равишда «Ўзстандарт» агентлиги ва «Ўзстандарт» агентлиги томонидан» сўзлари билан алмаштирилсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорлар фаолиятини такомиллаштириш ва маҳсулотлар сотиш учун зарур шарт-шароитлар яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2000 йил 22 июндаги 239-сон қарори 7-бандининг биринчи хатбошидаги «Ўздавстандарт» маркази» сўзлари «Ўзстандарт» агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Электр энергияси учун олдиндан ҳақ тўлаш тизимига эга бўлган электр энергияси электрон ҳисоблагичлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 29 июндаги 248-сон қарорининг 7-бандидаги «Ўздавстандарт» маркази» сўзлари «Ўзстандарт» агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.



20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Меҳнатни муҳофаза қилишга доир меъерий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш тўғрисида» 2000 йил 12 июлдаги 267-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 7-сон, 39-модда)нинг 2-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон давлат стандартлаш, метрология ва сертификация маркази» сўзлари «Ўзстандарт» агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзкўргазмасавдо» доимий ишловчи республика ярмарка савдоси марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 5 сентябрдаги 340-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 9-сон, 56-модда)нинг 12-бандидаги «Ўздавстандарт» маркази Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги» сўзлари «Ўзстандарт» агентлиги Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2005 йилгача бўлган даврда маҳаллий хом ашё негизда буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида» 2000 йил 5 сентябрдаги 342-сон қарорининг 5-бандидаги «Ўздавстандарт» маркази» сўзлари «Ўзстандарт» агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 мартдаги 99-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 3-сон, 18-модда) билан тасдиқланган Газни ҳисобга олиш приборларини сотиб олиш, уларни квартираларда ва яқка тартибдаги уйларда ўрнатиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида низомнинг 4, 9 ва 15-бандларидаги ҳамда низомга иловадаги «Ўздавстандарт» маркази» сўзлари «Ўзстандарт» агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **10 Оммавий тадбирларни ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида оммавий тадбирлар ўтказилиши пайтида жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва тартибни муҳофаза қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Оммавий тадбирларни ўтказиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ой муддатда:

оммавий тадбирлар ўтказишга мўлжалланган объектлар рўйхатини ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар;

оммавий тадбирларни ўтказиш қоидаларига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) ҳокимларининг тегишли ўринбосарлари бошчилигида оммавий тадбирлар ўтказилишини назорат қилиш комиссиялари ташкил этсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Адлия вазирлиги, Бош прокуратура ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига Оммавий тадбирларни ўтказиш қоидаларини буз-

ганлик учун жавобгарлик белгиланишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида таклифлар киритсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Х.С. Кароматов зиммасига юклансин.

### **Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. СУЛТОНОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 13 январь,  
15-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2002 йил 13 январдаги 15-сон қарорига  
ИЛОВА

## **Оммавий тадбирларни ўтказиш ҚОИДАЛАРИ**

### **I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасида оммавий тадбирларни ўтказиш пайтида жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва тартибни муҳофаза қилишга қаратилган ҳамда оммавий тадбирлар ўтказиш тартибини ва улар қатнашчилари муносабатларини тартибга солади.

2. Мазкур Қоидалар мақсадлари учун кўнгилочар, театр-томоша, концерт, спорт, реклама дастурлари ва бошқа дам олиш дастурларини, шунингдек камида 100 киши иштирокида умумхалқ, диний, профессионал байрамларни ўтказиш мақсадида юридик ва жисмоний шахслар томонидан очиқ ва ёпиқ иншоотларда, майдонларда, биноларда ва бошқа жойларда ташкил этиладиган кишиларни тўплаш оммавий тадбир деб эътироф этилади.

3. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, юридик ва жисмоний шахслар оммавий тадбирларни ўтказиш ташкилотчилари бўлишлари мумкин.

4. Қўйидагилар: ташкилотчилар, артистлар, спортчилар ва дастурда назарда тутилган томошали чиқишларни (ҳаракатларни) бевосита амалга оширувчи бошқа шахслар ҳамда томошабинлар оммавий тадбирлар қатнашчилари ҳисобланади.

5. Оммавий тадбирлар рўйхати Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан белгиланадиган бундай мақсадлар учун махсус мўлжалланган жойларда, тегишли рухсатнома олингандан кейин ўтказилади.

6. Оммавий тадбирларни ўтказишга рухсатнома: республика (Қорақалпоғистон Республикаси учун) аҳамиятига эга бўлган оммавий тадбирларни ўтказишга — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши; вилоят ва шаҳар (Тошкент шаҳри учун) аҳамиятига эга бўлган тадбирларни ўтказиш учун — вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари; туман (шаҳар) аҳамиятига эга бўлган оммавий тадбирларни ўтказишга — туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари томонидан берилади.

Халқаро ва умумдавлат аҳамиятига эга бўлган оммавий тадбирларни ўтказишга рухсатнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан берилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ ташкил этиладиган оммавий тадбирларни ўтказишга рухсатнома олиш талаб этилмайди.

7. Оммавий тадбирларни ўтказишга рухсатнома бериш масалаларини кўриб чиқиш ва улар устидан назоратни амалга ошириш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари ҳузурида оммавий тадбирлар ўтказилишини назорат қилувчи комиссиялар ташкил этилади (кейинги ўринларда матнда «Комиссиялар» деб юритилади). Комиссияларга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар ҳокимларининг тегишли ўринбосарлари бошчилик қилади. Комиссиялар таркибига Ички ишлар, Миллий хавфсизлик хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳудудий органлари ва бошқа манфаатдор муассасалар ва ташкилотларнинг вакиллари киради.

Комиссияларнинг шахсий таркиби Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, тегишли ҳокимлар томонидан тасдиқланади.

8. Оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат тартиби муҳофаза қилинишини ва хавфсизликни таъминлаш ички ишлар органлари томонидан бюджет маблағлари, шунингдек хайрия ва диний мақсадларда ўтказилаётган тадбирлар ҳисобига пуллишартнома асосида амалга оширилади, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан ташкил этилаётган оммавий тадбирлар бундан мустасно.

## II. Оммавий тадбирларни ўтказишга рухсатнома бериш

9. Оммавий тадбирларни ўтказишга рухсатнома олиш учун ташкилотчилар оммавий тадбир ўтказишнинг мўлжалланган санасидан камида бир ой олдин тегишли комиссияларга ариза билан мурожаат этадилар.

Аризада:

а) юридик шахснинг номи ва манзили, ваколатли шахснинг лавозими кўрсатилган ҳолда фамилияси, исми, отасининг исми ёки ташкилотчи-жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи;

б) камида иккита мулоқот телефони рақами;

в) тадбирнинг номи, мақсади ва шакли;

г) тадбир ўтказиладиган сана, жой;

д) тадбир бошланиши ва тамом бўлиши вақти;

е) қатнашчиларнинг мўлжалланаётган сони;

ж) ташкилотчиларнинг тадбир қатнашчилари хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини кўриш юзасидан мажбурияти;

з) ариза берилган сана, ташкилотчиларнинг имзолари кўрсатилади.

10. Ариза билан бир вақтда:

а) фойдаланиладиган техник воситалар кўрсатилган ҳолда тадбирлар дастури (сахна майдончаси, овозни кучайтириш, электр манбаи, чироқлар билан безаш, тозалаш воситалари ва бошқалар);

б) объектнинг тадбирни ўтказишга тайёрлиги тўғрисида иншоот маъмуриятининг маълумотномаси;

в) агар оммавий тадбирни ўтказиш фаолиятнинг лицензияланадиган турларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган тақдирда фаолиятнинг айрим турларини амалга оширишга лицензия тақдим этилади.

11. Тадбир ўтказиш тўғрисида тақдим этилган ҳужжатлар комиссия томонидан 10 кун мобайнида кўриб чиқилади. Комиссия кўриб чиқиш натижалари бўйича оммавий тадбир ўтказилишига рухсат бериш ёхуд сабабларини кўрсатган ҳолда рухсат

беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Комиссия қарорининг нусхаси ташкилотчиларга қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир кун мобайнида юборилади.

12. Оммавий тадбир ўтказилишига рухсат бериш рад этилганлиги тўғрисида қарор чиқарилган тақдирда ташкилотчилар рад этишга сабаб бўлган камчиликлар бартараф этилгандан кейин рухсат бериш тўғрисидаги ариза билан такроран мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

Комиссиянинг рухсат беришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан юқори турувчи органларга ёхуд судга шикоят қилиниши мумкин.

13. Оммавий тадбир ўтказилишига рухсат олингандан кейин ташкилотчи олдиндан, бироқ тадбир бошланишидан 10 кундан кечикмай, ички ишлар ҳудудий органларини ёзма равишда хабардор қилиши ҳамда жамоат тартиби муҳофаза қилиниши ва хавфсизлик таъминланиши тўғрисида шартнома тузиши зарур. Билдиришномага жамоат тартибини муҳофаза қилиш ва хавфсизликни таъминлаш учун ажратиладиган маблағлар кўрсатилган ҳолда рухсатнома, тадбирларни ўтказиш дастури илова қилинади.

Оммавий тадбир ўтказишда жамоат тартибини муҳофаза қилиш ва хавфсизликни таъминлаш бўйича ички ишлар ҳудудий органларининг хизматлари ҳақи томонларнинг келишувига кўра белгиланади. Жамоат тартибини муҳофаза қилиш ва хавфсизликни амалга оширувчи шахсий таркиб хизмат учун зарур бўлган махсус ва техник воситалар билан ички ишлар ҳудудий органлари томонидан таъминланади.

14. Оммавий тадбир ўтказиш ҳуқуқини берувчи рухсатномани олиш ҳамда жамоат тартиби муҳофазаси ва хавфсизлик таъминланиши тўғрисида шартнома тузилиши оммавий тадбир ўтказилиши учун асос ҳисобланади.

### **III. Оммавий тадбирлар ўтказилишига қўйиладиган талаблар**

15. Ташкилотчилар ички ишлар ҳудудий органлари билан биргаликда комиссияларга тасдиқлаш учун ишчи гуруҳлар таркибини киритадилар. Ишчи гуруҳларга тадбирларни ўтказиш жойининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тегишли мутахассислар, ташкилотчилар, объектлар маъмуриятлари, ички ишлар ҳудудий органлари ва бошқа манфаатдор идораларнинг вакиллари киритилади.

Ишчи гуруҳлар тадбирнинг хусусиятига, об-ҳаво шароитларига ҳамда қатнашчилар ва томошабинларнинг хавфсизлиги таъминланишига таъсир қилувчи бошқа омилларга боғлиқ равишда тадбир ўтказилиши бошланишидан камида 2 кеча-кундуз олдин объектни текшириб чиқадилар, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўрадилар, мўлжалланган тадбир ўтказилиши мумкинлиги тўғрисидаги хулосани расмийлаштирадилар.

Оммавий тадбир ўтказилишини, жамоат тартиби, томошабинлар ва қатнашчиларнинг хавфсизлиги муҳофазаси таъминланишини мураккаблаштирувчи ҳамда тадбир бошлангунга қадар бартараф этиш мумкин бўлмаган ҳолатлар аниқланган тақдирда ишчи гуруҳлар комиссияга мазкур тадбирни ўтказишни кейинроқ муддатга қолдириш, уни томошабинларсиз ўтказиш ёхуд оммавий тадбирни бекор қилиш тўғрисида таклифлар киритадилар. Комиссия оммавий тадбир ташкилотчилари ва объект маъмурияти вакиллари иштирокида оммавий тадбир ўтказилишигача ўттиз олти соатдан кечикмай тегишли қарор қабул қилади.

Мазкур тадбирни ўтказиш кейинроқ муддатга қолдирилиши, уни томошабинларсиз ўтказиш ёхуд оммавий тадбир бекор қилиниши тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда комиссия, оммавий тадбир ташкилотчилари, ички ишлар ҳудудий органлари оммавий тадбир бошланишидан камида бир кеча-кундуз олдин томошабинлар ва бошқа

қатнашчилар қабул қилинган қарордан, оммавий тадбир ўтказишнинг янги муддатларидан, чипталар қиймати ва томошабинларнинг бошқа харажатлари қайтарилиши шартларидан хабардор қилинишини таъминлайдилар. Оммавий тадбир ўтказиладиган жойларда кўзга кўринарли ва қулай жойларда оммавий тадбир ўтказилиши кейинроқ муддатга қолдирилганлиги, у томошабинларсиз ўтказилиши ёхуд оммавий тадбир бекор қилиниши тўғрисидаги ахборот жойлаштирилиши керак.

16. Йирик оммавий тадбирларни (спартакиадалар, халқаро мусобақаларни) тайёрлаш ва ўтказишда тегишли муассасалар ва хизматларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш учун ташкилий қўмиталар ташкил этилади, тадбирга келувчилар учун хавфсиз шароитларни, жамоат тартибини бузиш ҳолатлари намоён бўлиши профилактикасини, ёнғин хавфсизлигини, тиббий таъминотни таъминловчи, тадбирлар ўтказиладиган жойлар тўлдирилиши ва томошабинлар эвакуация қилиниши тартибини, фавқулодда ҳолатлар юз берган тақдирда хизматларнинг вазифаларини назарда тутувчи оммавий тадбирларни тайёрлаш ва ўтказишнинг аниқ режалари ишлаб чиқилади.

17. Оммавий тадбирлар ўтказилишини режалаштиришда уларнинг ташкилотчилари томонидан тадбир тамом бўлгандан кейин унинг қатнашчилари томонидан жамоат транспортдан фойдаланиш имконияти албатта кўриб чиқилади.

18. Оммавий тадбир тадбир дастурига мувофиқ ўтказилади.

19. Оммавий тадбирларни ўтказишда иншоотларда тадбирлар ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминловчи хизматларнинг функционал вазифаларини тартибга солувчи ҳужжатлар, шу жумладан қуйидаги ҳужжатлар мавжуд бўлиши мажбурий ҳисобланади:

а) техник фойдаланиш қоидаларига риоя этилишини тартибга солувчи (муҳандислик, қурилиш конструкциялари ва техник тизимларнинг ишончилиги ва барқарорлиги) ҳужжатлар, томошабинларни эвакуация қилиш йўлларининг белгиланган нормативларга мувофиқлиги, ёнғин хавфсизлиги таъминланиши, тадбирларни ўтказишнинг спорт-технология шарт-шароитлари:

техник хизматларнинг барча турлари учун техника хавфсизлиги бўйича йўриқномалар;

ходимлар учун лавозим йўриқномалари;

б) оммавий тадбирлар ўтказишда иншоотдан фойдаланишнинг умумий тартибини тартибга солувчи ҳужжатлар:

маҳаллий шарт-шароитлар ва хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда тегишли ҳокимлик томонидан тасдиқланган оммавий тадбирлар ташкил этилиши ва ўтказилиши тартибини тартибга солувчи йўриқномалар;

томошабинларнинг иншоот ҳудуди бўйлаб ҳаракатини ташкил этиш, трибуналарни тўлдириш ва эвакуация қилиш йўллари, чипта кассалари, овқатланиш пунктлари, гардероблар, дам олиш, тиббий ёрдам кўрсатиш жойлари, ёнғинга қарши инвентар ва асбоб-ускуналар мавжудлиги ва уларнинг жойлашиши схемалари;

иншоотга келувчиларнинг ўзини тутиш қоидалари;

в) навбатдаги (бир типли туркумдаги) оммавий тадбирни ўтказиш қоидаларини тартибга солувчи ҳужжатлар:

тадбирни ўтказувчи ташкилот томонидан тасдиқланган тадбирларни ўтказиш қоидалари;

иншоотнинг, унинг барча хизматларининг тадбирни ўтказишга тайёрлиги тўғрисида иншоот раҳбари томонидан тасдиқланган далолатнома;

ишчи комиссия аъзолари (иншоот раҳбари, ички ишлар ҳудудий органлари, миллий хавфсизлик хизмати вакиллари, ташкилотчининг вакиллари) томонидан имзоланадиган объектнинг шошилиш-техник текшириб чиқилганлиги тўғрисидаги баённома;

тадбирлар ўтказиладиган жойга олиб кириш тақиқланган буюмлар, ашёлар рўйхати.

20. Оммавий тадбирларни ўтказиш вақтида объектларда ва унга туташиб кетган хуудларда спиртли ичимликлар, пиротехника буюмлари, уй шароитида тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилиш, шунингдек шиша идишдаги чанқовбосди ичимликларни сотиш тақиқланади.

#### **IV. Оммавий тадбирлар қатнашчиларининг жамоат тартибини муҳофаза қилиш ва хавфсизлигини таъминлашга доир мажбуриятлари ва ҳуқуқлари**

21. Оммавий тадбирлар ташкилотчиларининг мажбуриятлари:

оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат тартибини муҳофаза қилиш ва хавфсизликни таъминлаш масалалари бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва объектнинг маъмурияти билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

оммавий тадбирлар ўтказиладиган жойни танлашда жамоат тартиби муҳофаза қилиниши ва хавфсизлик таъминланиши шарт-шароитларининг мавжудлигини ҳисобга олиш;

оммавий тадбирларни ўтказиш вақтини танлашда томошабинлар ва тадбирларнинг бошқа қатнашчилари томонидан жамоат транспортдан фойдаланиш имкониятлари, ёнғин хавфсизлиги, тез тиббий ёрдам ва бошқа махсус хизматлар автомашиналари учун кириш жойлари мавжудлигини ҳисобга олиш;

оммавий тадбирда иштирок этувчи давлат бошқарув органлари ва ҳарбийлаштирилган тузилмалар раҳбарларини, фахрий меҳмонларни кутиб олиш ва кузатиб кўйиш жойларида шарт-шароитларни таъминлаш ва барпо этиш масаласини ички ишлар ҳудудий органлари ва Миллий хавфсизлик хизмати билан келишиш;

объект маъмурияти билан биргаликда объектдаги ўринлар сонини ҳамда тартиб ва хавфсизлик таъминланишига таъсир кўрсатувчи бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда тадбирлар қатнашчилари сонини аниқлаш;

ички ишлар ҳудудий органлари ва миллий хавфсизлик хизмати билан келишган ҳолда уларнинг ходимларини жойлаштириш учун томошабинлар ўтирадиган жойларнинг турли жойларида ўринларнинг зарур сонини ажратиш (ҳар бир секторда камида 10 ўрин, стадионларда эса — ҳар бир қаторда камида битта ўрин);

чипта (таклифнома)ларнинг орқа томонида объектга олиб кириш тақиқланган буюмлар ва ашёлар рўйхати тўғрисида ахборот ҳамда тадбирлар ўтказиладиган жойларда металл бўйича детектор назорати тўғрисидаги билдиришнома мавжуд бўлишини таъминлаш;

оммавий тадбирларни тайёрлашда, уларни ўтказишда жамоат тартибини муҳофаза қилиш ва хавфсизлик таъминланиши бўйича ички ишлар органларининг харажатларини қоплаш учун зарур бўлган пул маблағлари ажратишни назарда тутиш;

оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат тартиби муҳофазаси ва хавфсизлик таъминланиши юзасидан ички ишлар органлари билан шартномалар тузиш ҳамда уларга мувофиқ пул маблағлари ажратиш;

мазкур Қоидаларга мувофиқ оммавий тадбирларни ўтказиш пайтида жамоат тартиби муҳофаза қилиниши ва хавфсизлик таъминланиши масалалари бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакилларининг талабларини бажариш;

белгиланган ҳолларда тадбирларни фото, аудио, видео суратга олиш ва кинога олиш тақиқланиши тўғрисида тадбир қатнашчиларини олдиндан хабардор қилиш.

22. Оммавий тадбирлар ташкилотчиларининг ҳуқуқлари:

оммавий тадбирлар қатнашчиларидан мазкур Қоидаларга қатъи риоя қилинишини талаб этиш;

ички ишлар ҳудудий органларидан тадбирларни ўтказиш пайтида объектда жамоат тартиби муҳофазаси ва хавфсизлик таъминланиши учун шартнома шартларига мувофиқ кучлар ва техник воситалар ажратилишини талаб этиш.

23. Артистлар, спортчилар ва дастурда назарда тутилган томошали чиқишлар (ҳаракатлар)ни бевосита амалга оширувчи бошқа шахсларнинг вазифалари:

дастурга мувофиқ чиқиш (ҳаракат) тартибига риоя қилиш;

ташкilotчиларнинг вакиллари билан келишмасдан дастурда назарда тутилмаган ҳаракатларни амалга оширмаслик;

жамоат тартиби хавфсизлигига таҳдид солувчи ҳолатлар юзага келган тақдирда ташкilotчиларнинг, маъмуриятнинг ёки ички ишлар органларининг биринчи талаби билан чиқишни тўхтатиш;

томошабинларда агрессив ҳис-туйғулар қўзғатувчи хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик.

24. Артистлар, спортчилар ва дастурда назарда тутилган томошали чиқишлар (ҳаракатлар)ни бевосита амалга оширувчи бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари:

томоша пайтида ҳуқуқ-тартиботни таъминлаётган ички ишлар органларидан шахсий хавфсизлик таъминланишини, шунингдек нормал чиқишга тўсқинлик қилувчи томошабинларнинг ҳулқ-атвори билан боғлиқ ҳолатлар бартараф этилишини талаб қилиш;

тадбир объекти маъмуриятдан чиқишга тайёргарлик қўриш учун шарт-шароитлар яратилишини талаб қилиш.

25. Томошабинларнинг мажбуриятлари:

жамоат тартибига ва ҳулқ-атворнинг ижтимоий нормаларига риоя қилиш;

иншоотнинг жиҳозларига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш;

тадбирлар ўтказиладиган жойда бўлиш тартибига риоя қилиш;

мазкур Қоидалар талабларига, ёнғин хавфсизлигига риоя қилиш бўйича ташкilotчилар (маъмуриятнинг вакиллари) ва ҳуқуқ-тартибот органларининг талабларини бажариш.

26. Томошабинларнинг ҳуқуқлари:

иншоот ҳудуди ва трибунага чипталар ёки кириш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар бўйича кириш ҳамда уларда кўрсатилган жойни эгаллаш;

тадбирлар ўтказиладиган объектда жойлашган буюм сақлаш жойлари, гардероблар, емакхоналар, кафе, маълумотлар бюроси, телефонлар, дўкончалар ва бошқалардан белгиланган тартибда фойдаланиш.

#### **V. Оммавий тадбирларни ўтказиш пайтида жамоат тартибини ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича объектлар маъмуриятининг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари**

27. Оммавий тадбир ўтказиладиган объект маъмуриятининг мажбуриятлари:

объектдаги барча муҳандислик тизимлари ва ёритиш тизимлари узлуксиз ишлашини, бинолар ва иншоотлар конструкциялари ишончилигини, трибуналар, қатнашчиларни эвакуация қилиш йўллари тайёрлигини, ёнғин ўчириш воситалари мавжудлигини, объект ходимларининг фавқулодда вазиятлар келиб чиққан тақдирда уларнинг хатти-ҳаракатларини тартибга солувчи хизмат йўриқномаларини билишини таъминлаш;

оммавий тадбир ташкilotчисига тадбир томошабинлари ва қатнашчилари учун мўлжалланган ўринлар сони тўғрисида ёзма ахборот бериш, объектдаги ўринлар сонига мувофиқ чипталар сотилиши ва таклифномалар тарқатилишини таъминлаш;

объектнинг санитария талабларига мувофиқлигини, объект ичи ва унга тутатиб кетган ҳудуд зарур даражада ёритилишини таъминлаш;

кўзга кўринарли жойларга хавфсизлик белгилари, кўрсаткичлар, хулқ-атвор қоидалари, схемалар, режалар ва эвакуация бўйича йўриқномалар, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини жойлаштириш;

ички ишлар органларига оммавий тадбир ўтказилишидан бир кеча-кундуз олдин тарқатилган чипталар ва таклифномалар сони, томошабинлар ва бўлажак тадбирлар қатнашчиларининг мўлжалланаётган сони тўғрисида ахборот бериш;

электр манбаининг авария (автоном) манбаи (дизель агрегати ёки бошқа воситалар), мазкур тизимдан фойдаланишга доир йўриқномалар мавжуд бўлишини таъминлаш, масъул навбатчини тайинлаш;

тадбир бошлангунга қадар объектнинг маҳаллий радиотрансляция (овозни кучайтиргич) тармоғи орқали объект ичида томошабинлар ва қатнашчиларнинг ўзини тутиш қоидалари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари эълон қилинишини ташкил этиш;

иншоот маъмуриятининг энг тайёргарлик кўрган ходимларининг кучи билан объектга киришда назорат-ўтказиш режимини таъминлаш, қатнашчилар ва томошабинларни майдон ва трибуналарда чипталар ва махсус рухсатномаларга мувофиқ жойлаштириш;

тадбир қатнашчиларининг транспорт воситалари учун, қоидага кўра, объектдан камида 100 метр наридаги масофада тўхташ жойлари ташкил этиш;

мазкур Қоидаларга мувофиқ оммавий тадбирларни ўтказиш пайтида жамоат тартиби муҳофаза қилиниши ва хавфсизлик таъминланиши масалалари бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакилларининг талабларини сўзсиз бажариш.

28. Оммавий тадбирлар ўтказиладиган объектлар маъмуриятининг ҳуқуқлари:

оммавий тадбирлар ташкилотчиларидан тадбирлар дастурлари ўз вақтида тақдим қилинишини талаб қилиш;

томошабинлар ва тадбир қатнашчиларига хулқ-атвор нормаларига ва мазкур Қоидаларнинг талабларига риоя қилиш мажбуриятини юклаш.

## **VI. Оммавий тадбирларни ўтказиш чоғида ички ишлар органларининг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари**

29. Оммавий тадбирларни ўтказиш чоғида ички ишлар органларининг мажбуриятлари:

оммавий тадбирлар ҳажми, хусусияти ва унинг қатнашчилар сонини ҳисобга олган ҳолда жамоат тартиби муҳофаза қилиниши ва хавфсизлик таъминланиши учун етарли бўлган зарур кучлар ва техник воситаларни жалб этиш;

жамоат тартибини муҳофаза қилиш чоғида миллий хавфсизлик хизматлари билан ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш, оммавий тадбирлар ўтказиш даврида йўл хавфсизлиги ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш;

чипталар сотиш чоғида кассаларда ва объектга тутшиб кетган ҳудудда жамоат тартиби муҳофаза қилинишини таъминлаш;

оммавий тадбирлар ташкилотчилари ва объектлар маъмурияти билан биргаликда томошабинлар ва қатнашчиларнинг тадбирлар ўтказиладиган жойга хавфсиз ўтишларини таъминлаш;

маст ҳолатдаги ёки гиёҳванд моддалар таъсири остидаги шахсларнинг оммавий тадбирлар ўтказиладиган объектларга ўтишига, шунингдек иншоотларда ва уларга яқин жойларда спиртли ичимликлар ичилишига йўл қўймасликда иншоотлар маъмуриятига қўмаклашиш;

томошабинларнинг уюшиб ўтишлари ва уларни минбарларга, бунинг учун ажратилган бошқа жойларга жойлаштиришда объектлар маъмуриятига қўмаклашиш;



трибуналар, секторларда ва туташиб кетган ҳудудда жамоат тартибини муҳофаза қилиш ва хавфсизлик ишларини ташкил этиш, объектга келувчиларнинг хулқ-атворининг белгиланган қоидаларга риоя этишлари устидан назорат қилиш;

жамоат тартибини ва маъмурият томонидан белгиланган хулқ-атвор қоидаларини бузувчи шахсларни жавобгарликка тортиш;

эвакуация йўллари ва ёнғин хавфсизлигининг ҳолати устидан назорат қилиш;

спорт жамоалари ва ижодий жамоаларга, шу жумладан театр-томоша ва спорт муассасаларининг бошқа ходимларига оммавий тадбирлар ўтказиш чоғида пайдо бўладиган ноодатий вазиятлар шароитларида ўзини тутиш қоидалари бўйича, шунингдек томошабинларнинг агрессив ҳис-туйғуларини қўзғатувчи хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик тўғрисида йўл-йўриқлар бериш;

оммавий тадбирлар тамом бўлгач, зарурат бўлганда эса уларни ўтказиш даврида (ёнғин, табиий офатлар, фавқулодда вазиятлар ва бошқалар келиб чиққан тақдирда) Миллий хавфсизлик хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг тегишли хизматлари ва объектлар маъмурияти билан биргаликда томошабинлар ва тадбирлар қатнашчиларини трибуналар, секторлар ва уларга туташиб кетган ҳудудлардан эвакуация қилиш жараёнини ташкил этиш ва бошқариш, шунингдек уларнинг жамоат транспортда жўнаб кетишларини ташкил этиш.

30. Оммавий тадбирлар ўтказиш чоғида ички ишлар органларининг ҳуқуқлари:

тадбирларни ўтказиш чоғида жамоат тартибини муҳофаза қилиш ва хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш юзасидан оммавий тадбирларни ўтказиш ташкилотчилари билан шартномалар тузиш;

тадбир ўтказиладиган жойга одамлар хавфсизлигига таҳдид қилувчи буюмлар ва ашёлар олиб кирилишига йўл қўймаслик мақсадида қатнашчилар, шу жумладан махсус техник воситалар қўлланилган ҳолда, кўздан кечирилишини амалга ошириш;

оммавий тадбирлар ташкилотчиларидан, иншоотлар ва тадбирлар ўтказиладиган бошқа объектлар маъмуриятдан:

иншоотдаги ўринлар сонидан ёки томошабинлар ва тадбир қатнашчилари учун тайёрланган жойлардан ортиқча чипталар сотмасликни ва махсус рухсатномалар тарқатмасликни;

ўтиш жойлари ва эвакуация йўллари ҳар хил буюмлар билан тўсиб қўйилмаслигини;

иншоот ичида ва унга туташиб кетган ҳудудда спиртли ичимликлар билан савдо қилиш тақиқланишини талаб қилиш;

объектлар маъмуриятига объектга келувчилар, айниқса ёшлар ва ўсмирлар билан қатнашчилар ва томошабинларнинг ўзини тутиш қоидаларига риоя этишлари бўйича кўргазмалар ташвиқот, маҳаллий ретрансляция тармоғи ва бошқа воситалардан фойдаланган ҳолда вақти-вақти билан тушунтириш ишлари олиб бориш мажбуриятини юклаш;

ёнғин хавфсизлиги талаблари бажарилишини;

иншоотлар маъмуриятининг энг тайёргарлик кўрган ходимларининг қучлари билан назорат-ўтказиш режими ташкил этилишини, қатнашчилар ва томошабинлар улар томонидан сотиб олинган чипталар, махсус рухсатномалар ва таклифномаларга мувофиқ трибуналар ва секторларга жойлаштирилишини ташкил этишини талаб этиш.

## VII. Яқуний қоидалар

31. Бир йилда камида бир марта ички ишлар ҳудудий органлари томонидан тегишли мутахассислар жалб этилган ҳолда фойдаланиш ишончилигини ва қурилиш

конструкциялари чидамлилигини, эвакуация йўлларининг нормативларга мувофиқлигини аниқлаш, шунингдек ёнғин хавфсизлиги чораларини белгилаш мақсадида оммавий тадбирлар ўтказиш учун фойдаланиладиган томошалар ўтказиладиган иншоотларнинг техник текшируви ўтказилади. Текшириш натижалари бўйича далолатнома тузилади. Далолатнома аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан чоратадбирлар кўриш учун комиссияга юборилади.

32. Мазкур Қоидалар бузилишида айбдор бўлган шахслар амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **11 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш ва айримларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ташқи иқтисодий фаолият соҳасида бошқарув тизимини янада эркинлаштириш ва такомиллаштириш тўғрисида» 2002 йил 21 октябрдаги ПФ–3151-сон Фармони ва Ҳукуматининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2002 йил 23 октябрдаги 368-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. СУЛТОНОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 14 январь,  
17-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 14 январдаги 17-сон қарорига  
1-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республика йўл жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» 1993 йил 5 июлдаги 334-сон қарорига 1-иловада: 18-банднинг иккинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазириликнинг ташқи савдо бирлашмалари» сўзлари «Ўзбекистон Респуб-

ликаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигига қарашли бўлинмалар, «Ўзмарказимпэкс» давлат ташқи савдо компанияси, «Ўзсаноатмашимпэкс» давлат ташқи савдо компанияси, «Марказсаноатэкспорт» давлат ташқи савдо компанияси, «Ўзинтеримпэкс» давлат ташқи савдо компанияси, «Ўзташқитранс» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўрта Осиё Транс» халқаро автотранспортда юк ташиш давлат-акциядорлик компанияси» сўзлари билан алмаштирилсин;

26-банд қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигига қарашли бўлинмалар, «Ўзмарказимпэкс» давлат ташқи савдо компанияси, «Ўзсаноатмашимпэкс» давлат ташқи савдо компанияси, «Марказсаноатэкспорт» давлат ташқи савдо компанияси, «Ўзинтеримпэкс» давлат ташқи савдо компанияси, «Ўзташқитранс» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўрта Осиё Транс» халқаро автотранспортда юк ташиш давлат-акциядорлик компанияси».

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий валютадаги давлат божлари, йиғимлар ҳамда солиқ бўлмаган бошқа тўловлар ставкалари тўғрисида» 1993 йил 19 августдаги 423-сон қарорига 2-иловада:

II бўлимдаги ҳамда «Божлар, йиғимлар ҳамда солиқ бўлмаган бошқа тўловларни тўлашдан валюта тушумини тақсимлаш» жадвалининг 10-бандидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги бўйича» ва «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги» сўзлари тегишли равишда «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги бўйича» ва «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

II бўлимдаги «1170 АҚШ доллари» сўзларидан олдин «йилига» сўзи қўшилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Экспорт-импорт операцияларини тартибга келтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1995 йил 28 августдаги 343-сон қарори 1-бандининг олтинчи ва саккизинчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Халқаро классдаги «Интерконтинентал-Тошкент» мехмонхона мажмуини фойдаланишга топшириш тўғрисида» 1996 йил 23 сентябрдаги 334-сон қарори 3-бандининг биринчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигига» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Контрактларни мустақил экспертиза қилиш ва импорт қилинадиган товарларни жўнатишдан олдин назоратдан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида» 1997 йил 3 декабрдаги 534-сон қарорида:

3-банддаги, 4-банднинг учинчи хатбошидаги ва 5-банднинг бешинчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида» ва «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги» сўзлари тегишли равишда «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида» ва «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

1-иловада:

3-банддаги, 12-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошидаги ҳамда 13-банддаги «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида» ва «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги» сўзлари тегишли равишда «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида» ва «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

4-банднинг учинчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо фаолиятини эркинлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1998 йил 31 мартдаги 137-сон қарори 7-бандининг биринчи хатбошидаги ва 1-илова номидаги «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирли-

ги» ҳамда «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида» сўзлари тегишли равишда «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» ва «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Словакия ҳукуматлараро комиссиясини ташкил этиш тўғрисида» 1998 йил 12 майдаги 201-сон қарори 2-банднинг учинчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигига» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида» 1998 йил 27 майдаги 232-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 5-сон, 20-модда):

5-банднинг биринчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

2-иловада:

«Органнинг номи» устунидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш бўйича вазифалари» устунидан ўттиз иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

3-иловада:

5-банднинг иккинчи хатбошидаги ва 7-банднинг биринчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

8-банддаги «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Германиянинг «КфВ» тараққиёт банки томонидан маблағ билан таъминланадиган Оролбўйи қишлоқ аҳолисини ичимлик сув билан таъминлаш лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 8 июндаги 243-сон қарори 2-бандидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон футболни ривожлантириш жамғармаси фаолиятини яхшилаш ва уни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 6 июлдаги 283-сон қарори 8-бандидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Индонезия ҳукуматлараро комиссиясини тузиш тўғрисида» 1998 йил 17 августдаги 351-сон қарори 3-бандидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигига» сўзлари билан алмаштирилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Болгария ҳукуматлараро комиссиясини тузиш тўғрисида» 1998 йил 24 августдаги 363-сон қарори 2-банднинг учинчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигига» сўзлари билан алмаштирилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тўлов баланснинг даромад қисми тўлиқ ва ўз вақтида тўлдирилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 6 октябрдаги 424-сон қарорида:

8-банддаги «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

илованинг 2, 6 ва 7-бандларидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига» ҳамда «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги» сўзлари тегишли равишда «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигига» ҳамда «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Савдо-иқтисодий, илмий-технология ҳамкорлиги бўйича Ўзбекистон-Греция қўшма қўмитасини тузиш тўғрисида» 1999 йил 13 январдаги 15-сон қарори 2-бандининг учинчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигига» сўзлари билан алмаштирилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Халқаро савдо-кўرғазма комплексидаги Савдо марказидан фойдаланиш масалалари тўғрисида» 1999 йил 29 январдаги 42-сон қарорида:

1 ва 5-бандлардаги, 2-банднинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошидаги «Инновация» сўзи «Ўзинтеримпэкс» сўзи билан алмаштирилсин;

4-банддаги «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига» ва «Инновация» давлат-акциядорлик ташқи савдо компаниясига» сўзлари «Ўзмарказимпэкс» давлат ташқи савдо компанияси, «Ўзсаноатмашимпэкс» давлат ташқи савдо компанияси, «Марказсаноатэкспорт» давлат ташқи савдо компанияси, «Ўзинтеримпэкс» давлат ташқи савдо компанияси, «Ўзташқитранс» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўрта Осиё Транс» халқаро автотранспортда юк ташиш давлат-акциядорлик компаниясига» сўзлари билан алмаштирилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси билан Япония ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисида» 1999 йил 4 майдаги 214-сон қарори 6-бандидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигига» сўзлари билан алмаштирилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Франция Республикаси Ҳукумати ўртасидаги Молиявий Протокол доирасидаги қарз маблағларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 17 июндаги 305-сон қарори 8-бандидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигига» сўзлари билан алмаштирилсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар, идоралар ва бошқа республика органлари ходимларининг чет эл сафарларига боришини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 9 сентябрдаги 417-сон қарори 8-бандининг иккинчи хатбошидаги «бир ҳафта» ҳамда «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига» сўзлари тегишли равишда «уч кун» ҳамда «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигига» сўзлари билан алмаштирилсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 октябрдаги 482-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди тўғрисида низом»га иловадаги «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 январдаги 20-сон қарори билан маъқулланган «Озонни бузувчи моддалардан фойдаланишни тўхтатиш миллий дастури» 3-бўлими 3.1-бандининг саккизинчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигига» сўзлари билан алмаштирилсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Фермерларни, хусусий тадбиркорларни ҳамда кичик ва ўрта бизнес бошқа субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 4 мартдаги 75-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 3-сон, 11-модда; 2001 й., 6-сон, 34-модда) 4-бандининг иккинчи ва учинчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида» ва «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига» сўзлари тегишли равишда «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида» ва «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигига» сўзлари билан алмаштирилсин.

22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг чет эллардаги ваколатхоналари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2000 йил 24 мартдаги 102-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 3-сон, 14-модда):

2-банддаги «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

2-илова 1-бандининг олтинчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Австрия Қўшма комиссиясининг Ўзбекистонга оид қисмини тузиш тўғрисида» 2000 йил 8 июндаги 219-сон қароридаги «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигига» сўзлари билан алмаштирилсин.

24. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 26 июндаги 245-сон қарорида:

4-банднинг иккинчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

1-илова 19-бандининг биринчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг марказлаштирилган экспортни амалга оширувчи бўлинмалари» сўзлари «Ўзмарказимпэкс» давлат ташқи савдо компанияси, «Ўзсаноатмашимпэкс» давлат ташқи савдо компанияси, «Марказсаноатэкспорт» давлат ташқи савдо компанияси, «Ўзинтеримпэкс» давлат ташқи савдо компанияси, «Ўзташқитранс» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўрта Осие Транс» халқаро автотранспортда юк ташиш давлат-акциядорлик компанияси» сўзлари билан алмаштирилсин.

25. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат мулкани бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 5 июлдаги 257-сон қарорига 1-иловадаги «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги» ва «Инновация» сўзлари тегишли равишда «Ташқи иқтисодий алоқалар комплекси» ва «Ўзинтеримпэкс» сўзлари билан алмаштирилсин.

26. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг хўжалик юритувчи субъектлари томонидан хорижий мамлакатлардаги улар ташкил этган савдо уйлари, ваколатхоналар, корхоналар орқали олиб чиқиладиган товарларни божхонада расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2000 йил 8 июлдаги 260-сон қарорига илованинг 8-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг ташқи савдо компаниялари» сўзлари «Ўзмарказимпэкс» давлат ташқи савдо компанияси, «Ўзсаноатмашимпэкс» давлат ташқи савдо компанияси, «Марказсаноатэкспорт» давлат ташқи савдо компанияси, «Ўзинтеримпэкс» давлат ташқи савдо компанияси, «Ўзташқитранс» давлат-акциядор-

лик компанияси ёки «Ўрта Осиё Транс» халқаро автотранспортда юк ташиш давлат-акциядорлик компанияси» сўзлари билан алмаштирилсин.

27. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон-Япония марказини ташкил этиш тўғрисида» 2001 йил 16 январдаги 31-сон қарори 2-бандининг учинчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

28. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда сил касаллигига қарши курашиш ва аёлларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш учун Германия Федератив Республикаси Хукумати томонидан берилётган грантларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 7 февралдаги 70-сон қарори 2-бандининг учинчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигига» сўзлари билан алмаштирилсин.

29. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳамда сув тақчиллиги оқибатларини енгиллаштириш тўғрисида» 2001 йил 8 июндаги 249-сон қарори 4-бандининг иккинчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

30. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Валюта бозорини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 22 июндаги 263-сон қарори 6-бандининг тўртинчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигига» сўзлари билан алмаштирилсин.

31. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Чехия Хукуматлараро қўшма комиссиясининг Ўзбекистонга оид қисмини тасдиқлаш тўғрисида» 2001 йил 3 сентябрдаги 357-сон қарори 2-бандининг учинчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигига» сўзлари билан алмаштирилсин.

32. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Пахта толасини марказлаштирилган экспорт қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2001 йил 18 сентябрдаги 377-сон қарориди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 9-сон, 54-модда):

2-банддаги «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

қарорга иловада:

2-банддаги «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари билан, «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг ташқи савдо компаниялари» сўзлари эса «Ўзмарказимпэкс» давлат ташқи савдо компанияси, «Ўзсаноатмашимпэкс» давлат ташқи савдо компанияси, «Марказсаноатэкспорт» давлат ташқи савдо компанияси, «Ўзинтеримпэкс» давлат ташқи савдо компанияси (кейинги ўринларда мазкур Низомда «ташқи савдо компаниялари» деб аталади)» сўзлари билан алмаштирилсин;

2-6, 9-бандлардаги, 23-банднинг иккинчи хатбошидаги Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига кўрсатмалар Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигига кўрсатмалар билан алмаштирилсин;

3, 5, 8-16, 20-бандлардаги, 22-банднинг биринчи хатбошидаги, 23-банднинг биринчи хатбошидаги, 24-банднинг биринчи ва тўртинчи хатбошидаги, 25-банднинг биринчи хатбошидаги, 27-банддаги Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг ташқи

савдо компанияларига кўрсатмалар ташқи савдо компанияларига кўрсатмалар билан алмаштирилсин.

33. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 4 октябрдаги 400-сон қарори 7-бандининг учинчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

34. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2005 йилгача бўлган даврда маҳаллий хом ашё негизда буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига киритилган лойиҳалар рўйхатини аниқлаштириш тўғрисида» 2001 йил 22 ноябрдаги 456-сон қарорининг 2-бандидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 14 январдаги 17-сон қарорига  
2-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 1992 йил 26 мартдаги 147-сон қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг республика экспорт имкониятларини ривожлантириш Бош бошқармасини ташкил қилиш ва унинг фаолияти тўғрисида» 1994 йил 5 мартдаги 117-сон қарори.

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **12 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида**

Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қуйидаги қарорларига ўзгартиришлар киритилсин:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида» 2002 йил 6 майдаги 154-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 5-сон, 24-модда) 6-бандининг биринчи хатбошидаги «Солиққа оид жиноятларга» сўзлари «Бош прокуратура ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга» сўзлари билан алмаштирилсин.

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.*



2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 5 августдаги 280-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 8-сон, 46-модда) 2-бандининг иккинчи хатбошидаги ва 8-бандидаги «Прокуратураси хузуридаги Солиққа оид жиноятларга» сўзлари «Бош прокуратураси хузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Лицензиялашни бекор қилиш ҳамда истеъмол товарларини олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозорида сотишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 20 августдаги 295-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 8-сон, 47-модда, 12-сон, 75-модда) 6-бандининг иккинчи хатбошидаги «Прокуратураси хузуридаги Солиққа оид жиноятларга» сўзлари «Бош прокуратураси хузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга» сўзлари билан алмаштирилсин.

### Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. СУЛТОНОВ

Тошкент ш.,  
2002 йил 16 январь,  
27-сон

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **13 Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни ҳисобга олиш, баҳолаш ва сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни ҳисобга олиш, баҳолаш ва сотиш тартибга солиш мақсадида, шунингдек «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни ҳисобга олиш, баҳолаш ва сотиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин ҳамда Низом 2003 йил 1 февралдан бошлаб амалга киритилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, давлат даромадига ўтказилиши тўғрисида 2003 йил 1 февралгача қарор қабул қилинган мол-мулк мазкур қарор билан тасдиқланган «Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни ҳисобга олиш, баҳолаш ва сотиш тартиби тўғрисидаги низом» амалга киритилгунга қадар амалда бўлган тартибга мувофиқ сотилади.

Бош прокурор, Давлат солиқ қўмитаси раиси, Давлат божхона қўмитаси раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари давлат даромадига ўтказилиши тўғрисида 2003 йил 1 февралгача қарор қабул қилинган мол-мулкнинг 2003 йил 1 мартгача сотилишини таъминласинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.*

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Молия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ҳамда идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклиф киритсинлар;

идоравий норматив ҳужжатларнинг мазкур қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.А. Азизов ҳамда Бош вазир ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

### **Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 21 январь,  
36-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 21 январдаги 36-сон қарорига  
1-ИЛОВА

## **Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни ҳисобга олиш, баҳолаш ва сотиш тартиби тўғрисида НИЗОМ**

### **I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни асосида ишлаб чиқилган ҳамда давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни ҳисобга олиш, баҳолаш ва сотиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низом давлат даромадига ўтказиладиган:

жиноий ишлар бўйича суд қарорлари асосида — мол-мулкнинг жиноят буюмлари ва қуроллари, шунингдек ашёвий далилларга оид қисмига;

маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича суд қарорлари асосида — мол-мулкнинг ҳуқуқбузарлик буюмлари ва қуроллари, шунингдек ашёвий далилларга оид қисмига;

фуқаролик ишлари бўйича суд қарорлари асосида — белгиланган тартибда эгасиз деб эътироф этилган мол-мулкка;

фуқаролик ишлари бўйича суд қарорлари асосида — мол-мулкнинг давлатга етказилган зарарни қоплашга йўналтириладиган қисмига;

ишни тўхтатишда тергов органларининг қарорлари асосида — мол-мулкнинг жиноят буюмлари ва қуроллари, шунингдек ашёвий далилларга оид қисмига;

божхона органлари қарорлари асосида — экспорт қилиш тақиқланган буюмлар ва маҳсулотларнинг Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиб кетилаётган қисмига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинаётган, унинг ҳудуди орқали ташилаётган (ҳалқаро транзитдан ташқари), акциз маркаси билан маркаланмаган сақланаётган тамаки маҳсулотлари ва алкоғолли ичимликларга;

солиқ органлари қарорлари асосида — акциз маркаси билан маркаланмаган сақла-

наётган, сотилаётган, ноқонуний ишлаб чиқарилаётган тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларга;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ҳамда унинг жойлардаги бўлинмалари қарорлари асосида — акциз маркаси билан маркаланмаган сақланаётган, сотилаётган, ноқонуний ишлаб чиқарилаётган тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларга татбиқ этилади.

## **II. Давлат даромадига ўтказиладиган олиб қўйилган мол-мулкни ҳисобга олиш ва сақлаш тартиби**

3. Мазкур Низомнинг 2-бандида назарда тутилган мол-мулкни (кейинги ўринларда мол-мулк деб юритилади) олиб қўйиш ваколатли орган мансабдор шахси томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва асосларда амалга оширилади.

4. Мол-мулкни олиб қўйиш тўғрисида ваколатли орган мансабдор шахси томонидан протокол тузилади, унда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- а) тузилган вақти ва жойи;
- б) протоколни тузган шахснинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми;
- в) мол-мулк эгаси ва мол-мулк олиб қўйилган шахс тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми, манзили, паспортига оид маълумотлар ва шу кабилар), уларни аниқлаш имконияти бўлмаган ҳоллар бундан мустасно;
- г) мол-мулкни олиб қўйишда иштирок этган шахслар тўғрисидаги маълумотлар, агар улар бўлса;
- д) ҳуқуқбузарлик содир этилган жой, вақт ва унинг мазмуни;
- е) мазкур ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи норматив ҳужжат;
- ж) ҳуқуқбузарнинг тушунтириш хати;
- з) олиб қўйилаётган ҳар бир буюмнинг номи ва миқдори, унинг ўзига хос белгилари (оғирлиги, узунлиги, эскирганлик даражаси ва бошқалар);
- и) олиб қўйилаётган мол-мулкнинг сақланиши таъминланиши, шу жумладан ҳам буюмларнинг ўзини, ҳам улар вақтинча сақланаётган жойни муҳрлаб қўйиш, агар бу ишлар амалга оширилган бўлса.

5. Мол-мулк олиб қўйилгандан кейин ваколатли орган мансабдор шахси томонидан бир сутка муддатда мол-мулкни:

сақлаш учун масъул шахсни белгилаган ҳолда ваколатли органнинг бинолари, майдонлари, омборларида;

талаб қилинадиган омборларга, асбоб-ускуналар ва мол-мулкни сақлаш нормаларига мувофиқ шароитларга эга бўлган бошқа корхоналар ва ташкилотларнинг бинолари, майдонлари, омборларида сақлаш учун жойлаштириш масаласи ҳал қилинади.

Мол-мулкни сақлаш учун масъул бўлган шахслар (ташкилотлар) уни сақлаш шартларига риоя этишга ва тегишли шарт-шароитларни таъминлашга мажбурдирлар ҳамда мол-мулкнинг бузилиши, шикастланиши, камомади, яширилиши ва йўқ қилиниши учун тўлиқ моддий жавоб берадилар ва бошқача жавобгарликка тортиладилар.

Сақлаш учун қабул қилиш-топшириш ваколатли орган масъул мансабдор шахсининг ҳамда мол-мулкни сақлашга қабул қилган шахснинг имзолари билан тасдиқланган уч нусхадаги мол-мулкнинг рўйхати билан расмийлаштирилади.

Мол-мулк сақлашга топширилгунгача унинг сақланиши учун масъулият мол-мулкни олиб қўйган ваколатли органнинг мансабдор шахси зиммасига юкланади.

6. Олиб қўйилган мол-мулкнинг истеъмол қилиш (фойдаланиш, қайта ишлаш)

учун яроқлилигини эксперт ўрганиш ва уни баҳолаш мақсадида ваколатли органнинг ваколатли шахси уч сутка мобайнида, тез бузиладиган товарларга нисбатан эса — бир сутка мобайнида эксперт тайинлайди.

Эксперт ваколатли органнинг мансабдор шахси ва мол-мулкнинг эгаси иштирокида, у бўлмаган тақдирда эса — гувоҳлар иштирокида белгиланган тартибда синов учун намуналар олади.

Эксперт текшируви ва мол-мулкни баҳолаш, агар бу унинг ваколатига кирган тақдирда, битта ташкилотга (ташкилотнинг мутахассисига) юкланиши мумкин.

7. Эксперт текшируви мол-мулкнинг турига қараб қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бунга ваколоти бўлган ташкилотлар (стандартлаштириш органи ёки унинг томонидан аккредитация қилинган ташкилотлар, лабораториялар, санитария-эпидемиология органлари, ихтисослаштирилган эксперт ташкилотлар ва бошқа муассасалар) томонидан ўтказилади. Экспертиза натижалари тўғрисида ваколатли ташкилот уч сутка мобайнида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса — бир сутка мобайнида мол-мулкни олиб қўйган органга ёзма хулоса тақдим этади.

Уч кун муддатда экспертиза ўтказиш мумкин бўлмаган ўзига хос хоссаларга эга бўлган товарларнинг айрим турлари бўйича, тез бузиладиган товарлардан ташқари, экспертиза қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ўтказилади.

8. Мол-мулкни олиб қўйган орган (мансабдор шахс) баҳолаш учун мутахассис тайинлайди. Солиқ, божхона органлари ҳамда суриштирув ва дастлабки тергов органлари томонидан олиб қўйилган мол-мулкни баҳолашда молия органларининг вакиллари мажбурий тартибда иштирок этадилар.

Ваколатли органнинг тегишли мансабдор шахси томонидан уч сутка мобайнида, тез бузиладиган товарларга нисбатан эса — бир сутка мобайнида мутахассис сифатида зарур билимларга эга бўлган шахс (савдо, баҳолаш, аудиторлик ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг ходимлари) жалб этилади.

Мол-мулкни баҳолаш мутахассис томонидан талаб конъюнктурасининг мавжуд маълумотлари ва ички бозор таклифи асосида баҳолаш кунда амалда бўлган нархлар бўйича ўтказилади.

Мазкур Низомнинг 22-25, 28-бандларида кўрсатилган мол-мулкни, шунингдек ўзига хос хоссаларга эга бўлган мол-мулкни баҳолашда кўрсатиб ўтилган мол-мулк берилаётган (сотилаётган) тегишли ташкилотларнинг вакиллари мутахассис сифатида жалб этилади.

Мутахассис ваколатли органнинг мансабдор шахси чақириғига кўра келиши, қўйилган масалаларга холисона хулоса бериши, улар томонидан бажарилаётган ишлар юзасидан тушунтириш бериши шарт.

Мутахассис уч сутка мобайнида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса — дарҳол ёзма шаклда хулоса беради.

9. Эксперт ва баҳолаш бўйича мутахассис ўзлари берган хулосанинг ишончлиги ва холислиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

10. Олиб қўйилган мол-мулкни ҳисобга олиш ва унинг судгача ҳаракати уни олиб қўйган орган томонидан ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шакл бўйича юритилади.

Солиқ органлари давлат даромадига ўтказилиши керак бўлган, унга нисбатан олиб қўйиш тўғрисида қарор қабул қилинган мол-мулк ҳисобини уни сотишдан пул маблағлари тушишигача юритадилар.

11. Олиб қўйиш санасида энг кам ойлик иш ҳақининг 200 баравари қийматидаги ва ундан ортиқ қийматдаги мол-мулкни олиб қўйган орган мол-мулк олинган жой бўйича ҳудудий прокуратура дарҳол махсус билдиришнома юбориши шарт.

Ҳар бир бундай ҳолат бўйича прокуратура органлари узил-кесил қарор қабул қилингунгача ва мол-мулк давлат даромадига ўтказилгунгача назорат юритадилар.

Энг кам ойлик иш ҳақининг 200 баравари қийматидаги ва ундан ортиқ қийматидаги мол-мулкни олиб қўйиш ва уни давлат даромадига ўтказишнинг ягона ҳисобини прокуратура органлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан белгиланган тартибда юритадилар.

### **III. Мол-мулкни давлат даромадига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш**

12. Мол-мулкни олиб қўйиш тўғрисидаги материаллар мол-мулкнинг истеъмол, фойдаланиш ва қайта ишлаш учун яроқлилиги ҳақида экспертнинг хулосаси ҳамда баҳолаш бўйича мутахассиснинг хулосаси билан биргаликда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда мол-мулкни давлат даромадига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилган тегишли судга ёки органга (мансабдор шахсга) берилиши керак.

13. Мол-мулкнинг давлат даромадига ўтказилиши тўғрисида қарор қабул қилган суд ёки орган ўзи чиқарган тегишли қарор кучга киргандан сўнг кейинги кундан кечикмай ижро ҳужжатларини ижро этиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг тегишли суд ижрочилари туман (шаҳар) бўлимларига юборади.

Мол-мулкни давлат даромадига ўтказиш тўғрисидаги кучга кирган суд қарори асосида суд томонидан бериладиган ижро варақаси, шунингдек ваколатли органнинг мол-мулкнинг давлат даромадига ўтказилиши тўғрисидаги кучга кирган қарори нусхаси ижро ҳужжати ҳисобланади.

Ижро ҳужжатиغا олиб қўйиш тўғрисидаги протокол, мол-мулкнинг белгиланган стандартларга мувофиқлиги тўғрисида эксперт хулосаси, мутахассиснинг мол-мулк баҳоланганлиги тўғрисидаги хулосаси нусхалари, шунингдек ижрони юритиш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатлар илова қилинади.

### **IV. Мол-мулкнинг давлат даромадига ўтказилиши тўғрисидаги қарорларни бажариш ва уларни ҳисобга олиш тартиби**

14. Суд ижрочиси суднинг ёки уни берган бошқа ваколатли органнинг ижро ҳужжатини бажариш учун қабул қилиб олишга ва қонун ҳужжатларига мувофиқ унга ижро ҳужжати келиб тушган кундан бошлаб уч кундан кечикмай ижро иши қўзғашга мажбур.

Суд ижрочиси ўзида сақланаётган мол-мулк рўйхатини тузади, ушбу мол-мулк шу пайтдан бошлаб унинг ихтиёрига ўтади.

Мол-мулк рўйхати тегишли далолатнома билан расмийлаштирилади. Далолатнома суд ижрочиси, мол-мулк сақланиши учун жавобгар бўлган шахс томонидан имзоланади.

15. Суд ижрочиси ижро ҳужжати бажарилишигача мол-мулк сақланадиган жойни ўзгартиришга ҳақлидир. Бунда қабул қилиш-топшириш далолатномаси тузилади. Далолатнома суд ижрочиси, мол-мулкни олиб қўйган органнинг вакили, мол-мулк сақланиши учун жавобгар бўлган шахс, мол-мулк сақланиши учун жавобгар этиб тайинланган шахс томонидан имзоланади.

Мол-мулкни сақлаш жойи ўзгарган тақдирда рўйхат тузиш билан бир вақтда фақат қабул қилиш-топшириш далолатномаси расмийлаштирилади, унда мол-мулкнинг рўйхати акс эттирилади.

Мол-мулкни сақлаш тузилган шартнома асосида кейинчалик сотиш учун савдо ташкилотига юкланиши ҳам мумкин.

16. Давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни сотиш, кўчмас мулкдан ташқари, шартнома-воситачилик асосида ёхуд ким ошди савдоси шартларида амалга оширилади.

Кўчмас мулк қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан савдо ўтказиш йўли билан сотилади.

17. Мол-мулкни сотиш бўйича муқобил шартларда ҳокимлик томонидан белгиланган савдо ташкилоти билан хизматлар кўрсатишга шартнома Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг худудий бўлимлари билан тузилади.

Савдо ташкилотлари билан шартнома тузишда уларнинг ихтисослашуви, жойлашган жойи ва истеъмолчи учун қулайлиги (вилоят ва туман (шаҳар) марказлари, бозорлар ва ҳоказолар), тегишли омборхоналар, жиҳозлар ва бошқалар мавжудлиги ҳисобга олинади.

Мол-мулкни сотиш хизматлари кўрсатиш учун шартноманинг амал қилиш муддатини узайтиришда мазкур шартнома шартларига риоя этиш ва мол-мулкни сотиш тартиби бузилмаганлиги ҳам ҳисобга олинади.

18. Сотилиши керак бўлган мол-мулк ижро ишини юритувчи суд ижрочилари томонидан товарга илова қилинадиган юкхати билан биргаликда савдо ташкилотларига берилади. Ижро ҳужжатларининг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш учун мол-мулк унинг миқдоридан, ҳажмидан ва тез сотилиши имкониятларидан келиб чиқиб бир вақтнинг ўзида сотиш учун бир нечта савдо ташкилотларига берилиши мумкин.

Шартнома шартларига риоя этилиши, шунингдек мол-мулк сотилиши тартибини назорат қилиш тегишли суд ижрочилари томонидан амалга оширилади. Шартнома шартлари ва мол-мулкни сотиш тартиби бузилган тақдирда тегишли суд ижрочиси мол-мулкни уни сотиш юзасидан хизматлар кўрсатишга шартнома тузилган бошқа савдо ташкилотига беришга ҳақлидир.

19. Савдо ташкилотлари ўзининг мол-мулкни қабул қилиб олиш ва сотиш билан боғлиқ харажатларини қоплаш учун шартномада белгиланган, бироқ сотилган мол-мулк қийматининг 10 фоизидан ортиқ бўлмаган сотилган мол-мулк савдо чегирмасини ўз фойдасига ушлаб қоладилар.

20. Савдо ташкилоти томонидан қабул қилинган мол-мулкка талаб бўлмаса ва 30 кун мобайнида белгиланган нархда сотилмаса, савдо ташкилоти мол-мулкнинг баҳосини суд ижрочиси, молия ва солиқ органлари вакиллари ҳамда баҳолаш бўйича тайинланган мутахассис иштирокида унинг қийматидан 20 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда арзонлаштиради. Айтилган бир вақтда мол-мулк сотилганлиги учун савдо ташкилотига тегишли бўлган савдо чегирмаси суммаси қайта ҳисоб-китоб қилинади, арзонлаштириш тўғрисида махсус шакл бўйича далолатнома тузилади, унинг нусхаси молия, солиқ органларига ва ваколатли органларга берилади.

21. Сотиш учун савдо ташкилотларига бериладиган барча буюмлар рўйхатга олиш далолатномасида ёки қабул қилиш-топшириш далолатномасида назарда тутилган тартиб рақамлари, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа маълумотлар кўрсатилган ҳолда мувофиқлик сертификатлари (сертификатланиши шарт бўлган товарлар бўйича) ва савдо ташкилотининг товар ёрлиқлари билан таъминланиши керак.

Буюмларни жузъий таъмирлаш, тозалаш, текислаш уларни сотиш учун қабул қилиб олган савдо ташкилотлари ҳисобига амалга оширилади.

22. Қимматбаҳо металллар — олтин, кумуш, платина ва ҳар қандай тур ва ҳолатдаги платина гуруҳига кирувчи металллар (палладий, иридий, родий, рутений ва осмий), ишлов берилмаган ва қайта ишланган табиий қимматбаҳо тошлар (олмос, бриллиант, фируза, лаъл, ёқут, шунингдек табиий марварид) ва ярим қимматбаҳо тош-

лар, шунингдек таркибида қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлар ва табиий марварид бўлган буюмлар (баҳолаш далолатномаси бўйича музейлар, кутубхоналар, архивлар, илмий муассасаларга текин бериладиган тарихий, илмий, бадий қимматга эга бўлганларидан ташқари) Ўзбекистон Республикаси Давлат қимматбаҳо буюмлар хазинасига берилиши керак.

23. Диний маданиятга тегишли буюмлар (тарихий, бадий, илмий қимматга эга бўлган, шунингдек таркибида қимматбаҳо металллар ва тошлар бўлган буюмлардан ташқари) диний ташкилотларга далолатнома бўйича бепул берилади.

24. Пул маблағлари, хорижий валюта, чеклар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар, акциялар, жамғарма омонатлари, пул-буюм лотереялари чипталаридан ташқари, амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига берилади.

25. Почта маркалари, шу жумладан коллекция қилинадиган маркалар ҳақи олиниб почта алоқаси ташкилотларига берилади.

26. Китоблар, тарихий, илмий-бадий қимматга ва бошқа маданий қимматга эга бўлган китоблардан ташқари, ҳақи олиниб китоб савдоси ташкилотларига берилади. Агар китоблар кўрсатилган тартибда сотилмаган тақдирда, улар чиқинди қоғозларни қабул қилиш учун белгиланган нархлар бўйича иккиламчи хом ашё ташкилотларига тўлов эвазига ўтказилади.

27. Қишлоқ хўжалиги машиналари, инвентарь, маҳсулдор ва иш моллари, асалари оилалари, ем-хашак, минерал ўғитлар ва пестицидлар ҳақи олиниб қишлоқ хўжалиги корхоналарига ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фуқароларга берилади.

28. Жун, мол гўшти, паррандалар, қуёнлар, дон, каноп ва зиғир толаси ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳақи олиниб уларни тайёрлаш билан шуғулланувчи ташкилотларга берилади.

Чарм, момиқ-мўйна ва қоракўл уларни қайта ишлашга ихтисослаштирилган ташкилотларга тўлов эвазига берилади.

29. Кўп йиллик дов-дарахтлар (боғ, полиз ўсимликлари) ҳокимликларга текин берилади.

30. Ишлатиб бўлмайдиган қора ва рангли металллардан ясалган буюмлар, шунингдек металл парчалари ва ушбу металлларнинг чиқиндилари тўлов эвазига корхоналар ва ташкилотларга берилади.

31. Дастгоҳлар ва бошқа ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари, шунингдек товарлар ва маҳсулотлар ва шу кабиларни ишлаб чиқарувчи кичик ҳажмли заводлар, линиялар корхона ва ташкилотларга тўлов эвазига берилади.

32. Дастлабки қайта ишланмасдан савдо тармоғи орқали сотилиши мумкин бўлмаган буюмлар тегишли корхоналарга кейинчалик қайта ишлаш учун сотилади.

33. Фойдаланилиши ёки сотилиши мумкин бўлмаган буюмлар, шунингдек макулатура ва иккиламчи хом ашёнинг бошқа турлари иккиламчи хом ашёни йиғиш ва қайта ишлаш билан шуғулланувчи тегишли ташкилотларга сотилади.

34. Йўқ қилиш ҳақидаги ижро ҳужжати берилган мол-мулк, шунингдек ўз холатига кўра иккиламчи хом ашё сифатида фойдаланилиши мумкин бўлмаган буюмлар суд ижрочиси томонидан, мол-мулкни олиб қўйган органнинг вакили, тегишли мутахассис ва холис гувоҳлар иштирокида йўқ қилинади, бу тўғрида тегишли далолатнома тузилади.

35. Мол-мулкни суд ижрочилари, Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти, солиқ, молия, божхона, суд, прокуратура, ички ишлар органлари, Миллий хавфсизлик хиз-

мати, Давлат чегараларини қўриқловчи қўмита ходимлари, экспертиза ва баҳолашни амалга оширган мутахассислар, шунингдек ушбу мол-мулкни сотувчи савдо ташкилотлари ходимлари томонидан сотиб олиниши тақиқланади.

36. Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни ва уларни сотишдан олинadиган пул маблағларини ҳисобга олиш суд ижрочилари томонидан ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича юритилади.

#### **V. Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни тасарруф этиш хусусиятлари**

37. Сақлаш муддати 72 соатгачани ташкил қиладиган тез бузиладиган товарлар, шунингдек яроқлилик муддати бир ой мобайнида тугайдиган товарлар, уларнинг давлат даромадига ўтказилиши тўғрисида қарор қабул қилинганидан қатъи назар, истеъ-молга (фойдаланишга, қайта ишлашга) яроқлилиги бўйича экспертиза хулосаси ва уни баҳолаш вақтидан бошлаб бир сутка мобайнида олиб қўйган органнинг мансабдор шахси томонидан суд ижрочиси иштирокида савдо ташкилотларига сотиш учун берилади.

Бунда товарларни сотишдан тушган маблағлар товарни давлат даромадига ўтказиш ёхуд уни қайтариш тўғрисида ижро ҳужжати олингунга қадар суд ижрочиларининг тегишли бўлинмаларидаги депозит ҳисоб рақамларига ўтказилади.

Тез бузиладиган товарларнинг, шунингдек яроқлилик муддати бир ой мобайнида тугайдиган товарларнинг истеъмолга (фойдаланишга, қайта ишлашга) яроқлилиги тўғрисида экспертиза томонидан хулоса чиқарилган тақдирда уни олиб қўйган ваколатли органнинг мансабдор шахси суд ижрочиси, санитария-эпидемиология станцияси вакили ва холис гувоҳлар иштирокида мол-мулкни йўқ қилишни амалга оширади, бу тўғрида йўқ қилиш ҳақидаги далолатнома тузилади.

38. Олиб қўйиш, экспертизадан ўтказиш, сақлаш ва гиёҳвандлик воситалари, қурол-яроғлар билан боғлиқ бошқа хатти-ҳаракатлар, шунингдек уларни ҳисобга олиш қонун ҳужжатлари билан тасдиқланган тартибда амалга оширилади.

#### **VI. Автомототранспорт воситаларини давлат даромадига ўтказиш ва ҳисобга олиш хусусиятлари**

39. Автомототранспорт воситаларини олиб қўйишда ваколатли органнинг мансабдор шахси томонидан у мажбурий тартибда қўриқдан ўтказилади ҳамда олиб қўйиш тўғрисидаги протоколда унинг маълумотлари, ҳолати ва бутлиги акс эттирилади.

40. Олиб қўйилган автоматотранспорт воситалари ваколатли органларнинг, Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларининг ҳамда уларни сақлашнинг тегишли шароитларини таъминловчи бошқа ташкилотларнинг махсус ажратилган жойларида (сақлаш жойлари, омборлар, жарима майдончаларида) сақланади.

41. Автомототранспорт воситасини олиб қўйган ваколатли органнинг мансабдор шахси олиб қўйиш тўғрисида протокол тузилган вақтдан бошлаб уч кун муддатда автоматотранспорт воситаларини рўйхатдан ўтказувчи тегишли нотариал органларга ва ички ишлар органларига билдиришнома жўнатади.

42. Олиб қўйилган автоматотранспорт воситасининг техник ҳолатини қўриқдан ўтказиш ва баҳолаш Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларининг мутахассислари томонидан молия органи ҳамда автомобилларга техника хизмати кўрсатиш ихтисослашган корхоналари вакилларининг мажбурий тартибдаги иштирокида амалга оширилади.



43. Автомототранспорт воситасини давлат даромадига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилингандан кейин суд ижрочиси ушбу Низомда белгиланган тартибда автоматотранспорт воситасини қабул қилиш-топширишни амалга оширади.

44. Автотранспорт воситаларини сотиш белгиланган тартибда ким ошди савдолари орқали амалга оширилади.

#### **VII. Давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни сотишдан тушадиган пул маблағларини ҳисобга олиш**

45. Мол-мулкни сотишдан тушган пул маблағлари, савдо чегирмасини чиқариб ташлаган ҳолда, сотилишига қараб савдо ташкилоти томонидан суд ижрочиларининг тегишли бўлимларидаги махсус ҳисоб рақамига 3 кундан кечикмай, ижро ҳужжатининг тартиб рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда ўтказилади.

Мол-мулкни сотишдан тушган суммани ўтказиш муддати кечиккан тақдирда савдо ташкилоти кечиккан ҳар бир кун учун тўланадиган сумманинг 0,5 фоизи миқдориди давлат бюджети даромадига пеня тўлайди.

46. Мол-мулкни сотишдан олинган пул маблағларини ўтказиш учун суд ижрочиларининг тегишли бўлинмалари томонидан банкда махсус ҳисоб рақами очилади.

Суд ижрочиларининг тегишли бўлинмалари ҳисоб рақамига тушган пул маблағларининг:

80 фоизи — тегишли маҳаллий бюджетга;

10 фоизи — мол-мулкни давлат даромадига олиб қўйган органнинг махсус ҳисоб рақамига;

10 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Ижро ишларини ривожлантириш жамғармаси ҳисоб рақамига уч банк куни мобайнида ўтказилади.

47. Суд ижрочиларига:

маҳаллий бюджетлар ҳисоб рақамлари реквизитлари — тегишли молия органлари томонидан;

тегишли давлат органларининг махсус ҳисоб рақамлари реквизитлари — Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти томонидан ушбу органлар билан биргаликда етказилади.

Давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни сотишдан тушган маблағлар бўйича ҳар ойда кейинги ойнинг 5-кунигача суд ижрочиларининг тегишли бўлинмалари, прокуратура, солиқ, божхона ва тергов органлари ўртасида солиштириш далолатномаси тузилади.

48. Сақлаш, экспертиза ва баҳолашни ўтказиш, транспорт харажатлари ва мол-мулкни давлат даромадига ўтказиш билан боғлиқ бошқа харажатлар тегишли равишда: мол-мулкни олиб қўйган органлар маблағлари ҳисобига — мол-мулкни суд ижрочиларига бергунгача;

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Ижро ишларини ривожлантириш жамғармасининг маблағлари ҳисобига — мол-мулк суд ижрочиларига ўтказилгандан кейин қопланади.

#### **VIII. Давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни қайтариш ва уни ҳисобга олиш**

49. Мол-мулк ёки унинг қиймати:

мол-мулкни давлат даромадига ўтказиш тўғрисидаги суд қарори ёки ваколатли орган қарори бекор қилинганда;

мол-мулкнинг бир қисмини банд қилиб қўйишни бекор қилиш (рўйхатдан чиқариш) тўғрисида суд қарори чиқарилганда;

мол-мулкни эгасиз деб эътироф этиш тўғрисидаги суд қарори бекор қилинганда;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда қайтарилади.

50. Мол-мулк ҳали сотилмаган ёки қайта ишлашга топширилмаган бўлса уни қайтариш ваколатли орган ёки суд органи ижрочиси томонидан, мол-мулкни қайтариш тўғрисидаги ариза берилган кундан бошлаб ўн кун муддатда амалга оширилади, бу мазкур Низомга 1 ва 2-иловаларга мувофиқ шакллар бўйича ҳисобга олинади.

Аризага мазкур мулк давлат мулкига тушганлигига асос бўлган қарор тегишли давлат органи томонидан бекор қилинганини тасдиқловчи ҳужжатнинг тасдиқланган нусхаси илова қилинади.

51. Агар мол-мулк сотилган ёки қайта ишлашга топширилган бўлса, мол-мулк қийматини қайтариш молия органлари томонидан, тегишли бюджет маблағларидан мол-мулк қийматини тўлаш тўғрисидаги ариза берилган кундан бошлаб ўн кун муддатда амалга оширилади.

Мол-мулк қийматини тўлаш тўғрисидаги аризага мазкур мулк давлат мулкига ўтказилганлигига асос бўлган қарор тегишли давлат органи томонидан бекор қилинганини тасдиқловчи ҳужжатнинг тасдиқланган нусхаси илова қилинади.

52. Мол-мулк қийматининг баҳоси (суммаси) қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланади.

Бунда агар сотилган мол-мулк қийматидан давлат органларининг махсус ҳисоб рақамларига чегиришлар амалга оширилган бўлса, у ҳолда қийматнинг тегишли суммаси ушбу органлар ҳисобидан тўланади.

53. Мол-мулкни қайтариш ёки унинг қийматини тўлаш, агар қайтариш тўғрисидаги ариза мол-мулкни давлат даромадига ўтказиш тўғрисидаги қарорлар бекор қилинган кундан бошлаб уч йилдан кечикмай берилган бўлса, амалга оширилади.

#### **IX. Давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни сотишдан маблағлар тушиши тўғрисида ҳисобот**

54. Суд ижрочилари бўлинмалари тегишли солиқ органларига белгиланган шаклда, ортиб борувчи якун билан ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-қунигача мол-мулкни сотишдан пул маблағлари тушиши ва уларнинг тақсимланиши тўғрисида ҳисобот тақдим этадилар.

Ҳисобот шакли Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Адлия вазирлиги томонидан Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

55. Солиқ органлари ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 20-қунигача молия органларига белгиланган шаклда, ортиб борувчи якун билан мол-мулкни сотишдан олинган пул маблағларининг давлат бюджетига тушиши тўғрисида ҳисобот тақдим этадилар.

#### **X. Ушбу Низомнинг бажарилишини назорат қилиш**

56. Мол-мулкни сотишдан тушган пул маблағларининг давлат даромадига тўлиқ ва ўз вақтида тушишини назорат қилиш, шунингдек давлат органларига бепул берилган мол-мулкни ҳисобга олиш солиқ органлари томонидан амалга оширилади.

57. Товар-моддий бойликларни олиб қўйиш, давлат мулкига ўтказиш, уларни баҳолаш (қайта баҳолаш) ҳамда сотиш ваколати берилган, олинган пул маблағларининг бюджетга тўлиқ ва ўз вақтида ўтказилишини таъминловчи давлат бошқаруви органлари фаолиятида қонунийликни назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар томонидан амалга оширилади.

Ушбу Низом талабларининг ҳар бир бузилиши ҳолати бўйича прокуратура органлари жазонинг муқаррарлигини таъминлайдилар ҳамда қонунда назарда тутилган жиноий жавобгарликкача бўлган жавобгарлик чораларини кўрадилар.

58. Ушбу Низомнинг бузилиши қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка олиб келади.

59. Ушбу Низомни қўлланиши бўйича пайдо бўладиган низолар суд тартибида ҳал этилади.

Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни ҳисобга олиш, баҳолаш ва сотиш тартиби тўғрисидаги низомга 1-ИЛОВА

13-модда

**Экспертиза қилинадиган, баҳоланадиган ва давлат даромадига ўтказиладиган олиб қўйилган мол-мулк ҳаракатини ҳисобга олиш ДАФТАРИ**

т/р	Мол-мулкни олиб қўйиш				Мол-мулкни экспертизадан ўтказиш ва баҳолаш				Сақлаш жойи		Материални судга топшириш		Суд қарори						Тушган маблағ		
	Олиб қўйиш далолатномаси ва №	Мол-мулкнинг номи	Ўлчов библиги	Сони	Экспертиза далолатномасининг санаси ва №	Баҳолаш далолатномаси санаси ва №	Баҳо-си	Сум-маси	ҳуж-жатнинг санаси ва №	Таш-ки-лот-нинг номи	Са-на-си	ҳуж-жат	Са-на-си ва №	Эгасига қайтарилди			Давлат даромадига ўтказилди			Ҳам-маси	Шу жум-ладан бюд-жетга
														Сони	Сум-маси	Эгасига топшириш — қабул қилиш далолатномаси № ва сана-си	Со-ни	Сум-маси	Эгасига топшириш — қабул қилиш далолатномаси ва № ва сана-си		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22

Давлат даромадига ўтказиладиган  
мол-мулкни ҳисобга олиш, баҳолаш ва  
сотиш тартиби тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

**Давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни ҳисобга олиш  
ДАФТАРИ**

т/р	Ижро иши №. суд ижро- чиси- нинг Ф. И. О	Ижро хужжати- нинг номи, №, санаси, ижро далолат- номаси тузилган сана	Ижро хуж- жати- ни берган суд ёки бошқа орган	Мол- мулкни олиб қўйган орган	Мол- мулк- нинг номи, сони, сумма- си	Олиб қўйил- ган мол- мулк суд ижрочи- сига берил- ган сана	Сақлаш жойи ва унинг ўзгаргани тўғрисида белги	Олиб қўйилган мол-мулк сотиш сотиш учун берилган сана ва сотувчи ташкilot	Сотишга берилган мол- мулкнинг қайта баҳоланган- лиги тўғрисида белги, мутахассис- нинг Ф. И. О.	Сотиш суммаси ва унинг тушган санаси	Суммани тақсимлаш			Алоҳи- да бел- гилар
											бюджет- га	олиб қўйган органга	Адлия вазирли- ги Департа- менти жамғар- масига	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15

Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 21 январдаги 36-сон қарорига  
2-ИЛОВА

### Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотаётган қарорлари РЎЙХАТИ

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Мусодара қилинган, эгасиз мол-мулкни, ворислик ҳуқуқи билан давлат ихтиёрига ўтган мол-мулкни ва хазиналарни ҳисобга олиш, баҳолаш ва сотиш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида» 1993 йил 22 мартдаги 151-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1993 й., 3-сон, 11-модда, 1997 й., 6-сон, 22-модда, 2001 й., 4-сон, 22-модда) мусодара қилинган ва эгасиз мол-мулкка оид қисми.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Мусодара қилинган, эгасиз мол-мулкни, ворислик ҳуқуқи билан давлат ихтиёрига ўтган мол-мулкни ва хазиналарни ҳисобга олиш, баҳолаш ва сотиш тартиби ҳақидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 1997 йил 13 июндаги 295-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 6-сон, 22-модда) мусодара қилинган ва эгасиз мол-мулкка оид қисми.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси корхоналарининг барқарор фаолиятини таъминлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида» 2001 йил 12 апрелдаги 172-сон қарорининг 9-банди. (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 4-сон, 22-модда).

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### 14 Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигини қайта ташкил этиш тўғрисида» 2002 йил 24 декабрдаги ПФ-3183-сон Фармони бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда унинг марказий аппарати тузилмаси 1 ва 1а-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги марказий аппарати штатдаги ходимларининг чекланган сони 146 нафар (хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари) этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигида вазирнинг бир нафар биринчи ўринбосари, вазирнинг уч нафар ўринбосари ҳамда шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган тўққиз кишидан иборат Ҳайъат бўлишига рухсат этилсин.

Иқтисодиёт вазирининг биринчи ўринбосари мақомига кўра вазирга, вазир ўринбосарлари эса вазирнинг биринчи ўринбосарига тенглаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирига штатдаги ходимларнинг белгиланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида вазирлик марказий аппарати-нинг тасдиқланган тузилмасига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. Қуйидагилар:

вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт бош бошқармаларининг намунавий тузилмаси 2\* ва 2а-иловаларга\* мувофиқ, шаҳар, туман иқтисодиёт бўлимларининг намунавий тузилмаси 3-иловага\* мувофиқ;

кўрсатиб ўтилган ҳудудий иқтисодиёт органлари ходимларининг чекланган сони 4-иловага\* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги тўғрисидаги низом 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазири Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазири билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқарғи Кенгеси томонидан лавозимга тайинланади;

вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт бош бошқармалари бошлиқлари тегишли равишда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан лавозимга тайинланади;

иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи лавозимига кўра вилоят, Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосари ҳисобланади;

туман ва шаҳар иқтисодиёт бўлимлари бошлиқлари туман ва шаҳар ҳокимларининг тақдимномасига кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазири билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт бош бошқармалари бошлиқлари томонидан лавозимга тайинланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги бир ой муддатда бош бошқармалар, шаҳар ва туман иқтисодиёт бўлимлари тўғрисидаги намунавий низомларни белгиланган тартибда тасдиқласин.

6. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорларининг марказий иқтисодий органлар, вазирликлар, идоралар, ижро этувчи ҳокимият маҳаллий органлари ва хўжалик юри-тувчи субъектлар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ходимларини рағбатлантириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида Вазирликка бюджетдан ташқари Ривожлантириш ва моддий рағбатлантириш жамғармаси ташкил этиш ҳуқуқи берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирига, Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазирига, ҳудудий Иқтисодиёт бош бошқармалари бошлиқларига ходимларнинг юқори малакаси ва муайян хизмат муддати учун уларга устама белгилашига рухсат берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг бюджетдан ташқари Ривожлантириш ва моддий рағбатлантириш жамғармаси маблағлари юқори малакаси ва муайян хизмат муддати учун кўрсатиб ўтилган устамалар манбаи этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги бир ой муддатда Иқтисодиёт вазирлигининг бюджетдан ташқари Ривожлантириш ва моддий рағбатлантириш жамғармаси ҳамда юқори малака ва муайян хизмат муддати учун устамалар белгилаш тўғрисидаги низомларни ишлаб чиқсинлар ва белгиланган тартибда тасдиқласинлар.

---

\* 2, 2а, 3, 4 иловалар берилмайди.

8. Қуйидагилар:

Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги ҳамда унга қарашли ташкилотлар эгаллаб турган хизмат бинолари, шунингдек белгиланган техник хизмат кўрсатиш шартшароитлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва унга қарашли ташкилотлар ихтиёрида қолдирилсин;

Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги ходимлари учун белгиланган моддий ва тиббий хизмат кўрсатиш шартшароитлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ходимлари учун сақлаб қолинсин.

9. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги шартномалар ва мажбуриятлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигининг ҳуқуқий вояси ҳисобланади.

10. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 1997 йил 22 майдаги 253-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 5-сон, 18-модда);

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 1997 йил 11 октябрдаги 474-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 11-12-сон, 37-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 22 январь,  
37-сон




Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 22 январдаги 37-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт  
вазирлигининг бошқарув  
ТУЗИЛМАСИ**



**Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги марказий аппарати  
ТУЗИЛМАСИ**



Жами: штатдаги ходимлар сони 146 нафар (хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари).

Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 22 январдаги 37-сон қарорига  
5-ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги тўғрисида НИЗОМ

### I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги (кейинги ўринларда Иқтисодиёт вазирлиги деб аталади)нинг мақоми, вазифалари, функциялари, ваколатини ва фаолиятининг ташкилий асосларини белгилайди.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигини қайта ташкил этиш тўғрисида» 2002 йил 24 декабрдаги ПФ-3183-сон Фармониға мувофиқ ташкил этилган.

3. Иқтисодиёт вазирлиги қўйидаги муҳим вазифаларни ҳал этишга қаратилган, мамлакатни ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегиясини ва комплекс дастурларини ишлаб чиқувчи ва амалга оширувчи, чуқур ишланган ва мувозанатли ижтимоий-иқтисодий сиёсат ўтказилишини амалга оширувчи давлат бошқаруви органи ҳисобланади:

макроиқтисодий барқарорликни, иқтисодиётни мутаносиб ва динамик ривожлантиришни таъминлаш;

кўп укладли ва самарали фаолият кўрсатувчи иқтисодиётни шакллантириш, хусусий мулкчиликнинг етакчи ролини таъминлаш, бозор инфратузилмасини ривожлантириш;

бой табиий ва минерал — хом ашё ресурсларидан, яратилган ишлаб чиқариш ва илмий-техник потенциалдан самарали ва оқилона фойдаланишга йўналтирилган аниқ мақсадли таркибий сиёсатни амалга ошириш, экспорт имкониятини ривожлантириш ва мамлакат иқтисодиётини жаҳон иқтисодий тизимига кенг интеграциялашни таъминлаш;

янги иш ўринлари яратиш, меҳнат ресурсларини иш билан оқилона таъминлаш муаммоларини ҳал этиш, аҳолини аниқ тарзда ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш, аҳоли турмуш даражасининг барқарор, изчил ўсишини, ижтимоий инфратузилманинг ривожланишини таъминлаш;

мамлакат минтақалари иқтисодиётининг мутаносиб ва комплекс ривожланишини, ишлаб чиқариш кучларининг мақбул ва самарали ривожланишини ҳамда республика ҳудудлари бўйича жойлаштирилишини таъминлаш.

Иқтисодиёт вазирлиги ўзига юкланган вазифаларни мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг қисқа ва ўрта муддатли прогнозларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Умумиқтисодиёт комплексига кирувчи вазирликлар ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш йўли билан рўёбга чиқаради.

Иқтисодиёт вазирлигининг Умумиқтисодиёт комплекси фаолиятидаги мувофиқлаштирувчи роли Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Қўшма ҳайъат орқали амалга оширилади. Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Қўшма ҳайъат тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

4. Иқтисодиёт вазирлиги ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисоб беради.

5. Иқтисодиёт вазирлиги ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституция-

сига ва қонунларига, Олий Мажлис қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

6. Иқтисодиёт вазирлигининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари марказий иқтисодиёт органлари, вазирликлар, идоралар, ижро этувчи ҳокимият маҳаллий органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

7. Иқтисодиёт вазирлиги ўз вазифалари ва функцияларини амалга оширишда давлатнинг бошқа органлари ҳамда жойлардаги ижро этувчи ҳокимият органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

8. Иқтисодиёт вазирлиги юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга, мустақил балансга, ўз ҳисоб-китоб рақамларига, шу жумладан валюта ҳисоб-китоб рақамларига эга бўлади.

## II. Иқтисодиёт вазирлигининг вазифалари

9. Қуйидагилар Иқтисодиёт вазирлигининг асосий вазифалари ҳисобланади:

жамиyatни ривожлантириш ва демократик қайта ўзгартиришлар мақсади ва устуворликларидан келиб чиққан ҳолда иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва ислох қилишнинг, иқтисодиётни бошқаришнинг бозор методлари ва механизмларини жорий этишнинг пухта ўйланган стратегияси ишлаб чиқилишини ташкил этиш;

асосий макроиқтисодий кўрсаткичларни, республиканинг, минтақаларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши даражасини комплекс равишда изчил таҳлил қилиш, иқтисодий ва ижтимоий жараёнларнинг ривожланиш тенденцияларини ўрганиш, иқтисодиётдаги мавжуд номуносивликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш йўллари асослаш;

иқтисодиётни ривожлантиришнинг кўп вариантли сценарийларини, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг минтақалар, тармоқлар ва иқтисодиёт секторлари бўйича қисқа ва ўрта муддатли прогнозлари ва дастурларини ишлаб чиқиш;

муҳим қиймат, моддий ва меҳнат балансларини ишлаб чиқишни ташкил этиш;

асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг пул-кредит агрегатлари, давлат бюджети параметрлари, ташқи савдо, тўлов баланслари ва тармоқлараро баланслар билан ўзаро боғлиқлигини таъминловчи таъсирчан механизмни шакллантириш;

бюджет-солиқ, пул-кредит, валюта ва монополияга қарши сиёсатнинг умумий йўналишлари, табиий монополиялар маҳсулотлари, товарлари ва хизматларига нархлар ва тарифларни тартибга солиш механизмини такомиллаштириш, тўлов, молия ва моддий балансларни шакллантириш ва уларнинг амалга оширилишини назорат қилиш бўйича таклифлар тайёрлашда қатнашиш;

демографик прогнозларни, аҳолини аниқ тарзда ижтимоий муҳофаза қилиш, ички истеъмол бозорини тўлдириш, одамлар фаровонлигини ошириш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш;

иқтисодиётни таркибий қайта ўзгартиришларнинг ўрта муддатли прогнозларини, тармоқларни ривожлантириш, замонавийлаштириш ва технология билан қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришларни маҳаллийлаштириш, илғор, ресурсларни тежайдиган технологияларни жорий этиш дастурларини ишлаб чиқиш;

таркибий сиёсат мақсадларига эришишни, минтақаларни комплекс ривожлантиришни таъминловчи қисқа ва ўрта муддатли инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш;

ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг мақбул суръатлари ва нисбатларини, минерал ва хом ашё ресурсларидан оқилона фойдаланишни, Ўзбекистон иқтисодиёти-ни барқарор ривожлантиришни таъминловчи замонавий ишлаб чиқариш инфратузилмасини, телекоммуникациялар воситаларини ривожлантириш;

экспорт потенциалини ривожлантиришни рағбатлантириш, ташқи савдо ва тўлов балансларини мақбуллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, товарлар (ишлар, хизматлар) экспорти прогнозларини тайёрлаш, республикани жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялаш стратегиясини ишлаб чиқишда қатнашиш.

### III. Иқтисодиёт вазирлигининг асосий функциялари

10. Иқтисодиёт вазирлиги ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни бажаради:

жамиятни ривожлантириш ва демократик қайта ўзгартиришлар мақсадлари ва устувор вазифаларидан келиб чиққан ҳолда иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш ва барқарор, мутаносиб ривожлантиришнинг пухта ўйланган стратегиясини ишлаб чиқишни ташкил қилади ва мувофиқлаштиради, бозор методлари ва воситалари асосида иқтисодий сиёсатни амалга оширишнинг таъсирчан механизмини ишлаб чиқади;

мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг минтақалар, иқтисодиёт тармоқлари ва секторлари бўйича мамлакатдаги мавжуд табиий, минерал-хом ашё, ишлаб чиқариш, илмий-техник ва меҳнат ресурслари потенциалидан самарали фойдаланишни таъминловчи қисқа ва ўрта муддатли прогнозларини ишлаб чиқишни ташкил этади ва мувофиқлаштиради;

республиканинг иқтисодий ва ижтимоий аҳволи даражасини, асосий макроиқтисодий кўрсаткичларни чуқур таҳлил қилади, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш тенденцияларини белгилайди, иқтисодиётдаги номутаносибликларни аниқлайди ва уларни бартараф этиш йўлларини асослайди, республика иқтисодиётининг ривожланиши аҳволи тўғрисида йиллик ва ҳар чораклик маърузалар тайёрлайди, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан иқтисодиётни ривожлантириш ва ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинадиган қарорларнинг бажарилишини назорат қилади;

иқтисодиётни ривожлантиришнинг ҳар йилги кўп вариантли сценарийларини, муҳим қиймат, моддий ва меҳнат ресурслари балансларини ишлаб чиқади, иқтисодиётни барқарор, динамик ва мутаносиб ривожлантиришни таъминлаш йўлларини асослаб беради ва методларини ишлаб чиқади;

бюджет-солиқ, пул-кредит, валюта, нарх ва монополияга қарши сиёсатнинг умумий йўналишлари бўйича таклифлар тайёрлашда, маҳсулотлар, товарлар ва хизматларга нархлар ва тарифларни тартибга солиш механизмини такомиллаштиришда, тўлов, молия ва моддий балансларни шакллантиришда ва уларнинг амалга оширилишини назорат қилишда қатнашади;

асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг пул-кредит агрегатлари, давлат бюджети параметрлари, ташқи савдо, тўлов ва тармоқлараро баланслар билан ўзаро боғлиқлигини таъминловчи таъсирчан механизмни шакллантиради;

ривожланишнинг аҳволи ва тенденцияларини чуқур таҳлил қилиш асосида иқтисодиётда таркибий қайта ўзгартиришларнинг аниқ мақсадли сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш, унинг комплекс ва самарали ривожланишини таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

углеводород хом ашё ва минерал-хом ашё ресурслари асосий турларини разведка

қилиш, захираларини, қазиб олиш, ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва улардан фойдаланишнинг узоқ муддатли балансларини ишлаб чиқади;

ер-сув ресурсларини ўрганиш ва баҳолашни ташкил қилади, ер ва сув ресурсларининг қисқа муддатли ва узоқ муддатли балансларини ишлаб чиқади ҳамда юқори самарали агротехнологияларни, ердан фойдаланиш ва қишлоқ хўжалиги экинларини истиқболли жойлаштиришнинг илмий асосланган тизимларини жорий этишни ҳисобга олган ҳолда ер фондидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини асослайди;

конъюнктуранинг вужудга келган аҳволи бўйича мунтазам мониторингни амалга оширади, ундан келиб чиққан ҳолда тармоқлар ва тармоқлараро комплексларни (маҳаллийлаштирувчи ва экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришларни) ривожлантириш, уларни ресурсларни тежайдиган илғор технологиялар асосида замонавийлаштириш ва техника билан қайта жиҳозлаш дастурларини ишлаб чиқади;

давлат инвестиция сиёсатини ишлаб чиқишни ташкил этади ва мувофиқлаштиради ҳамда давлат таркибий сиёсатининг мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда давлат инвестиция дастурларини ишлаб чиқади ва уларнинг бажарилишини мувофиқлаштиради, қурилишларнинг тегишли аниқ рўйхатларини келишиб олади, хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича давлат сиёсатини ишлаб чиқишда ва амалга оширишда қатнашади, энг муҳим ва йирик инвестиция лойиҳаларининг йиғма экспертизасини ўтказиши, марказлаштирилган капитал қўйилмалар ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қафолати остидаги хорижий кредитлар ҳисобига молиялаштирилган лойиҳаларни танлов асосида танлаб олишни ва уларнинг рўёбга чиқарилиши устидан назоратни амалга оширади;

қисқа муддатли, ўрта муддатли ва узоқ муддатли даврларга мўлжалланган демографик прогнозларни ишлаб чиқади, ижтимоий сиёсатни, шу жумладан иш ўринлари яратиш, аҳолини иш билан таъминлаш, аҳоли даромадларини ва уларнинг харид қобилиятини ошириш, ички истеъмол бозорини тўлдириш, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолининг айрим қатламларини аниқ тарзда ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва муҳофаза қилиш, халқнинг моддий фаровонлигини барқарор равишда жадал ошириш масалаларини ишлаб чиқишни ташкил қилади ва мувофиқлаштиради;

меҳнат ресурслари бозори мутаносиблигини таъминлашдан келиб чиққан ҳолда иқтисодиётнинг барча соҳалари ва секторлари учун малакали кадрлар тайёрлаш стратегиясини ишлаб чиқиш ишларини мувофиқлаштиради;

экспорт салоҳиятини ривожлантиришни рағбатлантириш ва импортни, савдо балансини мақбуллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади ҳамда ҳар йилги экспорт, ташқи савдо ва тўлов балансини тайёрлайди;

халқаро иқтисодий ҳамкорлик соҳасидаги иқтисодий сиёсат, ташқи иқтисодий алоқаларни тартибга солиш механизмларини ривожлантириш ва такомиллаштириш, хорижий мамлакатлар билан ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорлик қилиш ҳамда қўшма лойиҳалар ва дастурларни амалга ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишда қатнашади;

давлат эҳтиёжлари учун маҳсулотлар етказиб бериш (ишлар ва хизматларни бажариш) ҳажмлари ва таркибини белгиланган тартибда шакллантиради;

мамлакатнинг иқтисодий сафарбарлик режасини белгиланган тартибда шакллантиради ва унинг бажарилиши устидан назоратни таъминлайди;

минтақавий иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқишда ва амалга оширишда қатнашади, республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш прогнозининг минтақавий аспекти шакллантиради, иқтисодиёт тузилмаларини жойлаштириш ва иқтисодиётнинг ҳудудий тузилмасини такомиллаштириш стратегиясини асослайди, иқтисодиёт тузил-

маларини (ишлаб чиқарувчи кучларни) жойлаштиришнинг ўрта муддатли даврга мўлжалланган схемаларини ишлаб чиқади;

давлат экология сиёсатини шакллантиришда ва амалга оширишда ҳамда Ўзбекистоннинг экологик хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда қатнашади;

вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига, Вазирлар Маҳкамасига йирик стратегик ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишга, норматив-ҳуқуқий базани шакллантиришга, иқтисодиётни чуқурлаштириш ва эркинлаштиришга йўналтирилган таклифлар, тавсиялар ва таҳлилий ахборотлар тайёрлайди.

#### IV. Иқтисодиёт вазирлигининг ҳуқуқлари

11. Иқтисодиёт вазирлигига унга юкланган функцияларни амалга ошириши учун қуйидаги ҳуқуқлар берилади:

вазирликлар, идоралар, корпорациялар, концернлар, уюшмалар, компаниялар, бошқа хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, маҳаллий бошқарув органларининг ислохотларнинг энг муҳим устуворликларини прогнозлаш ва амалга ошириш ҳамда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан мутаносиб ривожлантириш соҳасидаги фаолиятини белгиланган тартибда мувофиқлаштириш;

ўз ваколатига кирувчи масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган материалларни ижро этувчи ҳокимият органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан сўраш ва белгиланган тартибда олиш;

ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича методик материаллар ва тавсияларни ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Ҳукумати топшириғига кўра халқаро даражада ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ифодалаш, хорижий давлатлар, савдо-иқтисодий иттифоқлар билан савдо-иқтисодий битимларни тайёрлашда ва тузишда, халқаро иқтисодиёт ва молия ташкилотлари, хорижий давлатлар билан иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиялар ишларида қатнашиш;

вазирлик доирасида иқтисодиёт соҳасида илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни амалга ошириш бўйича лойиҳаларни танлаб олиш учун ушбу ишларни бажариш юзасидан давлат буюртмасига мувофиқ танловлар эълон қилиш ва танлов комиссиялари тузиш;

марказлаштирилган капитал қўйилмалар ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати кафолати остида олинган хорижий кредитлар ҳисобига амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларини танлов асосида танлаб олишни ташкил этиш;

илмий тадқиқотларга йўналтириладиган бюджет молия ресурсларини тақсимлашда қатнашиш;

вазирликлар, идоралар, корпорациялар, концернлар, уюшмалар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан республика иқтисодиётининг сафарбарлик тайёргарлиги бўйича тадбирларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш, (зарурат бўлганда) саноат, транспорт ва бошқа моддий ишлаб чиқариш тармоқларининг йирик объектларини жойлаштириш лойиҳаларини, уларнинг муайян даврда иқтисодиётнинг барқарор ишлаши талабларига мувофиқлиги юзасидан, экспертизадан ўтказиш ва ушбу масалалар бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш;

ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича, ижро этувчи ҳокимият бошқа орган-

ларининг ва йирик хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари ва мутахассисларини жалб этган ҳолда белгиланган тартибда кенгашлар чақириш;

қонунчиликда назарда тутилган тартибда ва халқаро ҳуқуқий нормаларга мувофиқ бошқа давлатларнинг иқтисодиёт идоралари билан прогнозлаш методологияси ва амалиётини такомиллаштириш масалалари бўйича ҳамкорлик қилиш тўғрисида шартномалар тузиш;

ўзига бевосита ёки ўзига қарашли бўлинмалар орқали юкланган вазифалар доирасида хорижий иқтисодий идоралар ва илмий институтлар билан ҳамкорликни амалга ошириш;

кадрлар тайёрлаш ва ходимларнинг малакасини ошириш учун белгиланган тартибда идоравий ва илмий-ўқув марказлари, хўжалик ҳисобидаги консультация ва ахборот марказлари ташкил этиш;

белгиланган тартибда ноширлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда иқтисодиёт соҳасидаги жорий ва стратегик вазифаларни ёритиш учун матбуот органлари таъсис этиш;

Иқтисодиёт вазирлиги тизимига кирувчи вазирликлар ва ташкилотларнинг моддий-техника базасини яхшилаш чора-тадбирларини кўриш;

амалдаги қонунчиликка мувофиқ вазирликнинг ижтимоий инфратузилмасини яратиш ва такомиллаштириш, Иқтисодиёт вазирлиги тизими ходимлари меҳнатини рағбатлантиришнинг ягона тизимини шакллантириш.

12. Иқтисодиёт вазирлиги иқтисодиётни самарали, барқарор ривожлантириш йўллари белгилашнинг асосланганлиги ва методларининг ишлаб чиқилиши, Ҳукуматга тақдим этиладиган мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг таҳлилий ҳужжатлари, таклифлари, прогнозлари ва дастурларининг объективлиги ва комплекслиги учун жавоб беради.

#### **V. Иқтисодиёт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш**

13. Иқтисодиёт вазирлигига Вазир раҳбарлик қилади. Вазирни лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ амалга оширилади.

Иқтисодиёт вазирининг бир нафар биринчи ўринбосари ва Бош бошқармалар бошлиқлари ҳисобланадиган уч нафар ўринбосари бўлади. Вазирнинг биринчи ўринбосари мақомига кўра Вазирга, Вазир ўринбосарлари — Бош бошқармалар бошлиқлари Вазирнинг биринчи ўринбосарларига тенглаштирилади.

14. Иқтисодиёт вазири:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги фаолиятига раҳбарлик қилади ҳамда Вазирликка юкланган вазифаларнинг бажарилиши ва функцияларнинг амалга оширилиши учун шахсан жавоб беради;

марказий аппарат таркибий бўлинмалари раҳбарларининг Вазирлик фаолиятининг айрим йўналишларига раҳбарлиги юзасидан шахсий жавобгарлиги даражасини белгилайди;

Иқтисодиёт вазирлиги марказий аппарати ва унинг ҳудудий органлари тузилмасига ходимларнинг белгиланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритади;

Вазирлик марказий аппарати бўлинмалари ва унга қарашли ташкилотлар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

Иқтисодиёт вазирлиги марказий аппарати таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;

Иқтисодиёт вазирлиги марказий аппарати штатлар рўйхатини тасдиқлайди;



қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатлар доирасида бошқа ваколатларни амалга оширади.

15. Иқтисодиёт вазирлигида 9 кишидан иборат Ҳайъат тузилади, унинг шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ҳайъат ўзининг мунтазам ўтказиб туриладиган мажлисларида мамлакатни, тармоқларни ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим муаммоларини, прогнозлаш методологиясини ва уни ташкил этишни яхшилаш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш масалаларини кўриб чиқади.

Ҳайъат қарорлари Иқтисодиёт вазири буйруқлари билан ҳаётга татбиқ этилади.

16. Вазир ўринбосарлари — Бош бошқарма бошлиқлари раҳбарлик қиладиган Бош бошқармалар, бўлимлар, гуруҳлар Иқтисодиёт вазирлигининг асосий таркибий бўлинмалари ҳисобланади.

Бўлим бошлиқлари мақомига кўра бошқарма бошлиғига, гуруҳ раҳбарлари эса бошқарма бошлиғининг ўринбосарига тенглаштирилади.

Иқтисодиёт вазирлигининг бўлим, гуруҳ бошлиқлари Вазир қарори билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

17. Иқтисодиёт вазирлиги ўз ҳузуридаги:

Самарали иқтисодий сиёсат маркази;

Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси;

Товар бозорлари конъюнктурасини ўрганиш ҳамда инвестиция лойиҳалари ва дастурларини экспертизадан ўтказиш республика маркази;

Вазирлик маъмурий биносидан фойдаланиш бошқармаси;

«Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси» журнали таҳририяти фаолиятига раҳбарлик қилади.

18. Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Иқтисодиёт бош бошқармалари, шунингдек республика шаҳарлари ва туманларидаги иқтисодиёт бўлимлари тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига қарашли бўлади.

Уларнинг фаолиятига бевосита раҳбарлик қилиш ва мувофиқлаштиришни Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги амалга оширади.

Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазири Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазири билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан тайинланади.

Вилоятлар ва Тошкент шаҳар Иқтисодиёт бош бошқармалари раҳбарлари тегишли равишда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан тайинланади.

19. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги тизими ташкилотлари ва муассасалари бошқарув аппарати ходимлари сони, шунингдек унинг марказий аппарати тузилмаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

## **VI. Моддий рағбатлантириш чора-тадбирлари**

20. Иқтисодиёт вазирлиги ходимларини моддий рағбатлантириш амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

21. Иқтисодиёт вазирлиги ходимларининг иш ҳақи лавозим маошидан, амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган мукофотлардан, қўшимча ҳақ, устама ва рағбатлантирувчи тўловлардан иборат бўлади.

22. Иқтисодиёт вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари ходимлари лавозим маошларига муайян муддатли хизмати учун ҳар ойлик устамалар Вазир томонидан тасдиқланадиган Иқтисодиёт вазирлиги ходимларига муайян муддатли хизмати учун ҳар ойлик устама тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ тўланади.

23. Меҳнатга ҳақ тўлаш фонди, Иқтисодиёт вазирлигининг Ривожлантириш ва моддий рағбатлантириш жамғармаси, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бюджет маблағлари ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига шакллантириладиган бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси маблағлари Иқтисодиёт вазирлиги ходимларига иш ҳақи тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш манбалари ҳисобланади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **15 «Чилонзор буюм бозори» очик акциядорлик жамияти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида**

«Чилонзор буюм бозори» очик акциядорлик жамияти фаолиятини такомиллаштириш, савдонинг замонавий усулларига ўтиш ва сотувчилар ва харидорлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан «Отчопар буюм бозори» очик акциядорлик жамияти «Чилонзор буюм бозори» очик акциядорлик жамияти сифатида қайта номланганлиги;

бозорни реконструкция қилиш тугалланганлиги, савдо ўринларини ижарага олиш ҳуқуқи учун ким ошди савдолари ўтказилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. «Чилонзор буюм бозори» очик акциядорлик жамияти бозорида савдо фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Тошкент шаҳар ҳокимлиги:

тадбиркорлик субъектлари қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда давлат рўйхатидан ўтказилишини ва уларга чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқи учун рухсат гувоҳномалари берилишини таъминласин;

юридик шахсларга ва якка тартибдаги тадбиркорларга турғун савдо шахобчалари берилганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ ижара ҳақи, якка тартибдаги тадбиркорларга савдо жойлари берганлик учун бир марталик йиғим миқдорларини ва бозор томонидан кўрсатиладиган хизматлар қийматини белгиласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси:

бозорда юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан савдо фаолияти амалга оширилиши ҳамда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ тўланиши устидан қаттиқ назоратни;

ўн кун муддатда «Чилонзор буюм бозори» очик акциядорлик жамияти бозорида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг махсус тўплами нашр этилишини ва унинг якка тартибдаги тадбиркорлар ўртасида тарқатилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда бозор ҳудудида жамоат тартиби ва мол-мулк қўриқланишини, паспорт режимига, йўл ҳаракати хавфсизлигига ва ёнғин хавфсизлигига риоя қилинишига доир профилактика тадбирлари ўтказилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда оператив тадбирлар ўтказиш йўли билан бозорга контрабанда товарлари кириб келишининг олдини олсин.

6. Тижорат банкларига ўзаро ҳисоб-китобларнинг замонавий усулларини жорий этган ҳолда «Чилонзор буюм бозори» очик акциядорлик жамияти бозори ҳудудида филиаллар очиш тавсия этилсин.

7. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда мазкур қарорда белгиланган тартибга мувофиқ «Чилонзор буюм бозори» очик акциядорлик жамиятининг 2003 йил 1 февралдан бошлаб фаолият кўрсатишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳар «Отчопар буюм бозори» очик турдаги акциядорлик жамияти ҳудудида жисмоний шахсларнинг савдо фаолиятини тартибга солиш тўғрисида» 1998 йил 18 майдаги 218-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари М.З. Усмонов ва Тошкент шаҳар ҳокими Р.М. Шоабдурахмонов зиммасига юклансин.

#### **Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 23 январь,  
40-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 23 январдаги 40-сон қарорига  
ИЛЮВА

### **«Чилонзор буюм бозори» очик акциядорлик жамияти бозорида савдо фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида НИЗОМ**

#### **I. Умумий қоидалар**

1.1. Ушбу Низом «Чилонзор буюм бозори» очик акциядорлик жамияти бозорида (кейинги ўринларда бозор деб аталади) савдо фаолиятини ташкил этишни таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган ҳамда юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан чакана савдони рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш тартиботини тартибга солади.

1.2. Бозорда истеъмол товарлари билан савдо қилишга:  
савдо қилиш ҳуқуқи учун белгиланган тартибда берилган рухсат гувоҳномасига эга бўлган;

бозорда савдо ўрнини ижарага олиш шартномасини тузган юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар киритилади.

1.3. Бозорнинг иш тартиби:

бозор ҳар куни соат 8-00 дан 18-00 гача, ёз даврида эса соат 19-00 гача ишлайди; бозор ҳудудига кириш бепул; дам олиш (санитария ) куни — душанба; тадбиркорлик субъектлари иш ўринларини тайёрлаш учун бозорга эрталаб соат 6-00 дан бошлаб киритилади.

1.4. Бозордаги савдо ўринлари сони Тошкент шаҳар ҳокими томонидан тасдиқланади.

1.5. Тошкент шаҳар ҳокимлиги бозор томонидан тақдим этиладиган маълумот асосида мавжуд бўш савдо ўринларининг доимий тезкор ҳисобини юритади.

1.6. Бозорда озиқ-овқат товарлари билан савдо қилишга белгиланган тартибда фақат юридик шахслар томонидан турғун чакана савдо шахобчалари орқали рухсат этилади.

## **II. Ҳужжатларни расмийлаштириш ва бозорда чакана савдони амалга ошириш тартиби**

### **2.1. Юридик шахслар томонидан:**

2.1.1. Юридик шахслар чакана савдо билан фақат чакана савдони амалга ошириш учун 1-иловага мувофиқ шакл бўйича рухсат гувоҳномаси олган тақдирда шуғулланишлари мумкин.

2.1.2. Юридик шахслар бозор ҳудудида чакана савдо фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи рухсат гувоҳномасини олиш учун бозор жойлашган жойдаги ҳокимликка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши зарур:

ариза;

юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

уставнинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

ижара шартномаси ёки юридик шахснинг бозор ҳудудида турғун чакана савдо шахобчаси мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат;

назорат-касса машинаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида давлат солиқ хизмати органининг маълумотномаси;

савдони амалга ошириш ҳуқуқи учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи банк ҳужжатининг нусхаси.

2.1.3. Рухсат гувоҳномаси юридик шахсларга фақат товарларнинг сақланишини, сортларга ажратилишини ва чакана сотиш учун қадоқланишини таъминловчи савдо асбоб-анжомлари билан, сотиладиган товарлар турларини ҳисобга олган ҳолда жиҳозланган ўзининг ёки бозорда ижарага олинган турғун чакана савдо шахобчалари мавжуд бўлганда берилиши мумкин.

2.1.4. Рухсат гувоҳномаси белгиланган тартибда ҳар бир турғун чакана савдо шахобчаси учун, шартномада (аризада) кўрсатилган, савдони амалга ошириш ҳуқуқи учун тўлов амалга оширилган муддатга, лекин икки йилдан ортиқ бўлмаган муддатга берилади.

2.1.5. Чакана савдони амалга оширишнинг ушбу Низомда белгиланган қоидалари юридик шахс томонидан бузилганлиги аниқланган тақдирда рухсат гувоҳномаси уни берган ҳокимлик томонидан, давлат солиқ хизмати органининг тақдимномасига кўра қайтариб олинishi мумкин.

2.1.6. Рухсат гувоҳномасининг амал қилиши ҳафта мобайнида савдо айланмаси мавжуд бўлмаган ёки нақд пул тушумини инкассация қилиш қоидалари бузилган

тақдирда давлат солиқ хизмати органининг тақдимномасига кўра, хизмат кўрсатувчи банк ахбороти асосида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўхтатиб турилиши мумкин.

Фаолият вақтинчалик тўхтатиб турилган тақдирда юридик шахс рухсат гувоҳномаси берган ҳокимликни ва давлат солиқ хизмати органини ёзма равишда хабардор қилиши керак.

2.1.7. Товарларни чакана сотиш юридик шахслар томонидан фақат турғун чакана савдо шахобчалари орқали, назорат-касса машиналари мажбурий қўлланган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Чакана савдони кўчма равишда (дўкончаларда) амалга оширишга йўл қўйилмайди.

2.1.8. Чакана савдони амалга оширувчи юридик шахслар товарларнинг сотиб олинганлигини тасдиқловчи ҳужжатларга, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда сотилаётган товарларнинг мувофиқлик сертификатларига эга бўлишлари шарт. Сотиладиган товарлар витриналарга қўйилган бўлиши ва келиб чиққан мамлакат, ишлаб чиқарувчиси ва нархи кўрсатилган нархномаларга эга бўлиши керак. Яроқлик муддатига эга бўлган товарларни сотишда яроқлик муддати ҳам кўрсатилган бўлиши керак.

2.1.9. Чакана савдони амалга оширувчи юридик шахсларни солиққа тортиш амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

## **2.2. Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан турғун чакана савдо шахобчалари орқали:**

2.2.1. Якка тартибдаги тадбиркорлар чакана савдо фаолияти билан фақат чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқи учун 2-иловага мувофиқ шакл бўйича рухсат гувоҳномаси олган тақдирда шуғулланишлари мумкин.

2.2.2. Чакана савдо фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи рухсат гувоҳномасини олиш учун якка тартибдаги тадбиркор бозор жойлашган жойдаги ҳокимликка қўйидаги ҳужжатларни тақдим этиши зарур:

якка тартибдаги тадбиркор сотишни мўлжаллаётган товарлар гуруҳлари кўрсатилган ариза;

юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

ижара шартномаси ёки якка тартибдаги тадбиркорнинг бозор ҳудудида турғун чакана савдо шахобчаси мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат;

назорат-касса машинаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида давлат солиқ хизмати органининг маълумотномаси;

савдони амалга ошириш ҳуқуқи учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи банк ҳужжатининг нусхаси.

2.2.3. Рухсат гувоҳномаси якка тартибдаги тадбиркорларга фақат товарларнинг сақланишини, сортларга ажратилишини ва чакана сотиш учун қадоқланишини таъминловчи ўзининг ёки бозордан ижарага олинган, савдо асбоб-анжомлари билан жиҳозланган чакана савдо шахобчалари мавжуд бўлганда берилиши мумкин.

2.2.4. Рухсат гувоҳномаси фақат якка тартибдаги тадбиркор томонидан унинг чакана савдони амалга ошириш тартиби, савдо қоидалари, чакана савдо соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятини солиққа тортиш тартиби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, келтирилаётган товарларни божхонада расмийлаштириш тартиби, шунингдек қонун ҳужжатларини бузганлиги учун жавобгарлик чоралари билан танишлиги ёзма равишда тасдиқлангандан кейин берилади.

2.2.5. Рухсат гувоҳномасида ушбу гувоҳнома билан чакана сотишга рухсат берилган товарлар гуруҳлари мажбурий тартибда кўрсатилган бўлиши керак.

2.2.6. Рухсат гувоҳномаси белгиланган тартибда шартномада (аризада) кўрсатилган савдо ҳуқуқи учун ҳақ тўланган муддатга, лекин бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга берилади.

2.2.7. Рухсат гувоҳномаси савдо қоидалари бузилишлари аниқланган тақдирда давлат солиқ хизмати органлари тақдимномасига кўра, рухсат гувоҳномасини берган ҳокимлик томонидан қайтариб олиниши мумкин.

2.2.8. Рухсат гувоҳномасининг амал қилиши ҳафта мобайнида савдо айланмаси мавжуд бўлмаган ёки нақд пул тушумини инкассация қилиш қоидалари бузилган тақдирда давлат солиқ хизмати органи тақдимномасига кўра, хизмат кўрсатувчи банк ахбороти асосида тўхтатиб турилиши мумкин. Ҳокимлик рухсат гувоҳномасининг амал қилишини тузилган шартномалар бўйича товарлар олинганлиги тўғрисида тасдиқнома олинган тақдирда тиклаши мумкин.

2.2.9. Товарларни чакана сотиш якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан турғун савдо шахобчалари орқали, назорат-касса машиналари мажбурий қўлланган, товар операциялари ва даромадлар ҳисоби юритилган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

2.2.10. Товарларни савдо шахобчасидан ташқарида, шу жумладан дўкончаларда сотишга йўл қўйилмайди.

2.2.11. Чакана савдони амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар товарларнинг сотиб олинганлигини тасдиқловчи ҳужжатларга, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда сотилаётган товарларнинг мувофиқлик сертификатларига эга бўлишлари шарт.

Сотиладиган товарлар витриналарга қўйилган бўлиши ва келиб чиққан мамлакати, ишлаб чиқарувчиси ва нархи кўрсатилган нархномаларга эга бўлиши керак. Яроқлилик муддатига эга бўлган товарларни сотиш чоғида нархномаларда яроқлилик муддати ҳам кўрсатилган бўлиши керак.

2.2.12. Чакана савдони амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорларни солиққа тортиш амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

### **2.3. Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан бозор томонидан берилган (турғун бўлмаган) жойлар орқали:**

2.3.1. Якка тартибдаги тадбиркорлар бозорда чакана савдони фақат қуйидагилар бўйича амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар:

якка тартибдаги тадбиркорларнинг бевосита ўзлари келтиришган импорт товарлар, тегишли ҳужжатлар мавжуд бўлганда;

ўзлари тайёрлаган (сотилиши тақиқланмаган) товарлар;

ушбу товарларни ишлаб чиқарган бошқа якка тартибдаги тадбиркорлардан ёзма шартномалар асосида сотиб олинган товарлар.

2.3.2. 3-иловага мувофиқ рухсат гувоҳномаси олиш учун якка тартибдаги тадбиркор бозор жойлашган жойдаги ҳокимликка қуйидагиларни тақдим этиши зарур:

якка тартибдаги тадбиркор чакана савдода сотишни мўлжаллаётган товарлар гуруҳлари кўрсатилган ариза;

юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчининг жисмоний шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

бозор билан тузилган шартнома нусхаси ёки бозорнинг якка тартибдаги тадбиркорга савдо жойи берилганлиги тўғрисидаги маълумотнома;

савдо ҳуқуқига йиғим тўланганлигини тасдиқловчи банк ҳужжати нусхаси.

2.3.3. Рухсат гувоҳномаси фақат якка тартибдаги тадбиркор томонидан унинг буюм бозорларида чакана савдони амалга ошириш тартиби, савдо қоидалари, чакана савдо соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятини солиққа тортиш тартиби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, келтириладиган товарларни божхонада расмийлаштириш тартиби, шунингдек қонун ҳужжатларини бузганлиги учун жавобгарлик чоралари билан танишлиги ёзма равишда тасдиқлангандан кейин берилади.

2.3.4. Рухсат гувоҳномасида ушбу гувоҳнома билан чакана сотишга рухсат берилган товарлар гуруҳлари мажбурий тартибда кўрсатилган бўлиши керак.

2.3.5. Рухсат гувоҳномаси белгиланган тартибда шартномада (аризада) кўрсатилган савдо ҳуқуқи учун ҳақ тўланган муддатга, лекин уч ойдан ортиқ бўлмаган муддатга берилади.

2.3.6. Рухсат гувоҳномаси савдо қоидалари бузилишлари аниқланган тақдирда давлат солиқ хизмати органлари тақдимномасига кўра, рухсат гувоҳномасини берган ҳокимлик томонидан қайтариб олиниши мумкин.

2.3.7. Бозорда товарларни чакана сотиш якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан назорат-касса машиналари қўлламасдан, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда товар операциялари ва даромадлар ҳисобини мажбурий равишда юритган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

2.3.8. Импорт товарларни чакана сотувчи якка тартибдаги тадбиркор якка тартибдаги тадбиркор сифатида, экспорт-импорт операцияларини ва чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқи билан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган бўлиши керак ҳамда унинг республика ҳудудига товарлар келтирилганлигини ва уларнинг божхонада расмийлаштирилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларга, мувофиқлик сертификатларига, ягона божхона тўлови ва белгиланган солиқ тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатларга эга бўлиши шарт.

2.3.9. Ўзи тайёрлаган товарларни чакана сотишни амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар ишлаб чиқариш шароитларининг мавжудлигини тасдиқловчи ва давлат солиқ хизмати органлари томонидан тасдиқланган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан берилган ҳужжатларга эга бўлиши шарт.

2.3.10. Мазкур товарларни ишлаб чиқарган бошқа якка тартибдаги тадбиркорлардан сотиб олинган товарларни чакана сотишни амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар якка тартибдаги тадбиркор-ишлаб чиқарувчи билан тузилган сотиладиган товарларнинг олди-сотди шартномасига эга бўлишлари шарт. Шартномада қуйидаги реквизитлар мажбурий тартибда кўрсатилган бўлиши керак:

якка тартибдаги тадбиркорлар — сотувчи ва сотиб олувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми;

якка тартибдаги тадбиркорларнинг — сотувчи ва сотиб олувчи паспортларининг серияси, тартиб рақами ва берилган санаси;

якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаларнинг тартиб рақами ва берилган санаси ҳамда гувоҳномани берган давлат ҳокимияти органлари;

солиқ тўловчиларнинг ва рўйхатдан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати органининг идентификация рақамлари;

банк муассасасида ҳисоб рақамлари мавжуд бўлган тақдирда банк реквизитлари.

2.3.11. Бозорда чакана савдони амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорларни солиққа тортиш амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

**III. Ушбу Низомга риоя этилиши юзасидан жавобгарлик ва назорат**

3.1. Савдо фаолиятини рухсат гувоҳномасисиз ёхуд унинг амал қилиши тўхта-тиб турилган ёки у олиб қўйилган даврда амалга ошириш фаолиятни лицензиясиз амалга ошириш ҳисобланади ва бунинг учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб-гарлик чоралари қўлланади.

3.2. Савдо қоидалари бузилганда, санитария нормалари ва ёнғин хавфсизлиги қоидалари бажарилиши таъминланмаганда, савдони амалга ошириш ҳуқуқи учун йиғим ёки товарларнинг алоҳида турлари билан савдони амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензия йиғими тўланмаганда рухсат гувоҳномаси қоида бузилишлари бартараф этилгунга қадар олиб қўйилиши мумкин.

3.3. Ушбу Низомга риоя этилишини назорат қилиш давлат солиқ хизмати орган-ларига юкланади.

«Чилонзор буюм бозори» очик акциядорлик  
жамияти бозорида чакана савдо фаолиятини  
ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**Чилонзор тумани ҳокимлиги**

Бланканинг серияси  
ва тартиб рақами

**Чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқи учун**  
**РУХСАТ ГУВОҲНОМАСИ**

200 \_\_\_\_\_ йил \_\_\_\_\_ № \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ га берилди.  
(юридик шахснинг тўлиқ номи)

Почта манзили \_\_\_\_\_

Солиқ тўловчининг идентификация рақами \_\_\_\_\_

ХХТУТ коди \_\_\_\_\_

200 \_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ гача \_\_\_\_\_ жойлашган

турғун чакана савдо шахобчаси орқали чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқи берилди.

Назорат-касса машинаси \_\_\_\_\_ давлат солиқ инспекциясида  
\_\_\_\_\_ тартиб рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

Мў имзо \_\_\_\_\_

Изоҳ. Рухсат гувоҳномаси ҳар бир савдо шахобчаси учун алоҳида берилади.



«Чилонзор буюм бозори» очиқ акциядорлик  
жамияти бозорида чакана савдо фаолиятини  
ташқил этиш тартиби тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**Чилонзор тумани ҳокимлиги**

Бланканинг серияси  
ва тартиб рақами

**Чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқи учун**  
**РУХСАТ ГУВОҲНОМАСИ**  
(турғун савдо шахобчаси)

200 \_\_\_\_\_ йил \_\_\_\_\_ № \_\_\_\_\_

Сурат  
ўрни

\_\_\_\_\_ га берилди.

(якка тартибдаги тадбиркорнинг фамилияси, исми, отасининг исми)

Почта манзили \_\_\_\_\_

Паспорт серия \_\_\_\_\_ № \_\_\_\_\_ да \_\_\_\_\_

томонидан берилган.

\_\_\_\_\_ жойлашган

(чакана савдо турғун чакана савдо шахобчаси орқали амалга оширилганда тўлдирилади)

турғун савдо шахобчаси \_\_\_\_\_ орқали

200 \_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ гача

Қуйидаги \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ товар гуруҳлари билан чакана савдони амалга  
ошириш ҳуқуқи берилди.

Назорат-касса машинаси \_\_\_\_\_ давлат солиқ инспекциясида

\_\_\_\_\_ тартиб рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

М. ў.

имзо \_\_\_\_\_

«Чилонзор буюм бозори» очиқ акциядорлик  
жамияти бозорида чакана савдо фаолиятини  
ташқил этиш тартиби тўғрисидаги низомга  
3-ИЛОВА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**Чилонзор тумани ҳокимлиги**

Бланканинг серияси  
ва тартиб рақами

**Чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқи учун**  
**РУХСАТ ГУВОҲНОМАСИ**  
(турғун бўлмаган савдо шахобчаси)

200 \_\_\_\_ йил \_\_\_\_ № \_\_\_\_

Сурат  
ўрни

\_\_\_\_\_ га берилди.

(якка тартибдаги тадбиркорнинг фамилияси, исми, отасининг исми)

Почта манзили \_\_\_\_\_

Паспорт серия \_\_\_\_ № \_\_\_\_\_ томонидан берилган

Солиқ тўловчи идентификация рақами \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ жойлашган

(чакана савдо турғун чакана савдо шахобчаси орқали амалга оширилганда тўлдирилади)

турғун савдо шахобчаси орқали

200 \_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ гача

Қуйидаги \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ товар гуруҳлари билан чакана савдони амалга  
ошириш ҳуқуқи берилди.

Назорат-касса машинаси \_\_\_\_\_ давлат солиқ инспекциясида

\_\_\_\_\_ тартиб рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

М. Ў.

имзо \_\_\_\_\_

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 16 сида

### Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 28 ноябрдаги 414-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. СУЛТОНОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 31 январь,  
53-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 31 январдаги 53-сон қарорига  
ИЛОВА

### Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 22 июлдаги 368-сон қарори билан тасдиқланган Нархларни бошқариш жамғармаси тўғрисидаги низомнинг III бўлими иккинчи хатбоши «15 фоиздан ташқари» сўзларидан кейин «ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун солинадиган ва Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ижтимоий ҳаракатини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармасига ўтказиладиган жарималарнинг 42,5 фоиздан» сўзлари билан тўлдирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 26 августдаги 370-сон қарори билан тасдиқланган Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун монополияга қарши фаолиятни амалга оширувчи давлат органи томонидан солинадиган жарималарни хўжалик юритувчи субъектларга қўллаш тартибида:

3-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3. Монополияга қарши фаолиятни амалга оширувчи давлат органи (Ўзбекистон Республикаси Давлат монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси) истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қуйидаги бузилишлари учун ишлаб чиқарувчига, ижрочига ва сотувчига:

а) яроқлилиқ муддати ўтиб кетган ёки қонун ҳужжатларида яроқлилиқ муддатлари мажбурий равишда кўрсатилиши белгиланган товарларни сотиш учун қабул қилганлик ва сотганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг беш юз баравари миқдорда;

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.*

б) товарнинг сотиб олинганлигини ёки ишнинг ҳақи тўланганлигини тасдиқловчи, товар (иш, хизмат)нинг баҳоси ҳақидаги маълумот кўрсатилган касса ва товар чеклари ҳамда бошқа ҳужжатлар истеъмолчига берилмасдан товарлар сотилганлиги ёки хизматлар кўрсатилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг юз баравари миқдорда;

в) истеъмолчилар ҳуқуқларининг қуйидаги бузилишларини бартараф этиш тўғрисидаги ёзма кўрсатмаларни бажаришдан бўйин товланган ёки улар ўз вақтида бажарилмаган ҳолларда:

ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) тўғрисидаги зарур ахборот, товар (иш, хизмат) тўғрисидаги ахборот мавжуд эмаслиги, шунингдек товарни алмаштириш тартиби ва шартлари бажарилмаганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш баравари миқдорда;

товар (иш, хизмат) тўғрисида ишончли бўлмаган ёки етарлича тўлиқ бўлмаган ахборот берилганлиги, кафолат муддати белгиланадиган товарлар кафолат мажбуриятларисиз сотилганлиги ва товарларнинг айрим турларини сотиш (хизматлар кўрсатиш)нинг белгиланган тартибда тасдиқланадиган тартиби талаблари бузилишининг бошқа ҳоллари учун энг кам ойлик иш ҳақининг эллик баравари миқдорда жарима солишга ҳақлидир»;

6-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«6. Қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз текширишлари ва мониторинглар материаллари, истеъмолчилар, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари, оммавий ахборот воситалари, хўжалик юритувчи субъектлар, давлат бошқаруви органлари, жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг аризалари истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисидаги ишни кўриб чиқиши асос ҳисобланади.

Монополияга қарши фаолиятни амалга оширувчи давлат органининг мансабдор шахси истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги ҳақидаги ишни кўриб чиқади ва қарор чиқаради, унда қуйидагилар кўрсатилади:

қарор чиқарилган сана;

қарорни чиқарган мансабдор шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми;

хўжалик юритувчи субъект номи;

қонун бузилиш тури;

қонун бузилганлиги учун жавобгарликни назарда тутувчи норматив ҳужжатга ҳавола;

жариманинг аниқ миқдори, шикоят қилиш тартиби, тўлов муддати.

Ўз текширишлари натижалари кўриб чиқилганда шунингдек хўжалик юритувчи субъектни текшириш далолатномасининг тартиб рақами ва санаси кўрсатилади.

Қарор ёзма шаклда чиқарилади ва ушбу қарорни қабул қилган мансабдор шахс томонидан имзоланади».

3. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 14 январдаги 18-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тўғрисидаги Низомда:

7-банд қуйидаги таҳрирдаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун жамоатчиликни жалб этиш;

8-банд қуйидаги таҳрирдаги ўн еттинчи ва ўн саккизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, санитарияга оид қонун ҳужжатлари, давлат стандартлари ва сертификатлаш қоидалари талабларини текшириш ишларига истеъмолчилар жамоат ташкилотлари вакилларини жалб этади;

истеъмолчиларнинг жамоат ташкилотлари тақдимномаларига кўра ўзига қарашли лабораторияларда товарларнинг (ишлар, хизматларнинг) хавфсизлик талабларига мувофиқлигини шартнома асосида синовдан ўтказди».

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **17** **Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

«Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 13-моддасини ижро этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин ва 2003 йил 1 февралдан бошлаб амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги билан биргаликда:

транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказишда мувофиқлиги текшириладиган стандартлар рўйхатини бир ой муддатда белгиланган тартибда тасдиқласин;

мажбурий техник кўриқдан ўтказишда улар асосида транспорт воситаларининг техник ҳолати текшириладиган ишлаб чиқариш-техника базасига қўйиладиган талабларни ҳамда транспорт воситаларини техник диагностика воситаларидан фойдаланган ҳолда мажбурий техник кўриқдан ўтказиш ишлари технологиясига қўйиладиган талабларни икки ой муддатда тасдиқласин.

3. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита, Ички ишлар вазирлигининг ички ва соқчилик қўшинлари, Миллий хавфсизлик хизматининг ҳарбий бўлинмалари транспорт воситалари кўрсатиб ўтилган идоралар томонидан белгиланган тартибда мажбурий техник кўриқдан ўтказилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги оммавий ахборот воситаларида транспорт воситаларининг барча эгаларига, автомобилларга техника хизмати кўрсатувчи ташкилотларга мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартибини етказишга қаратилган кенг тушунтириш ишлари ўтказилишини ташкил этсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Н. Тўлаганов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ў. СУЛТОНОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 31 январь,  
54-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 31 январдаги 54-сон қарорига  
ИЛОВА

## Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

### И. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 13-моддасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва автомобилотранспорт воситалари ва уларга тиркамаларни, шунингдек шаҳар электр транспортини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Транспорт воситаларининг мажбурий техник кўриги (кейинги ўринларда матнда «техник кўриқ» деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси органлари (кейинги ўринларда матнда «ЙХХ бош бошқармаси» деб юритилади) томонидан мазкур Низомга мувофиқ ўтказилади.

3. Қуйидагилар техник кўриқдан ўтказишнинг асосий вазифалари ҳисобланади: транспорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш нормалари ва қоидаларига риоя этилиши устидан самарали назоратни ташкил этиш;

транспорт воситаларининг техник ҳолати ва усқуналари йўл ҳаракати хавфсизлиги стандартлари, қоидалари, нормаларига мувофиқлигини баҳолаш;

транспорт воситалари сонини, уларнинг ҳолатини, амалда мавжудлигини, тегишлилигини ва бошқа рўйхатдан ўтказиш маълумотларни аниқлаштириш;

йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш юзасидан профилактика ишларини ташкил этиш;

йўл ҳаракати ва транспорт воситаларидан фойдаланиш соҳасида ҳуқуқни бузишлар ва жиноятларнинг олдини олиш, аниқлаш ва барҳам бериш.

4. Юридик ва жисмоний шахсларга, шу жумладан хорижий юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган ва белгиланган тартибда ЙХХ бош бошқармаси органларида рўйхатдан ўтказилган транспорт воситалари, шунингдек троллейбуслар ва трамвайлар (кейинги ўринларда матнда «транспорт воситалари» деб юритилади) мажбурий техник кўриқдан ўтказилиши керак.

Мазкур Низом халқаро ҳуқуқ ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари нормаларига мувофиқ имтиёзлар ва дахлсизлик ҳуқуқларидан фойдаланувчи дипломатик ва консуллик ваколатхоналарига, халқаро (давлатлараро) ташкилотларга, шунингдек ушбу ваколатхоналар (ташкилотлар)нинг ходимларига ва уларнинг оила аъзоларига қарашли бўлган автомобилотранспорт воситалари ва уларга тиркамаларга нисбатан қўлланилмайди.

5. Транспорт воситалари қуйидаги даврийликка мувофиқ техник кўриқдан ўтказилиши керак:

а) тижорат асосида йўловчилар ташиш учун фойдаланиладиган енгил автомобиллар, автобуслар, троллейбуслар, трамвайлар ва ўтириладиган жойлар сони 8 та ва ундан ортиқ бўлган (ҳайдовчининг ўрнидан ташқари), одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари ва уларга тиркамалар — бир йилда икки марта;

б) ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан кўп бўлмаган (ишлаб чиқарилган йили

ҳам шу жумлага кирази) транспорт воситалари (мазкур банднинг «а» кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) — икки йилда бир марта;

в) ишлаб чиқарилган йилини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан ортиқ бўлган транспорт воситалари, шунингдек ишлаб чиқарилган вақти аниқланмаган транспорт воситалари (мазкур банднинг «а» кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) — бир йилда бир марта;

г) тиркамалар кўрикка транспорт воситаси — шатакчи учун белгиланган муддатларда тақдим этилади.

ЙХХ бош бошқармаси органларида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб улардан фойдаланишнинг биринчи йили мобайнида транспорт воситалари техник кўриқдан ўтказилмайди, мазкур банднинг «а» кичик бандида кўрсатилганлардан ташқари.

6. Мазкур Низомнинг 5-банди «а» кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларининг техник кўриги:

биринчи марта — 1 март — 30 июнда;

иккинчи марта — 1 сентябрь — 31 октябрда ўтказилади.

Юридик шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 1 март — 30 июнда ўтказилади.

Жисмоний шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 1 январь — 31 августда ўтказилади.

Транспорт воситаси техник кўрикка белгиланган муддатлардан олдин тақдим этилиши мумкин. Ушбу ҳолда транспорт воситасини техник кўрикка тақдим этиш муддатини ўзгартириш тўғрисидаги қарор транспорт воситаси эгаси — юридик ёки жисмоний шахснинг ёзма аризаси асосида ЙХХ бош бошқармасининг тегишли ҳудудий бўлини маси раҳбари томонидан қабул қилинади.

7. Транспорт воситалари техник кўриқдан ўтказилганлиги учун (мототранспорт, тиркамалар ва ярим тиркамалардан ташқари) энг кам ойлик иш ҳақининг ўндан бир қисми миқдорида йиғим ундирилади.

Мазкур Низомнинг 5-банди «а» кичик бандида кўрсатилган транспорт воситалари иккинчи марта техник кўриқдан ўтказилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

Мототранспорт, тиркамалар, яримтиркамалар техник кўриқдан ўтказилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг йиғирмадан бири миқдорида йиғим ундирилади.

Биринчи (олдинги) техник кўриқда носоз деб топилган транспорт воситалари такрорий техник кўриқдан ўтказилганлиги учун белгиланган миқдорларда йиғим ундирилади.

Техник кўриқ ўтказилганлиги учун йиғим суммаси республика бюджетига ўтказилади.

## **II. Техника хизмати кўрсатиш станцияларида техник кўриқни ташкил этиш тартиби**

8. Транспорт воситаларини техник кўрикка тайёрлаш ва ўтказиш учун вазирликлар ва идораларнинг, бошқа ташкилотларнинг, шунингдек хусусий эгаликдаги зарур шароитлар ва ускуналарга, шунингдек ЙХХ бош бошқармаси органлари томонидан берилган транспорт воситаларининг техник ҳолатини текширишга ва мажбурий техник кўрикка тайёрлашга рухсатномага эга бўлган техника хизмати кўрсатиш станциялари (кейинги ўринларда матнда «ТХС» деб юритилади), мулкчилик шаклларида қатъи назар, шартнома асосида жалб этилиши мумкин.

9. ТХСнинг транспорт воситаларининг техник ҳолатини текширишга тайёрлиги техник кўриқ олдидан тегишли назорат ускуналари, норматив-техник ва технология

хужжатлари мавжудлигини, шунингдек диагностика воситалари мавжудлиги ва уларнинг созлигини аниқлаш, уларнинг ўз вақтида аттестациядан ўтказилганлигини ва метрология хизматлари томонидан текширилганлигини текшириш йўли билан ТХСнинг буюртмасига кўра ЙХХ бош бошқармасининг ҳудудий бўлинмаси томонидан аниқланади.

Ижобий хулоса берилган тақдирда икки йил муддатга амал қилувчи тегишли рухсатнома (1-илова) расмийлаштирилади. Рухсатноманинг амал қилиш муддати мазкур банд талабларига мувофиқ такрорий текширишдан кейин узайтирилади.

10. ТХСда транспорт воситаларининг техник ҳолатини текшириш ва уларни техник кўриқка тайёрлаш чоғида камчиликлар ва қонун бузилишлари аниқланган тақдирда ЙХХ бош бошқармаси органлари транспорт воситаларининг техник ҳолатини текшириш ва мажбурий техник кўриқка тайёрлаш учун берилган рухсатноманинг амал қилишини улар бартараф этилгунга қадар тўхтатиб туради.

11. ТХСда транспорт воситасининг техник ҳолатини текшириш транспорт воситалари эгаларининг хохишига кўра ўтказилади.

12. ТХС транспорт воситаларининг эгалари билан белгиланган тартибда тузилган шартнома асосида техник ҳолатни текширади, техник носозликларни бартараф этади, транспорт воситаларини таъмирлайди.

13. Текширишдан ўтган ва соз деб эътироф этилган ҳар бир транспорт воситасига ТХС техник ҳолат тўғрисидаги маълумотномани (2-илова) расмийлаштиради ва беради.

14. ТХСнинг транспорт воситасининг техник ҳолати тўғрисидаги маълумотномаси берилган кундан бошлаб ўн кун мобайнида (бирок мазкур Низомнинг 6-бандида назарда тутилган муддатлардан кеч бўлмаган муддатда) амал қилади ва транспорт воситаларининг техник ҳолатини текширмасдан уларни техник кўриқдан ўтказиш натижалари ЙХХ бош бошқармаси органларида расмийлаштирилиши учун асос бўлиб хизмат қилади.

### **III. Юридик шахсларнинг транспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказишни ташкил этиш**

15. Техник кўриқ транспорт воситалари рўйхатдан ўтказилган (вақтинча рўйхатдан ўтказилган) жойда:

зарур шарт-шароитларга (техник диагностика ускуналарига, кўтариш мосламаларига ёки қараб чиқиш учун чуқурчаларга, назорат-ўлчаш асбобларига, асфальт ёки бетон қопланган бир текис горизонтал майдончага) ва малакали мутахассисларга эга бўлган ташкилотларда;

техника хизмати кўрсатиш станцияларида;

ЙХХ бош бошқармасининг диагностика станцияларида;

ЙХХ бош бошқармаси органлари томонидан ўрнатилган техник назорат постларида ўтказилади.

Юридик шахсларнинг транспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказиш жойлари ЙХХ бош бошқармасининг ҳудудий бўлинмалари томонидан белгиланади.

Ташкилотларда техник кўриқ бошлангунга қадар барча диагностика аппаратлари текширилиши ва иш ҳолатига келтирилиши зарур.

16. Техник кўриқни ташкил этиш жадвал тузиш билан режалаштирилади, жадвалда техник кўриқ ўтказиш жойи, санаси ва вақти, кўриқка қўйилаётган транспорт воситалари сони тўғрисидаги маълумотлар бўлиши керак.

Жадвал юридик шахсларнинг буюртманомалари ва диагностика станцияларининг



техник имкониятлари, об-ҳаво-иқлим, ишлаб чиқариш шароитлари ва бошқа шароитларни ҳисобга олган ҳолда ЙХХ бош бошқармаси ҳудудий органлари томонидан тузилади.

17. Бир кунда техник кўрикка қўйиладиган транспорт воситалари сони мавжуд диагностика ва назорат-ўлчаш ускуналарининг кунлик унумдорлигидан келиб чиқиб белгиланади.

18. Техник кўриқни ўтказиш жадвали ва уни ўтказиш бўйича комиссиянинг таркиби ҳар йили 15 февралгача Тошкент шаҳар ҳокими, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг тегишли тумани (шаҳари) ҳокимларининг қарори билан тасдиқланади. Бунда комиссия таркибига Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги ҳудудий бўлинмаси, трамвай-троллейбус парклари, бошқа давлат органлари, шунингдек нодавлат, нотижорат ташкилотларнинг вакиллари киритилади.

ЙХХ бош бошқармаси ҳудудий органининг (Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, вилоятлар ички ишлар бошқармалари ва Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари туман (шаҳар) ички ишлар бўлимларининг автотранспорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш нормалари ва қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш бўлими (бўлинмаси, гуруҳи) вакили (кейинги ўринларда матнда — ЙХХ бош бошқармаси ходими) комиссия раиси ҳисобланади.

19. Юридик шахсга техник кўрик ўтказиладиган муддатлар тўғрисидаги билдиришнома юборилади, унга транспорт воситалари гуруҳлари (3-илова) ёки алоҳида транспорт воситаси (4-илова) техник кўрик далолатномаси бланклари илова қилинади. Техник кўрик далолатномалари бланклари талаб этиладиган маълумотлар кўрсатилган ҳолда (техник ҳолат тўғрисидаги маълумотлардан ташқари) транспорт воситалари рўйхатига мувофиқ тўлдирилади. Транспорт воситалари гуруҳининг техник кўриги далолатномасида кўрсатилган транспорт воситалари тўғрисидаги маълумотлар ЙХХ бош бошқармасининг тегишли органларида ҳисобга олиш маълумотлари билан таққосланади.

20. Техник кўрик ташкилотларда, диагностика станцияларида ва техника хизмати кўрсатиш станцияларида иш вақтида, техник назорат постларида иш кунларининг кундузги ва тунги вақтларида ёки ҳафтанинг дам олиш кунларидан бирида ўтказилади.

21. Бошқа юридик ёки жисмоний шахсларга ижарага берилган транспорт воситалари ижарага берувчида ёхуд улар вақтинчалик рўйхатдан ўтказилган жойдаги ЙХХ бош бошқармаси органларида ижарага берувчи учун белгиланган муддатларда техник кўриқдан ўтади.

22. Техник кўрик бошланишидан камида ўн кун олдин юридик шахс ЙХХ бош бошқармасининг ҳудудий органига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

юридик шахснинг раҳбари, бош бухгалтер (бош бухгалтер функциясини бажарувчи шахс) томонидан имзоланган, юридик шахснинг муҳри билан тасдиқланган техник кўрик далолатномасининг бир нусхаси;

техник кўриқдан ўтказганлик учун йиғимнинг белгиланган суммаси тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат (тўлов топшириғи, квитанция);

мукаммал таъмирлашда, хизмат сафарида бўлган, ижарага берилган ёки сотишга қўйилган транспорт воситалари сонини тасдиқловчи маълумотлар.

#### **IV. Троллейбуслар ва трамвайларни техник кўриқдан ўтказишни ташкил этиш**

23. Троллейбуслар ва трамвайлар техник ҳолатининг Трамвай ва троллейбусдан

техник фойдаланиш қоидалари, нормативлар ва стандартларнинг йўл ҳаракати хавфсизлиги ва техника хавфсизлигини таъминлашга тегишли қисми талабларига мувофиқлиги троллейбуслар ва трамвайларни давлат техник кўригидан ўтказишнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

24. Йўл ҳаракати хавфсизлиги талабларидан ҳеч бўлмаганда биттасига жавоб бермайдиган троллейбус ва трамвайлар носоз деб ҳисобланади.

25. Техник кўрикка қўйилган, бироқ техник носозлик туфайли кўрикдан ўтмаган трамвайлар ва троллейбуслар фойдаланиш учун қўйилмайди.

26. Ўтказилган техник кўрик натижалари бўйича мазкур Низомда белгиланган тартибда ҳужжатлар тузилади ва расмийлаштирилади.

#### **V. Жисмоний шахсларга тегишли транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказишни ташкил этиш**

27. Жисмоний шахсларга тегишли транспорт воситасини навбатдаги техник кўрикка қўйиш санаси жорий кўздан кечириш пайтида ЙХХ бош бошқармаси органлари ходимлари томонидан белгиланади.

Техник кўрикни бир текис ўтказиш мақсадида ЙХХ бош бошқармаси органлари жадваллар тузиши ва транспорт воситалари эгаларига транспорт воситаларини техник кўрикка қўйишнинг аниқ саналари (ойлари)ни тавсия этишлари мумкин.

28. Техник кўрик транспорт воситалари рўйхатдан ўтказиладиган (вақтинча рўйхатдан ўтказиладиган) жойдаги:

техника хизмати кўрсатиш станцияларида;

ЙХХ бош бошқармасининг диагностика станцияларида;

ЙХХ бош бошқармаси органлари томонидан белгиланган техник назорат постларида;

транспорт воситаларининг техник ҳолатини текшириш учун зарур шарт-шароитларга эга бўлган жамоавий гараж ҳудудида, автомобиллар тўхташ жойларида ўтказилади.

29. Транспорт воситаларининг техник кўриги ўтказиладиган жой ЙХХ бош бошқармаси органлари томонидан белгиланади. Транспорт воситаларининг техник кўриги иш кунларининг кундузги ва тунги вақтларида ёки ҳафтанинг дам олиш кунларининг бирида ўтказилади.

30. Техник кўрикдан ўтказиш учун транспорт воситаси эгаси ёки унинг ваколатли шахси томонидан қуйидаги ҳужжатлар кўрсатилади:

паспорт ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжат (ҳарбий хизматчилар — шахсий гувоҳнома ва турар жойидан маълумотнома; Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида аккредитация қилинган хорижий ташкилотлар ходимлари — Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида рўйхатдан ўтказилган аккредитация карточкалари ва миллий паспортлари; бошқа хорижий фуқаролар — ички ишлар органларида рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида белги қўйилган миллий паспортлари ёки Ўзбекистон Республикасида яшаш рухсатномаси; фуқаролиги бўлмаган шахслар — Ўзбекистон Республикасида яшаш рухсатномаси);

техник кўрикдан ўтказишга берилган транспорт воситасига мувофиқ тоифадаги транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқига ҳайдовчи гувоҳномаси;

транспорт воситасининг рўйхатдан ўтказилгани тўғрисида гувоҳнома (техник паспорт, техник талон);

транспорт воситасини бошқаришга яроқлилик тўғрисида белгиланган шаклдаги тиббий маълумотнома;

куйдаги хужжатлар тақдим этилади:

техник кўриқдан ўтиш учун белгиланган йиғим суммаси тўланганлигини тасдиқловчи хужжат (тўлов топшириқномаси, квитанция);

техник кўриқдан ўтказиш шахобчасининг транспорт воситасининг техник ҳолати тўғрисидаги маълумотномаси — шундай маълумотнома бўлганда.

31. Транспорт воситасини техник кўриқдан ўтказиш жойига олиб бориш мумкин бўлмаган тақдирда унинг эгаси белгиланган муддатларда Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизматининг ҳудудий органига ёзма ариза ва ушбу Низомнинг 30-бандида кўрсатилган хужжатларни тақдим этади (ҳайдовчи гувоҳномаси, техник кўриқдан ўтказиш учун йиғим тўланганлиги тўғрисидаги хужжат ва тиббий маълумотнома бундан мустасно). Бунда Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизматининг ҳудудий органи ходими рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасига (техник паспортга, талонга) носозлик тўғрисида «NOSOZ» ёзувини қайд қилади ва шахсий имзо ва муҳр (штамп) билан тасдиқлайди.

Носозлик бартараф этилгандан кейин транспорт воситаси эгаси уни, ушбу Низомнинг 30-бандида кўрсатилган хужжатларни кўрсатган ҳолда техник кўриққа кўяди.

32. Эгасининг йўқлиги ёки касаллиги оқибатида техник кўриқдан белгиланган муддатларда ўтказилмаган транспорт воситалари эгаси қайтиб келгандан ёки соғайгандан кейин 10 кун мобайнида техник кўриқдан ўтказилади.

## VI. Техник кўриқни ўтказиш тартиби

33. Транспорт воситалари техник кўриқдан ўтказишга Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати органлари томонидан кўрсатилган жойга қўйилади.

34. Ҳар қайси транспорт воситасининг техник кўриғи рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномада (техник паспортда, техник талонда) кўрсатилган маълумотларга транспорт воситаси тури, маркаси, модели, давлат рақами белгилари, шасси (рама), кузов ва двигателнинг идентификациялаш рақамларининг мувофиқлигини текширишдан бошланади.

35. Ҳар қайси транспорт воситасининг техник ҳолати ва жиҳозлари стандартлар талабларига, йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидалари ва нормаларига мувофиқлиги жиҳатидан текширилади.

36. Тиркамалар ва ярим тиркамаларнинг техник ҳолати ҳам автопоезд таркибида, ҳам алоҳида турган ҳолатида текширилади.

37. Техник кўриқдан ўтган транспорт воситалари бўйича далолатнома тузилади (3 ёки 4-илова).

Техник кўриқдан ўтган транспорт воситасини рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасига (техник паспортга, талонига) Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати органининг ходими белгиланган намунада штамп қўяди, созлиги тўғрисида «SOZ» сўзини қайд этади, имзо билан тасдиқлайди ва техник кўриқдан ўтганлиги тўғрисида талон беради (5-илова).

Техник кўриқдан ўтганлиги тўғрисидаги талонни (ёки дубликатни) берганлик учун йиғим ундирилмайди.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати ходими техник кўриқдан ўтказилгани тўғрисидаги талоннинг йил ойлари рим рақамлари билан кўрсатилган ўнг ёки чап қисмидаги квадратлардан биттасини қирқиб олади (компостёр қилади, ўчиради). Қирқиб олинган квадрат транспорт воситасини навбатдаги техник кўриққа қўйилиши керак бўлган муддатни белгилайди.

Техник кўриқдан ўтгани тўғрисидаги талон навбатдаги техник кўриқ ўтказилгунгача сақланади.

38. Техник кўриқдан ўтганлиги тўғрисидаги талон йўқолганда (ёки яроқсизланганда) юридик ёки жисмоний шахс — транспорт воситаси эгасининг ёзма аризасига кўра Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизматининг рўйхатдан (вақтинчалик рўйхатдан) ўтказилган жойдаги органи кўриқдан ўтказилганлик фактини текширади.

Кўриқдан ўтганлиги факти тасдиқланганда ва ушбу Низомнинг 30-бандида назарда тутилган ҳужжатлар кўрсатилганда талон дубликати расмийлаштирилади ва берилади. Бунда транспорт воситасининг техник ҳолати текширилмайди ва уни навбатдаги техник кўриқдан ўтказишга қўйиш муддати ўзгармайди.

39. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг рухсатномасини олиш талаб қилинадиган радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларга эга бўлган транспорт воситаларида тегишли рухсатноманинг мавжудлиги текширилади.

40. Махсус ва тезкор хизматлар транспорт воситаларида махсус рангли ва овозли сигналлар қурилмаларининг мавжудлиги, созлиги ва қонунийлиги, шунингдек транспорт воситасининг ранг-график бўйлаш схемаларининг стандартлар талабларига мувофиқлиги текширилади.

41. Консервацияга қўйилган транспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказишда уларнинг бутлиги текширилади. Транспорт воситасининг соз ҳолатдалигига шубҳа туғдирадиган сабаблар мавжуд бўлганда транспорт воситасини ғилдиракларини чиқариш учун тагликлардан қўзғатмаган ҳолда унинг двигатели ва трансмиссиясининг ишлай олиши текширилади.

42. Техник кўриқ натижалари транспорт воситасининг рўйхатдан ўтказиш қарточкасида, шунингдек Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси ҳудудий органларининг ҳисобга олиш ҳужжатларида қайд этилади.

43. Жисмоний шахс томонидан транспорт воситасини (носозлиги ёки бошқа узрли сабаблар туфайли) техник кўриқдан ўтказишга қўйиш имконияти бўлмаган тақдирда рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш, ҳисобдан чиқариш учун ёки (битта транспорт воситасини кўриқдан ўтказиш далолатномасини албатта тақдим этиш талаб қилинадиган) бошқа ҳолатларда транспорт воситаси эгасининг ёзма аризасига кўра Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизматининг ҳудудий органи ходими томонидан у жойлашган жойда, битта транспортни кўриқдан ўтказиш далолатномаси тузилган ҳолда техник кўриқдан ўтказилиши мумкин. Далолатнома берилган вақтидан бошлаб 30 кун мобайнида ҳақиқий ҳисобланади.

44. Техник ҳолати ва жиҳозлари йўл ҳаракати хавфсизлиги талабларидан ҳатто биттасига жавоб бермайдиган транспорт воситаси ҳам носоз ҳисобланади ва ундан фойдаланиш тақиқланади.

Бундай транспорт воситасини такрорий кўриқдан ўтказиш олдинги кўриқдан ўтказилган вақтидан бошлаб йигирма кундан кечикмай, ушбу Низомда белгиланган тартибда ўтказилади. Бу ҳолда техник ҳолатни текшириш фақат олдинги кўриқдан ўтказишда йўл ҳаракати хавфсизлиги талабларига мувофиқ бўлмаган кўрсаткичлар бўйичагина ўтказилади.

Транспорт воситаси олдинги кўриқдан ўтказиш вақтидан бошлаб 20 кундан кўп бўлмаган муддатда такрорий кўриқдан ўтказишга қўйилган тақдирда техник ҳолатни текшириш тўлиқ ҳажмда ўтказилади.

## VII. Яқуний қоидалар

45. Техник кўриқдан ўтказилганлиги тўғрисидаги штамп намунаси Ўзбекистон

Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланади. Штампларни тайёрлаш, шунингдек улар билан Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизматининг ҳудудий органларини таъминлаш Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, вилоятлар ички ишлар бошқармалари ва Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси томонидан амалга оширилади.

46. Техник кўриқдан ўтказилганлиги тўғрисидаги талон тавсифи Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланади. Талон қатъий ҳисобда турадиган бланка ҳисобланади, уни тайёрлаш, сақлаш, сарфлаш ва ҳисобга олиш белгиланган тартибда Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати органлари томонидан, амалга оширилади.

Талон бланкаларини тайёрлаш харажатларини маблағ билан таъминлаш марказлаштирилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси томонидан республика бюджети маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга 1-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати**

Транспорт воситаларининг техник ҳолатини текширишни ва уларни мажбурий техник кўриққа тайёрлашни ўтказишга

РУХСАТНОМА \_\_\_\_\_

(серияси, тартиб рақами)

\_\_\_\_\_ га берилди

(техник хизмат кўрсатиш шаҳобчасининг тўлиқ номи, қарашлилиги)

тўлиқ манзили \_\_\_\_\_

телефони \_\_\_\_\_ факси \_\_\_\_\_

Рухсатноманинг амал қилиш муддати \_\_\_\_\_

Рухсатнома \_\_\_\_\_

(рухсатномани берган Йўл ҳаракати хавфсизлиги

\_\_\_\_\_ томонидан берилган

давлат хизмати органининг номи)

М. Ў.

(Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати органи мансабдор шахсининг лавозими, унвони, фамилияси, исми, отасининг исми, имзоси)

Берилган санаси: 200\_\_ йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_

Транспорт воситаларини мажбурий  
техник кўриқдан ўтказиш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

**Транспорт воситасининг техник ҳолати тўғрисида  
МАЪЛУМОТНОМА**

\_\_\_\_\_ техник кўриқдан ўтказиш шахобчасида  
(техник кўриқдан ўтказиш шахобчасининг номи)

\_\_\_\_\_ га қарашли  
(эгасининг Ф. И. О. ёки корхонанинг номи)

\_\_\_\_\_ маркали, давлат рақами \_\_\_\_\_ бўлган  
\_\_\_\_\_ нинг техник ҳолати  
(транспорт воситасининг тури)

текширилди ва транспорт воситасининг техник жиҳатдан созлиги ҳамда стандарт талабларига, йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидалари ва нормаларига жавоб бериши аниқланди.

Раҳбар \_\_\_\_\_  
(масъул шахснинг имзоси, Ф. И. О.)

200\_\_ йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_

М. Ў.

Изоҳ. Ушбу маълумотнома берилган кунидан бошлаб ўн кун мобайнида ҳақиқий-дир ва транспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказиш натижаларини Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати органларида уларнинг техник ҳолатини текширувсиз расмийлаштириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Транспорт воситаларини мажбурий  
техник кўриқдан ўтказиш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
3-ИЛОВА

**Транспорт воситалари гуруҳини мажбурий техник  
кўриқдан ўтказиш  
ДАЛОЛАТНОМАСИ**

Тузилган санаси 200\_\_ йил «\_\_»\_\_\_\_\_

200\_\_ йил «\_\_»\_\_\_\_\_ дан 200\_\_ йил «\_\_»\_\_\_\_\_ гача  
\_\_\_\_\_ га қарашли транспорт восита-

(юридик шахснинг номи)

лари гуруҳи техник кўриқдан ўтказилди

Т/р	транспорт воситасининг тури	давлат рақами	маркаси	ишлаб чиқарилган йили	Агрегатлар рақами			техник ҳолати, носоз транспорт воситасининг техник талони олиб қўйилгани тўғрисидаги белги	Изоҳ, Дизель ёки газ ёнилғиси билан ишлайди
					двигатель	кузов	шасси (рама)		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
1.									
2.									
3.									
4.									
5.									
6.									
7.									
8.									
9.									
10.									
11.									
12.									
13.									
14.									
15.									
16.									
17.									
18.									
19.									
20.									
21.									
22.									
23.									
24.									
25.									
26.									
27.									
28.									
29.									
30.									

Т/р	транспорт воситасининг тури	давлат рақами	маркаси	ишлаб чиқарилган йилли	Агрегатлар рақами			техник ҳолати, носоз транспорт воситасининг техник талони олиб қўйилгани тўғрисидаги белги	Изох. Дизель ёки газ ёнилғиси билан ишлайди
					двигатель	кузов	шасси (рама)		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
31.									
32.									
33.									
34.									
35.									
36.									

«Юридик шахснинг ҳисобидаги (балансидаги) транспорт воситалари сонини тасдиқлаймиз»:

Корхона раҳбари \_\_\_\_\_

(имзо, Ф. И. О.)

Рўйхатда кўрсатилган транспорт воситалари ЙХХ РЭО (МРЭО, РЭП) ҳисобга олиш маълумотлари билан таққосланган РЭО (МРЭО, РЭП) ходими \_\_\_\_\_

(лавозими, ЙХХДХ органи номи, унвони, Ф. И. О.)

Бош бухгалтер (бухгалтер ёки ҳисобни юритувчи шахс) \_\_\_\_\_

(имзо, Ф. И. О.)

М. Ў.

М. Ў.

Ташкилот ҳисобида \_\_\_\_\_ автомобиль, \_\_\_\_\_ тиркама, \_\_\_\_\_ ярим тиркама ва \_\_\_\_\_ мототранспорт воситалари мавжуд, улардан \_\_\_\_\_ автомобиль, \_\_\_\_\_ тиркама, \_\_\_\_\_ ярим тиркама ва \_\_\_\_\_ мототранспорт воситалари техник кўрикка қўйилган.

\_\_\_\_\_ автомобиль, \_\_\_\_\_ мототранспорт воситаси, \_\_\_\_\_ тиркама, ярим тиркама мукамал таъмирлашдалиги ва \_\_\_\_\_ автомобиль, \_\_\_\_\_ мототранспорт воситаси, \_\_\_\_\_ тиркама ва ярим тиркама хизмат сафаридалиги туфайли \_\_\_\_\_ автомобиль, \_\_\_\_\_ мототранспорт воситалари, \_\_\_\_\_ тиркама, ярим тиркама техник кўриқдан ўтмади.

Текширилган автомобиллардан \_\_\_\_\_ автомобиль, \_\_\_\_\_ мототранспорт воситалари, \_\_\_\_\_ тиркама, ярим тиркама техник жиҳатдан носоз деб топилди.

Шу жумладан:

\_\_\_\_\_ та транспорт воситасининг тормоз системасида;

\_\_\_\_\_ та транспорт воситасининг руль бошқарувида;

\_\_\_\_\_ та транспорт воситасининг ташқи ёритиш приборларида носозлик мавжудлиги;

\_\_\_\_\_ та транспорт воситасида фойдаланиш учун яроксиз автошиналар мавжудлиги;



\_\_\_\_\_ та транспорт воситасининг ишланган газида зарарли моддалар мавжудлиги ва уларнинг тутунлилиги белгиланган нормалардан ортиқчалиги аниқланди.

Ҳисобдаги автомобиллардан \_\_\_\_\_ таси дизель ёнилғиси билан, \_\_\_\_\_ таси газ ёнилғиси билан ишлайди.

Текширилган \_\_\_\_\_ та дизель автомобилдан \_\_\_\_\_ таси ва \_\_\_\_\_ та газ баллонли автомобилдан \_\_\_\_\_ таси носоз деб топилди.

\_\_\_\_\_ (лавозими, ЙҲХДХ органининг номи, унвони, Ф. И. О. имзо)

Далолатнома нусхасини олдим:

Юридик шахс раҳбари \_\_\_\_\_ (Ф. И. О. имзо)

Транспорт воситаларини мажбурий  
техник кўриқдан ўтказиш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
4-ИЛОВА

### Алоҳида транспорт воситасини техник кўриқдан ўтказиш ДАЛОЛАТНОМАСИ

Тузилган санаси 200\_\_ йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_

Техник кўриқ \_\_\_\_\_

(Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати органининг номи,

\_\_\_\_\_ томонидан ўтказилди  
мансабдор шахснинг лавозими, унвони, Ф. И. О. )

1. Транспорт воситасининг маркаси, модели \_\_\_\_\_ 6. Шасси (рама) рақами \_\_\_\_\_

2. Тури \_\_\_\_\_ 7. Двигатель рақами \_\_\_\_\_

3. Ранги \_\_\_\_\_ 8. Кузов рақами \_\_\_\_\_

4. Ишлаб чиқарилган йили \_\_\_\_\_ 9. Рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги  
гувоҳномаси (техник паспорт) серияси,  
рақами \_\_\_\_\_

5. Давлат рақами \_\_\_\_\_

10. Транспорт воситаси \_\_\_\_\_

(юридик шахснинг тўлиқ номи,

\_\_\_\_\_ га қарашли

якка тартибдаги транспорт воситаси эгасининг Ф. И. О.)

11. Жойлашган жойи (турар жойи) \_\_\_\_\_

12. Қўйидаги техник носозликлар аниқланди: \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

13. Автошинанинг ҳолати \_\_\_\_\_

14. Радиотўсиқларни йўқотиш мосламаларининг мавжудлиги \_\_\_\_\_

15. Спидометрнинг ҳолати \_\_\_\_\_

16. Техник ҳолати тўғрисида хулоса \_\_\_\_\_

(техник жиҳатдан соз, носоз)

Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати ходими \_\_\_\_\_

(имзо, Ф. И. О.)

Далолатнома нусхасини олдим \_\_\_\_\_

(имзо, Ф. И. О.)

Транспорт воситаларини мажбурий  
техник кўриқдан ўтказиш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
5-ИЛОВА

**Техник кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги талоннинг  
олд томони**

I	<b>ЎЗБЕКИСТОН 2003 UZ № 0000000</b>	VII
II		VIII
III		IX
IV		X
V		XI
VI		XII

**талоннинг орқа томони**

<b>Мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги талон</b>
Транспорт воситасининг маркаси, модели _____
Давлат рақами белгиси _____
Алоҳида қайдлар _____
_____
(ЙХХДХ органининг номи, мансабдор шахснинг лавозими, унвони, ФИО. имзоси)
М. ў.